

В. Г. Гак

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ
НАЗАРИЙ
ГРАММАТИКАСИ**

В.Г.ГАК

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ
НАЗАРИЙ
ГРАММАТИКАСИ**

Морфология

*Самарқанд Давлат Чет тиллар
институтининг илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Самарқанд – 2002

ГАК В. Г. Француз тили назарий грамматикаси.
Морфология. (Француз тили грамматикасини назарий
ўрганишга кириш. Сўз туркумлари назарияси).
Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси.
– Самарқанд: СамДЧТИ, 2002, 108 бет.

Таржима учун:

Маъсул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент А.М.НАРЗИКУЛОВ.

Таҳрирчилар: филология фанлари доктори,
профессор Ҳ.Ғ.НЕЪМАТОВ;
филология фанлари доктори,
профессор Н.К.ТУРНИЁЗОВ.

Проф. В.Г.Гакнинг машҳур дарслиги («Теоретическая грамматика французского языка. Морфология». –М.: Высшая школа, 1986, 4-67-бетлар) дан қилинган ушбу таржимада грамматиканинг таърифи, бирликлари, тадқиқот объекти, таҳлил методлари, тил ва нутқ, лисоний белги асимметрияси, сўз туркумлари назарияси каби долзарб масалалар ўзининг ихчам ва мукамал ифодасини топган.

Қўлланма бакалавриант, магистрант, аспирант ва докторантларга, шунингдек, тилшуғосликнинг назарий муаммоларини чуқур билишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган романист, германист, русист ҳамда турколог олимларга мўлжалланган.

©Самарқанд Давлат Чет тиллар институти, 2002

ПРОФЕССОР ВЛАДИМИР ГРИГОРЬЕВИЧ ГАКНИНГ ТИЛШУНОСЛИККА ОИД АЙРИМ ҚАРАШЛАРИ

(Сўз боши ўрнида)

Атоқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор В.Г.Гакнинг номи жаҳон тилшунослари орасида маълум ва машҳурдир. Унинг асарлари Франция, Нидерландия, Германия, Польша, Чехия ва Словакия каби ўнлаб мамлакатларда чоп этилганлиги ҳам бу фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

В.Г.Гак 1924 йилда туғилган, 1942 йилда МДУ нинг тарих факультетига ўқишга кирган ва ўша йили ҳарбий хизматга чақирилиб, иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. 1946 йилда у Чет тиллар ҳарбий институтининг таржимонлик факультетига талабалик сафига қабул қилинган. 1949 йилда ҳар иккала факультетни ҳам имтиёзли дипломлар билан тугатган. Меҳнат фаолиятини Ҳарбий институтнинг француз ва испан тиллари кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. 1946 йилда Москвадаги Халқаро алоқалар институти қошидаги роман тиллари кафедрасида аввал доцент, кейин мудир лавозимларида ишлаган.

В.Г.Гакнинг илмий қизиқишлари ғоят кенг кўламли бўлиб, умумий ва роман тилшунослигининг деярли барча долзарб соҳаларини қамраб олади. Унинг назарий қарашлари асосини тил ва тафаккур, тил ва борлик, тил таракқиётининг тарихий диалектикаси каби умумфалсафий муаммолар ташкил этади. Аслини олганда, олимнинг барча ишлари тилнинг инъикос функцияси ўрганиш билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган. У собиқ иттифокда биринчилардан бўлиб, С.Карцевскийнинг тил қурилишида номутаносиблик (асимметрия) муаммосини нафақат илмий жараёнга олиб кирди, шунингдек, уни янги назарий маълумотлар билан бойитди, ўрганиш кўламини кенгайтирди, асимметриянинг тил системаси, структураси ва функциясида намоён бўлишини конкрет фактлар билан исботлаб берди. Тил ва нутқ, уларнинг амал қилиш доираси ва бирликлари ҳақидаги

фикрлари ғоят сермахсул бўлиши баробарида лўнда, ихчам баён қилиниши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Тил, В.Г.Гакнинг уқтиришича, *система, структура* ва *норма* мажмуидан иборат. *Система* – лисовий ҳодисаларининг яхлит йиғиндисидир бўлса, *структура* – шу йиғиндининг ички тузилишидир.

Норма – грамматик категориянинг мажур тилдаги барқарор ифода шакли. *Нутқ* ҳам икки кўринишда намоён бўлади: *коллектив нутқ* (узус) ва *индивидуал нутқ*. «Коллектив нутқ / узус тил фаолиятининг муҳим компонентидир, чунки тилни яхши ўзлаштириш учун шакл ва конструкцияларни билишнинг ўзи етарли эмас. Шу сабабли уларнинг муайян ситуация ва контекстларда қўлланиши қонуниятларини ҳам билиш лозим. Узус билан боғлиқ ҳодисалар тиллар қиёслаб ўрганилганда, айниқса, ёрқин намоён бўлади» [Гак, 9].

В.Г.Гак фикр (высказывание) да белгилик хусусияти мавжудлигини таъкидлаб, семантик синтаксис таҳлилинини бошлаб берган биринчи олимлардандир.

Маълумки, тилшунослар лисовий белги (языковой знак) ва унинг умумий семантик тизими ҳақида гапирганда, одатда, сўзга таянадилар, яъни тилнинг асосий белгиси, деганда сўзни тушунадилар. В.Г.Гак эса семиотик ҳодисанинг тугал (мукамал) ҳосиласи деб *фикрни* тушунади. Сўз, унинг таъкидлашича, нотўлиқ (неполный) белгидир (Қаранг: Библиографический указатель, 10-11-бетлар).

Проф.В.Г.Гакнинг номинация назарияси ва типологияси – бирламчи ва такрорий номинациялар ҳақидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Улар орасида «Номинация», «Такрорий номинация ва унинг стилистик қўлланиши», («Повторная номинация и её стилистическое использование»), «Лингвистик номинациялар типологияси» («Типология лингвистических номинаций»), «Гап сатҳида такрорий номинация» («Повторная номинация на уровне предложения»), «Тил тараққиёти ички ва ташқи омилларининг ўзаро муносабатига кўра номинация усуллари эволюцияси», («Эволюция способов номинации в свете соотношения внешних и внутренних стимулов в развитии языка») каби мақолала-

ри олимнинг новаторлик салоҳиятини яққол намоён этадиган изланишлар ҳосиласи ўлароқ майдонга келган [Қаранг: Библиографический указатель...].

Номинация, унинг ёзишча, номлаш жараёни бўлиб, унда лисоний элементлар ифодаланаётган объектга мувофиқлаштирилади. Номланаётган объектга қараб, лексик ва пропозитив номинациялар фаркланади; шаклан улар сўз, сўз бирикмаси ёки гап тарзида намоён бўлади. Номинация турғун характерга эга. Аммо бу турғунлик мутлақ эмас. Айни ҳолат тилнинг номинатив имкониятларини кенгайтирувчи муҳим омил ҳисобланади. Бирламчи ва такрорий (иккиламчи) номинация орасидаги тафовут объектга янги ном бериш мумкинлигига асосланади [Қаранг: Библиографический указатель..., 31].

Проф.В.Г.Гакнинг роман, хусусан, француз тилшунослигига доир изланишлари ҳам таҳсилга сазовор. Унинг 1952 йилда ҳимоя қилинган «Ҳозирги француз тилида феъл олди кишилик олмошлари» («Прилагольные личные местоимения в современном французском языке») мавзuidaги номзодлик диссертациясида мазкур олмошларнинг грамматик табиати (яъни улар гапнинг эгаси вазифасини бажарадими ёки феъл билан бирга гапнинг бир бўлагини тапқил қиладими) ҳамда муайян нутқий вазиятда уларни танлашга асос бўладиган грамматик омиллар ўрганилиб, француз тили феъл олди олмошларига доир муҳим хулосалар чиқарилади.

Шунингдек, олимнинг «Француз тилида феъл олди олмошлари ва шахс категорияси» («Прилагольные местоимения и категория лица во французском языке»); «Француз тилида феъл-исм конверсияси ҳақида» («О глагольно-именной конверсии во французском языке»), «Лексика ва грамматиканинг ўзаро муносабати масаласига доир» («К вопросу о соотношении лексики и грамматики»), «Гап қурилиши билан фикр қурилишининг ўзаро муносабати ҳақида» («О соотношении структуры предложения со структурой высказывания»), «Фикрнинг лексик-грамматик тузилиши муаммолари» («Проблемы лексико-грамматической организации высказывания»), «Грамматик ходи-

саларни ўрганишда функционал ёндашиш» («Функциональный подход к изучению грамматических явлений»), «Грамматик маъно ва уни тушунтириш ҳақида» («О грамматическом значении и его объяснении»), «Француз тилида коммуникатив трансформациялар ва мантикий ажратиш воситаларининг системалишиги» («Коммуникативные трансформации и системность средств логического выделения»), «Семантик инвариант ва гап синонимияси ҳақида» («О семантическом инварианте и синонимии предложения»), «Гапнинг модуси категориялари ҳақида» («О категориях модуса предложения» каби мақолалари, француз тилида эълон қилинган «Француз тилининг функционал грамматикаси» [М., 1974, 277] қабилар пировард натижада икки жилдлик француз тили назарий грамматикасининг юзага келишига замин ҳозирлади (Қаранг: «Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. – М., 1979. 304 с.; «Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М., 1984, 208 с.). Яна қаранг: Библиографический указатель...87-114)».

Проф.В.Г.Гакнинг «Essai de grammaire fonctionnelle du français. Première partie» (М., 1974, 277) китоби француз тили функционал грамматикасини яратишдаги илк тажриба бўлиб, унда лисоний шакллар функцияси Прага лингвистик тўғараги вакиллари ва С.О.Курилович гоъларига яқин тушунтирилди, грамматик шаклларда бирламчи (ўз) ва иккиламчи (кўчма) функциялар мавжудлиги, муайян функцияни бажаришда бирламчи ва иккиламчи шаклларнинг қўлланиши мумкинлиги фактларнинг муқаммал ва изчил таҳлили билан далилланади. Китобнинг биринчи бобида француз тили грамматик таҳлилининг умумий типологияси қуйидаги уч омил асосида ишлаб чиқилган: объект, йўналиш, тадқиқот мақсади. Иккинчи бобда шакл ва мазмун муносабати парадигматик, синтагматик ва семиотик аспектларда ўрганилиб, асимметриянинг олти турли кўрсатилади. Учинчи бобда лексик ва грамматик маъноларнинг ўзаро муносабати очиқ берилса, тўртинчи бобда сўз туркумлари муаммолари ҳақида сўз юригилади. В.Г.Гак сўз туркумларини қуйидаги турларга бўлади: а) борлиқнинг объектив инъикосига

кўра – асосий ва ёрдамчи; б) объектнинг характериға кўра – бош ва тобе. Ҳар бир сўз туркумида ядро ва периферия (куйи), бирламчи ва иккиламчи элементлар ҳамда функциялар ўзаро фаркланади. Мазкур бобда асосий эътибор сўз туркумларининг функционал транспозициясига қаратилган. Хуллас, олимнинг ушбу китоби изчил олиб борилган назарий тадқиқот ва унинг амалда қўлланишининг гўзал синтезидир [Қаранг: Библиографический указатель....85-87 б.].

Профессор В.Г.Гак француз тили орфографияси, лексикологияси, лексикографияси, фразеологиясига доир ҳам жиддий изланишлар олиб борган, кўплаб китоб, дугат ва мақолалар ёзган олимдир [Қаранг: Библиографический указатель..., 115-156].

Унинг «Қиёсий лексикология» («Сопоставительная лексикология». – М., 1977, 263) монографияси «Француз сўзи хусусида суҳбатлар» китобининг тўлдирилган ва қайта ишланган варианты бўлиб, унда, жумладан, сўзнинг мазмуний қурилиши уч «олам»нинг ўзаро муносабати асосида очиб берилади ва уларга уч аспект – ситуация (нутқий вазият), ифода плани ва мазмун плани – мос келиши диалектик мантиқ қонуниятлари позициясидан ўрганилади. Сўзнинг мазмуний қурилишида архисемалар, дифференциал семалар ва потенциал семалар мавжуд. Потенциал семалар объектнинг иккиламчи белгиларини сўзнинг кўчма маъноларини ифодалаганда ҳосил қилади. Китобнинг сўз қўлланишига доир бобида нутқ жараёнида сўз танлаш қонуниятлари номинация назарияси асосида ўрганилиб, прессуппозиция (тағмаъно) нинг икки тури – умумий ва жузъий прессуппозиция – аниқланади ва б. [Қаранг: Библиографический указатель... 126-128].

Биз юқорида В.Г.Гак Чет тиллар ҳарбий институтининг таржима факультетида ўқигани ҳақида гапирган эдик. Бинобарин, у бутун умри давомида таржимашунослик, стилистика ва тил ўқитиш услубияти ва амалиёти масалалари билан муттасил шуғулланган ва пировард натижада ўнлаб мақола ва китоблар ёзган. «Француз тили стилистикаси курси» («Курс

стилистики французского языка». – М., 1955, 240 с.), «Таржима курси. Француз тили. Ижтимоий-сиёсий лексика» («Курс перевода. Французский язык. Общественно-политическая лексика». – М., 1962, 435 с. Шу китобнинг иккинчи напри (-М., 1970, 400 б.), «Француз тили стилистикасидан машқлар тўплами» («Сборник упражнений по стилистике французского языка». – М., 1956, 110 б.), «Француз тилида газета ўқишни ўрганинг» («Учитесь читать газету на французском языке». – М., 1963, 152 с). Бу китобнинг иккинчи напри (М., 1984, 200 с.) каби алоҳида чоп этилган китоблари; «Таржимада инвариант масаласига доир» («К проблеме инварианта при переводе»), «Эквивалентлар типологияси ва таржимада инвариант» («Типология эквивалентов и инвариант при переводе»), «Нутқ вазияти, фикр ва таржима» («Ситуация, высказывание и перевод»), «Ҳозирги тилшуносликнинг айрим ғоялари ва тил ўқитиш» («Некоторые идеи современной лингвистики и преподавание языка»), «Машқларнинг мазмуний типологияси ҳақида» («О содержательной типологии упражнений») ваби мақолалари шулар жумласидандир.

Хуллас, юзлаб шоғирдлар тайёрлаган ва шунча номзодлик ва докторлик диссертацияларига ҳакамлик қилган, ҳар қандай янги фикрни тез илғаб ва унга ҳозиржавоблик билан одилонани муносабат биёрира оладиган, илмий тафаккури ва мушоҳадасининг кенглиги билан жаҳон тилшуносларини ҳайратта солган профессор В.Г.Гак ҳақида юқорида ёзганларимиз уммондан томчи, холос.

Профессор В.Г.Гак ўзбек тилшунослари учун эндигина қапф этилмоқда. Бинобарин, унинг бой ва бетакрор мероси билан чуқур танишиш, уни таржима йўли билан кенг китобхонга етказиш олдимизда турган энг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздандир. Шундай эғу ният билан биз, азият ўқувчи, олимнинг фундаментал илмий ғоялари синтези ҳисобланмиш «Теоретическая грамматика французского языка. Морфология» (-М., Высшая школа, 1986) китобини ўзбек тилига

ўғиритишга азму қарор қилиб, унинг кириш қисмини Сизнинг ҳукминизга ҳавола қилаётирмиз. Таржимада муаллиф услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Шунинг учун Сизга нота-ниш (ёки эриш туюлган) атамалар аслига мос тарзда (айрим ўзбекча муқобилларидан фойдаланган ҳолда) берилган бўлса, ажабланманг. Зотан, умумий тилшуносликнинг таркибий қисми бўлган она тилимизни жаҳон тилшунослигида кенг истеъмолда бўлган сўзлар (антоним, омоним, субъект, объект, предикат кабилар) дан «тозалаш»га бўлаётган ҳаракатлар унинг яққаланиб қолишига олиб келадики, бунинг учун келгуси авлод сиз билан бизни сира кечирмайди. Бинобарин, «чет» атамаларни ўзбек атамалари билан омукта қилиб қўллаш тараққиёт диалектикасининг темир қонуни эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Табиийки, Самарқанд Давлат Чет тиллар институти ректори, профессор Юсуф Неъматович Абдуллаевнинг сазй-ҳаракатлари ва беғараз ёрдамисиз бу китобнинг дунё юзини кўриши амримаҳол эди. Бинобарин, биз имкониятдан фойдаланиб, институт жамоаси ва унинг раҳбари, мухтарам Юсуф Неъматовичга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдираемиз.

1. Ушбу мақолани ёзишда профессорлар Т.Б.Алисова, Н.Д.Арутюнова ва бошқаларнинг ҳамкорликда проф. В.Г.Гакнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан chop этилган мақолаларидан фойдаланилди. Қаранг: Библиографический указатель по языкознанию. Профессор Владимир Григорьевич Гак. Тузувчилар: А.М.Бушуй, Н.А.Золототрубова, И.К.Мирзаев ва б. Самарқанд: СамГУ, 1986. 3-8-бетлар.
2. Библиографический указатель по языкознанию. Профессор В.Г.Гак. Тузувчилар: А.М.Бушуй, Н.А.Золототрубова, И.К.Мирзаев ва б. -Самарқанд: СамГУ, 1986. 225 с.
3. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. -М.: Высшая школа, 1986. 320 с.

И.К.МИРЗАЕВ.

МУҚАДДИМА

Мазкур асар хорижий тиллар институтлари ҳамда университетларининг филология факультетлари юқори курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, унинг асосини тил қурилиши фактларини тавсифий баён қилиш эмас (бу амалий грамматиканинг вазифаси), балки назарий шарҳлаб бериш ташкил қилади. Шу муносабат билан муаллиф олдида француз тили грамматикасининг мураккаб ва баҳсталаб муаммоларини кўрсатиш ва улар хусусидаги мавжуд фикрларни ёритиш вазифаси туради. Аммо назарий грамматика курсини у ёки бу масала бўйича билдирилган турли фикр-мулоҳазаларнинг мажмуига айлантириши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун назарий курс баёнида кўндаланг турадиган асосий муаммо танқидий ва ижобий материалларни мувофиқлаштиришдан иборат. Француз тили дунёнинг энг кўп ўрганилган тилларидан ҳисобланади. Албатта, бир дарслик доирасида жуда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган назарий фикрни қамраб олишнинг имкони йўқ. Шу сабабли турли масалаларга доир қарашлар таҳлили муайян иш ва унинг муаллифи ҳақида қомусий маълумот беришга даъват қилмайди. Бинобарин, мазкур дарслик ўз олдида француз тили грамматик тизимининг қайси бўғишларида мунозарали масалалар келиб чиқиши, уларнинг қандай объектив сабаблари борлиги ва бунда қандай ечимлар бўлиши мумкинлигини кўрсатишни мақсад қилиб кўяди. Француз тили назарий грамматикасига оид адабиётлар таҳлили тажрибаси шуни кўрсатадики, барча муаммолар бўйича муайян ечимлар мавжуд. Бу ечимлар сони ва характери лисоний ҳодисанинг табиати билан белгиланади. Ушбу китобда ўша ечимлар турли терминология билан ва турли кўринишларда такрорланади. Биз эса мунозарали муаммоларнинг ечими турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатишга, уларни мавжуд тадқиқотлар мисолида ойдинлаштиришга ҳаракат қилдик.

Китобнинг ибратли томони – унда француз тили грамматикасига *функционал-семантик* нуқтан назардан ёндопишнинг мавжудлигидир. Бу йўналиш учун грамматик шаклларнинг полифункционаллиги (кўп вазифали эканлигини), шакл

ва мазмун асимметрияси (номутаносиблиги), марказий ва қуйи элементларнинг ўзаро фарқи ҳамда грамматиканинг лексика билан алоқасини очиб беришга интилиш характерли. Функционал усул тилнинг ранг-баранг фактларини система тарзида изчил ёритиш имконини беради. Бунинг жуда катта амалий аҳамияти ҳам бор.

Иллюстратив материал мумтоз ва ҳозирги француз адаблари асарлари, шунинdek, илмий иш ва луғатлардан олинди.

Иккинчи наслда унча муҳим бўлмаган бўлимларнинг қискартирилиши ҳисобига принципиал аҳамиятга молик масалалар, жумладан, грамматикани ўрганишда диалектик усулдан фойдаланиш кабилар чуқурлаштирилди ҳамда француз тилининг ўта мураккаб назарий муаммолари бўйича кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари акс эттирилди.

Мазкур курснинг француз тилида ўқилишини назарда тутиб, дарсликка асосий муаммолар ва уларнинг таҳлили намуналарини кўрсатувчи мухтасар французча резюмелар берилди. Уларда хос француз терминологияси келтирилдики, бу таъабаларнинг семинар машғулотларига тайёрланишида анча қўл келади.

Назарий грамматиканинг «Тилшуносликка кириш» фашидан кейин ўтилиши сабабли унда талабаларга таниш бўлган умумлингвистик масалалар ёритилмади.

Мазкур китоб француз тили назарий грамматикасининг биринчи – «Морфология»- қисми бўлиб, у икки асосий бўлимдан иборат: «Француз тили грамматикасини назарий ўрганишга кириш» ва «Сўз туркумлари». Айрим бўлимлар ўқитувчининг ихтиёри билан мустақил ўқиш учун тушириб қолдирилиши ёки курс ва диплом ишларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Китобдаги катта қавс – [] – библиографик ҳаволаларда келтирилган ишлар муаллифларининг тартиб рақамини, қавс – () – эса муайян муаллифнинг иши номини кўрсатади.

В.Г.Гак.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ НАЗАРИЙ ЎРГАНИШГА КИРИШ

1-§. Грамматиканинг таърифи. Грамматика тилшуносликнинг маъноли гап (фикр) ҳосил қилувчи сўзларнинг ўзгариш ва бирикиш қонуниятларини ўрганадиган бир қисми сифатида таърифланади.

Грамматика *морфология* (сўз ўзгариши ҳақидаги фан) ва *синтаксис* (гапда сўзларнинг, матнда гапларнинг бирикишини ўрганадиган фан) га бўлинади. Морфология грамматик морфемалар ҳамда улар ёрдамида ифодаланиладиган маъноларни, синтаксис эса гап қурилишига доир масалалар (гапда сўзларнинг боғланиши ва функциялари, ёрдамчи сўзларнинг қўлланилиши, сўз тартиби, гап воситалари билан ифодаланган маънолар, гапларнинг ўзаро боғланиши) ни ўрганади.

2-§. Грамматикани ўрганишда диалектик методларнинг қўлланилиши. Грамматик қурилишнинг асосий элементи – грамматик *категория* – шакл ва мазмун мутаносиблигидан иборат. Унинг мазмуни икки ёки ундан ортиқ оппозитция (зидлик) да намоён бўлади. Шаклан у сўз ўзгаришида (морфологик категория) ёки ёрдамчи сўзларнинг қўлланилишида, гапда сўз тартиби ёки интонация (оҳанг) нинг ўзгариб туриши билан ифодаланади (синтактик категория).

Борлиқнинг инъикос этилиши нуқтаи назаридан грамматик категориялар *семантик*, яъни номинатив (грамматик маъноларда инсон онги қайд этадиган объектларнинг реал хосса ва муносабатларининг акс этиши) ва *асемантик* бўлади. Асемантик категориялар фақат структур – ташкил этувчи функция бажаради. Семантик категориялар бирламчи, грамматик шакл-

ларнинг асемантик қўлланиши иккиламчидир ва у муайян шароитлардагина юзага келади.

Тил фактларига *диалектик ёндашиш*нинг моҳияти грамматик категория ва маъноларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига ўтиб туриши мумкинлигида, грамматика тилнинг бошқа аспекти билан алоқадор эканлигини доимо назарда тутишда, грамматик қурилишдаги оралик ҳодисаларга эътибор беришда намоён бўлади.

Грамматик маъно ўзаги объектларнинг хосса ёки алоқаларини акс эттирувчи тушунчадир. Лисоний шакл борлиқ элементини умумийликда, унинг барча жиҳатлари билан ифодалайди. Бирок муайян ситуация (вазият) да ҳодисанинг турли томонлари акс этиши мумкин. Бунинг натижасида тегишли грамматик шакл алоқа-аралашувда маъно нозиклигини капиф этади.

Мулоқот пайтида одамлар аниқ маъноли тушунчалардан ҳам, дудмал (ноаниқ) шарҳлардан ҳам фойдаланадилар. Бу, ўз навбатида, грамматик категориялар чегарасининг сийқаланишига, ўзгаришига, нейтралашувининг тез-тез содир бўлиш ҳолларига ҳамда синкретизмга (яъни бошқа ҳолларда алоҳида-алоҳида ифодаланган маъноларнинг бир пайтда берилишига) олиб келади. Тил тизими қотиб қолган нарса эмас, шунинг учун унда турли категорияларда оралик ҳолатни эгалловчи қўллаб ўтиб турувчи ҳодисалар мавжуд. Бирок грамматика фани уларни ҳам эътиборсиз қолдирмаслиги ва фактларни симметрик схемага зўрлаб тикиштирмаслиги лозим.

Тил тизими қотиб қолмагани сабабли грамматик ҳодисаларнинг маънолари сайқаллашади ва бунинг натижасида улар ўртасида таснифловчи чегаралар ўрнатишда объектив қийинчиликлар туғилади. Бу айнан бир ҳодисанинг турли томонларини акс эттирувчи турли назарий таҳлил усуллари юзага келишининг объектив сабабидир. Табиатда барча ҳолатлар учун бирдек қўллаш мумкин бўлган чегараловчи чизиқлар бўлмайди. Бу ҳолат олимларни грамматиканинг ҳатто, сўз, сўз туркуми, гап бўлаги каби фундаментал тушунчаларидан тез-тез бош

тортиб туришларига асос ҳам бўлди. Чунки уларга барча ҳолатларни қамраб оладиган таърифни беришнинг иложи йўқдек кўринди.

Аммо илмий тушунчаларнинг ўзи ҳам у ёки бу даражада «бетайин»: улар аксарият ҳолатларни қамраб олса-да, доимо «шубҳа зонаси» чиқиб туради. Шунинг учун грамматиканинг маълум тушунчаларидан бош тортишга зарурият йўқ: грамматик ҳодиса ва категориянинг диалектик табиатини ҳисобга олиш керак, холос.

Амалда синалган назариягина тўлиқ билим бера олади. Шунинг учун грамматик ҳодисаларни нафақат системада, шунингдек, амалда – уларнинг *қўлланишида* ҳам ўрганиш керак. Бунда сўзловчиларнинг нутқ ҳосил қилишдаги муҳим ролини ҳам, грамматик ҳодисаларни қўллаш ва изоҳлашда вазиятнинг ўрнини ҳам унутмаслик керак.

ТИЛ ВА НУТҚ. АКТУАЛИЗАЦИЯ

3-§. Тил ва нутқ. Грамматика муайян тил ҳодисаларини нафақат тил – тизим сатҳида, шунингдек, нутқ сатҳида, қўлла-нишда ҳам ўрганади.

Тилда лисоний воситаларнинг уюшган мажмуи сифатида икки томонни ўзаро фарқлаш керак: 1) система, 2) структура ва норма.

Система элементларнинг яхлит мажмуи бўлса, *структура* шу мажмуанинг муайян ички тузилишидир. Система тупунчаси элементларнинг мажмуига, қўлинига алоҳида эътибор беради. Тил ҳодисасини структур-систем ўрганиш: а) системани ташкил қилувчи элементлар йиғиндиси (рўйхати) ни аниқлашни, бунинг учун эса уларни ўхшаш ҳодисалардан ажратиб олиш ҳамда шу элементларни айнан бир нарсалар деб ҳисоблашга асос берувчи принципларни яратишни; б) мажкур элементлар орасида мавжуд ички муносабат ва алоқаларни аниқлашни, уларнинг поғонали жойлашиши (иерархияси) ни ҳамда бир элементнинг бошқа элементдан ҳосил бўлиш йўлиларини кўрсатиб беришни тақоза қилади. Масалан, гап француз тилида феъл замонлари устида кетар экан, биз, энг аввало, элементларнинг бу мажмуига қанча ва қайси бирликлар киришини аниқлаб олишимиз керак. Бу ишни бажариш осон эмас, албатта. Шунинг учун назарий грамматиканинг деярли ҳар бир бўлими шундай бошланади: тилда мажкур ҳодисанинг қанча элементи, масалан, француз тилида қанча артикль, замон, майл, нисбат ва бошқалар бор каби.

Шакллар рўйхати тузилгач, улар орасидаги муносабатлар, шу муносабатларнинг тапқил бўлиши аниқланади. Мас., индикатив замонлари тизимида уч план (époques) – passé, présent, futur – фарқланади. Феълнинг қолган барча шакллари шу замонлар орасида тақсимланади. Кейин турли формаларнинг ўзаро зид маънолари топилади (мас., passé composé - passé simple, passé composé – imparfait, passé composé – plus-que parfait ва ш.к.). Реляцион (нисбий) каркас (синч), яъни грамматик шаклларни

ўзро боғловчи муносабатлар «тўри» шундай топилади. Бу муносабатларнинг маъмуи француз тилида феъл замони тузилишини кўрсатади. Структура тушунчаси шакл ва мазмун муносабатини ўз ичига олади ва уни ҳар бир алоҳида олинган шаклда намоиш этади. Масалан, (il) parlait формаси синтетик, (il) a parlé аналитик қурилма тарзида белгиланади.

Норма (меёр) грамматик категориянинг муайян бир тилда барқарорлашган ифода шаклидир. Мураккаб ўтган замон ёрдамчи феъли ўтган замон сифатдоши кўринишига эга. Бироқ қайси феъл ва сифатдошнинг қайси формасини танлаш ҳамиша тил меёри қонуниятлари асосида амалга оширилади: *il a écrit*, аммо *il est venu* (a venu эмас).

Сўзловчи система элементларини эркин танлаши мумкин. Аммо бу танлаш доимо маъlum қоидаларга бўйсунди. чунки фикр мазмуни шунга қараб ўзгаради. *Jean appelle Pierre* гапидаги от ҳам ўзгаради (қийсанг: *Pierre appelle Jean*). Бинобарин, сўзнинг эга ёки тўлдирувчи функциясини бажариши унинг феълдан олдин ёки кейин келишига боғлиқ. Норма элементлари танланмайди, уларнинг қўлланиши мажбурий ва у маънога боғлиқ эмас. Мас., келтирилган мисолда ҳар иккала отни ҳам феълдан олдин ёки кейин қўйиш мумкин эмас: *Pierre Jean appelle* дейилмайди, ҳатто маъно аниқ бўлса ҳам: французлар бундай гапирмайдилар.

Система ҳам, норма ҳам мутлақ барқарор характерга эга эмас. Системанинг барқарор эмаслигини шундай изоҳлаш мумкин: тил алоқа-аралашувнинг мукамал қуроли бўла олиши учун шундай ташкил этилган бўлиши керакки, унда, ҳатто, махсус белгига эга бўлмаган нарса ва ҳодисаларни ҳам ифодалаш мумкин бўлсин. Шунинг учун сўз ва категориялар шу даражада мазмунан мосланувчан бўлиши лозимки, улар англатаётган тушунчани борлиқнинг ифодаланаётган ҳодисасига боғлаш имкони яратилган бўлсин.

Тил тизими асимметрик хусусиятга эга (2-§ га қаранг). Ўта барқарор тизим эса тилдан фойдаланишни чеклаган, му-

лоқот пайтида сўз ва шакллар танлашни мураккаблаштирган бўларди.

Нормага келсак, у тилнинг айрим бўғинларида ўта қатъийлик кўрсатса, бошқа ҳолларда эса, аксинча, унда вариантлик, ўзгарувчанлик, мазмунни фарқламасдан ифода воситасини танлаш имкони кузатилади.

Нутқ ҳам икки аспектга эга: *умумнутақ* (*узус*) ва *индивидуал нутқ*. Тил шакллари нутқда қўллаш уларни танлашни, баъзан эса ўзгартиришни тақозо этади. Бироқ бу танлов доимо ҳам индивидуал тарзда оширилавермайди: одамлар муайян тилда гаулашар эканлар, барча учун баробар бўлган маълум кўрсатма ва йўл-йўриқларга асосланадилар. Бинобарин, нутқда элементларнинг икки тури мавжуд: индивидуал элемент (улар грамматиканинг предметини тапқил қилмайди) ва ноиндивидуал, оммабоп элемент (грамматикада айлан шулар ўрганилмоғи керак). Умумнутақ – узус – тил фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки тилни яхши эгаллаш учун шакл ва конструкцияларни билишнинг ўзи етарли эмас. Шунингдек, уларнинг нутқий вазият ва контекстларда қўлланиш қонуниятларини ҳам билиш талаб этилади. Узус билан боғлиқ ҳодисалар тиллар қиёсланганда яққол намоён бўлади. Узус эркин, аммо тартибсиз (маъносиз) танлашда намоён бўлади, яъни мазкур маънони ифодалаш учун сўзловчи тилда мавжуд синоним шакллардан бирини тандайди. Масалан, француз тилида, кўпинча, феълнинг шахсли формалари танланса, рус тилида шахсиз формалардан фойдаланилади (*Je m'ennuie ici*. Мне здесь скучно).

Хуллас, грамматика ўз олдига икки хил мақсадни қўяди: а) тил қўрилиши қонунлари ва б) нутқни ҳосил қилиш механизмларини, яъни фикр ҳосил қилишда тил элементлари – коммуникация (алоқа-аралашув, мулоқот) бирликларини танлаш қоидаларини ўрганади.

4-§. Актуализация. Тил, шу жумладан, грамматик ҳодисаларнинг нутқда қўлланилиши актуализация дейилади. Сўзлов-

чи онгида нуткда қўлланадиган, яъни конкрет предмет, воқеа, муносабатларни ифодалашга хизмат қиладиган фақат вертуал (потенциал, имконият тарзида мавжуд) ҳодисалар бор. Актуализация назарияси қатор француз тилшунослари, айниқса, Ш.Балли [7] ва Г.Гийом [21]лар томонидан кенг ва атрофли-ча ўрганилган. Ш.Балли тушунчани нуткда қўллаш уни сўзлов-чининг реал тасаввури билан мувофиқлаштириш эканини ало-ҳида таъкидлаган эди. Тушунчанинг актуализацияси унинг миқдорини аниқлашдан ҳамда тарқалишини (кенгайишини) чегаралашдан иборат. *Il a acheté une livre de pain; Paul a mangé tout le pain* гапларида *pain* сўзи ифодаланган тушунча билан ноннинг реал миқдори айна бир нарса деб қаралмоқда. Лока-лизация (тарқалишнинг олдини олиш) тушунчани уч аспектда чегаралашни ўз ичига олади: сўзловчига нисбатан, маконда ва замонда. Локализациянинг параметрлари эса қуйидагилар: – мен – бу ерда –ҳозир; у (сен) – у ерда – ўшанда. Мас., *Je vois la-bàs une maison* гапида *maison* сўзи, умуман, тушунчани эмас, балки сўзловчи (*je*) билан, нутқ моменти (у феълнинг ҳозирги замон шаклида берилган) ва жойлаштиш ўрни (сўзловчи+узоқ-лик) га нисбатан алоқаларига кўра аниқланади.

Актуализация аниқловчи – *тавсифлашдан* фарқ қилади: от ёки *феъл*га аниқловчини қўшиб тушунчани торайтиради, аммо уни борлиқнинг конкрет элементи билан қиёслайди. Ҳақиқий актуализация доимо фикр (гап) да содир бўлади, чунки ифода акти фақат гапда ўз ниҳоясига етади: тил факт-лари борлиқнинг бир бўлагига тенглаштирилади. Шунда си-фат ўзича отни актуаллаштирмайди (*du papier rouge*), бироқ сифат-предикатив бевосита актуализация билан боғлиқ (*se papier est rouge*). Ш. Балли француз тилида актуализациянинг махсус воситалари – *актуализаторлари* борлигини аниқла-ган. Отнинг актуализаторлари тушунчани сифат-миқдор, ма-кон-замон (*ce, ce... – ci, ce...là*) ва сўзловчига (*mon, ton, son*) нисбатан индивидуаллаштиради.

Феъл олди олмошлари (*je, tu, il*) феълнинг актуализаторла-

ри бўлиб, улар ҳаракатни мулоқот иштирокчиларига нисбатан индивидуаллаштира, шахс-сон қўшимчалари эса ҳаракатни замон ва модал планда аниқлаштиради.

Актуализация тушунчаси Г.Гийом грамматик таълимотининг асосини ташкил қилади. Бу таълимотта кўра, нутқнинг шаклланиш жараёнида инсон фикри умумийликдан хусусийликка ва аксинча ҳаракат қилади, яъни сўзловчи онгида мавжуд вертуал тушунчаларнинг актуализацияси содир бўлади. Гийом актуализациянинг ўзаро боғлиқ уч босқичини фарқлайди: а) ноль босқич (имконият даражасида, *in posse*) мавжуд актуалланмаган тушунча, нарса ёки ҳаракат; б) оралик босқич (шаклланаётган объект, *in fieri*) ва в) фикрнинг тўлиқ актуализацияси (*in esse*). Ҳар бир босқичга муайян грамматик шакл мос келади. Буни схематик тарзда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Актуализация босқичлари	Грамматик шакллар	
	предмет учун	ҳаракат учун
in posse	артиклнинг йўқлиги	шахсиз формалар
in fieri	ноаниқ артикль	subjunctif
in esse	аниқ артикль	индикатив

Предмет ва ҳаракатнинг киши онгида ифодаланиш даражасига кўра, сўзловчи у ёки бу грамматик шаклни қўллайди.

Актуализация назарияси француз назарий грамматикаси тараққиётида катта роль ўйнади. Француз тили учун актуализаторлар ҳақидаги тушунча алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда мазкур функцияда, асосан, ёрдамчи сўзлар (детерминативлар, феъл олди олмоплари) қўлланади. Буларсиз мустақил сўз гап бўлаги бўлиб келолмайди.

ГРАММАТИК ҚУРИЛИШ БИРЛИКЛАРИ

5-§. Тил қурилиши сатҳлари. Грамматика билан бошқа лингвистик фанларнинг алоқаси тилнинг қайси бирликлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари қайси аспектда бу фанларнинг объекти қилиб олинishi билан белгиланади. Тил сатҳлардан иборат структурадир. Бунда қуйи сатҳ бирликлари юқори сатҳ бирликлари учун қурилиш материали вазифасини бажаради.

Француз тилшунослигида Мартине [27, 376-379] ҳамда Бенвенист [3, X боб.] ларнинг тил сатҳлари назариялари кенг тарқалган.

Мартине сатҳларни аниқлашда юқори бирликлардан қуйи бирликлар томон боради. У тилнинг икки хил бўлиниши (la double articulation du langage) ғоясини илгари суради. Бошланғич бирлик сифатида ахборот бирлиги – фикр (*l'énoncé*) олинади. Биринчи бўлинишда фикр монемалар (энг кичик маъноли бирликлар) га бўлинади. Бу бирликлар қўш аспекти бўлиб, уларда шакл ҳам, мазмун ҳам мавжуд. Монемалар лексик ёхуд грамматик маънога эга бўлиши мумкин. *Les enfants passent à midi* гапида етгита монема бор: *enfant-*, *pass-*, *midi*, *à*, *-r* (кел.замон), *l* (аниқлик) ҳамда қўшлик сонни ифодаловчи «узук-узук монемалар» – *es...* – *s...* – *ont*. Иккинчи бўлинишда монемалар фонемаларга – ўз маъносига эга бўлмаган бир планли унсурларга бўлинади. Мас., *enfant* [*â-f-â*] фонемаларидан ташкил топган.

Бенвенист тилнинг сатҳий қурилиши тескари, қуйи сатҳлардан юқори сатҳлар томон боришини таъкидлайди ва улар сонини тўртта дсб кўрсатади: меризматик сатҳ (меризмлар-фонемаларни фарқловчи белгилар), фонема сатҳи, белги сатҳи (бунда мустақил ва ёрдамчи сўзлар фарқланади) ҳамда категориматик сатҳ. Кейинги сатҳ, унинг фикрича, тил бирлиги эмас, балки нутқ бирлигидир.

Тил сатҳларининг қайд этилган ҳар икки тавсифи ҳам муайян камчиликлардан ҳоли эмас. Мартине аслида тил қурилишининг лексик-грамматик бирлиги бўлган сўзни тан олмайди; Бенвенист таснифига эса морфема (сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи

аффикслар) киритилмайди. Хар икки таснифда ҳам оралик ходисалар (мас., сўз бирикмалари) ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Умуман, тил сатҳларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Асосий ва оралик бирликлар:

Текст (дискурс)

Гацдан катта бирликлар

Гаш

Сўз бирикмаси

Гаш бўлаги

Сўз

Ёрдамчи сўз

Морфема

Фонема

Мазкур рўйхатда тил қурилишида ўзига хос ўринга эга бўлган яна бир сатҳ йўқ: бу – маълум мазмунга эга бўлган умумий характердаги оҳанг бирлиги – *интонемадир*.

6-§. Тил структураси бирликлари. Фонема. Фонема тил қурилишининг бирламчи бирлигидир. У ўз маъносига эга эмас, аммо сўзнинг мазмунини фарқловчи хусусиятга эга. Масалан, *fille* – *quille*, *fille* – *feuille*, *fille* – *fil* сўзлардаги ажратилган фонемалар ўзларича ҳеч қандай маъно ифодаламайди, лекин уларни ўзаро бир-биридан фарқлайди. Фонемалар грамматиканинг бевосита объекти эмас.

7-§. Морфема. Фонемалар морфемаларни – тилнинг грамматикада ўрганиладиган маъноли энг кичик бирликларини – тапқил қилади. *La fille ette march ait lente – ment* гапида еттига морфема бор. Мазмунига кўра, морфемалар уч хил бўлади: сўзнинг асосий маъносини ташувчи лексик (ўзак) морфемалар (*fille*, *march*, – *lent*-); сўз ясовчи (деривацион) морфемалар (– *ette*, – *ment*); сўз ўзгартувчи морфемалар (– *ait*). Грамматик морфемалар (граммемалар) лексик морфемалар билан фақат гапда бирикади, бироқ уларнинг маъносини ўзгартиролмайди.

Грамматик морфема белгили бирлик бўлиб, шакл ва мазмун бутунлиги билан характерланади. Морфеманинг маъноси

ифодаланаётган муносабат ёки объектнинг хусусияти ҳақидаги умумий тушунчани англатади. Морфеманинг ўзи эса *қўшимча дистрибуция* да келадиган вариантлар – алламорфларнинг мажмуи сифатида намоён бўлади: бир морфема варианты қўлланган жойда иккинчиси қўлланмайди. Мас., *passé simple* бирлик сон 3-шакл морфемаси қуйидаги алламорфларга эга: – *a (il parla)*, – *il (il descondit)*, – *ut (il voulut)*.

8-§. Сўз. Морфемалар қатор сўз ясовчи ва грамматик морфемаларни ўз ичига оладиган сўзларга бирикади. Сўзда ўзак алламорфлар ҳам грамматик маъно ифодалашда қатнашиши мумкин (бу ўзак аллашинуви натижасида ҳосил бўлади): *[pəti] / [pətit]; je [tən] / nous [tənɔ]*. Сўз маъноси икки хусусиятга эга: борлиқ объекти ҳақидаги умумий тасаввур (тушунча) ҳамда шу тасаввурнинг муайян категорияга мансублигини кўрсатади. Биринчи хусусият сўзнинг умумий семантикасини ҳосил қилса, иккинчиси шу сўзнинг муайян сўз туркумга тегишлилигини англатади.

Len, lentement, lenteur, ralentir сўзлари умумий маънони («секинлик», «сузлик») ни ифодалайди. Бироқ биринчиси субстанция белгисини, иккинчиси ҳаракат белгисини, учинчиси субстанциянинг ўзини, охиригиси – ҳаракатни билдиради ва шу йўсинда ҳар хил туркумга оид сўзлар ҳосил қилинади. Бирор туркумга қарашлилиқ сўз маъносининг таркибий қисмидир: бу грамматика учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки у сўзнинг ўзгариши ва бирикишини олдиндан белгилаб қўяди ва муайян грамматик формадаги сўзшаклни ҳосил қилади. Бинобарин, сўз сўзшакллар мажмуидир. Мас., *ralentir* феълни *ralentir, ralenti, ralentissant, je ralentis...*, *tu ralentissais* ва ш.к. шаклларнинг мажмуи ҳисобланади.

Шакллар тизими *парадигмани* ҳосил қилади. Парадигмада бошланғич (*асос қилиб олинган*) шакл (от учун бирлик сон, феъл учун инфинитив, сифат учун бирлик сондаги м.р.) олинади.

Грамматик нуктаи назардан сўзларни мустақил ва ёрдамчи (мустақил бўлмаган) сўзлар деб икки гуруҳга ажратиш муҳим

аҳамиятга эга: *Ёрдамчи сўзлар* мустақил сўзлар ва морфемалар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди.

9-§. Гап бўлаклари. Сўз гапда бошқа сўзлар билан алоқага киришиб, нутқнинг алоҳида бирлиги – гап бўлаги тарзида намоён бўлади. Гап бўлаги шаклида келган сўз: а) маълум синтактик функция бажариб имконига эга бўлади (мас., от эга, тўлдирувчи, кесим, ҳол вазифаларини бажаради); б) сўз ўзгаришда морфологик жиҳатдан кўзга таппамайдиغان айрим грамматик маънолар (отнинг детерминацияси, каузативлилик, феълнинг баъзи тур маънолари ва б.) ни ифодалайди. Гап бўлаги муайян белгиларга – *сўзнинг синтактик шакли* деб аталувчи шаклга – эга бўлади. Сўзнинг (гап бўлагининг) синтактик шакли унинг морфологик шаклидан (сўзшаклидан) кенг, чунки унга ёрдамчи сўзлар ҳам қиради. *Les enfants /vont/ à l'école* гапда олгита сўз ва учта гап бўлаги бор: *enfants, école* – отнинг морфологик шакллари бўлса, *les enfants, à l'école* – унинг синтактик шаклларидир.

10-§. Сўз бирикмаси. Сўз бирикмаси сўзлардан ясалади ҳамда сўз*ва гап ўртасида оралиқ сатҳни эгаллайди. У ҳам сўз каби лексикология ва синтаксиснинг ўрганиш объектидир. Лексик нуктаи назардан сўз бирикмаси тилнинг номинатив имкониятларини кенгайтирувчи энг муҳим воситадир (у тилда сўз билан номлаш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланади). Сўз бирикмаси лексик қурилишининг асосий қонунияти – унда компонентлар орасидаги *семантик мослашув*нинг муқаррарлиги ҳамда бир-бирига мос келмайдиган семаларнинг йўқлигидир. Мас., инсонга хос ҳаракатни ифодаловчи феъл (*penser, parler*) фақат шахс маъноли от (*homme, enfant*) билан бирикиши мумкин, акс ҳолда сўз бирикмаси ҳосил бўлмайди (**la maison parle*) ёки компонентларидан бири кўчма маънода қўлланганда бирикади (*l'honneur parle*). Сўз бирикмасида сўзнинг маъноси аниқланади, қиёсланг: *le pied droit, le pied d'une montagne, un pied de fraiser*. Грамматик жиҳатдан сўз бирикмаси қурилишининг структуравий хусусиятлари (компонентлар тартиби ва улар орасидаги муносабатлар (боғла-

ниш ва эргатиш; ҳоким ва тобе бўлак) ўрганилади. Ташқи (формал) тузилишига кўра ўрганилган сўз бирикмаси *синтагма* ёки *синтактик гуруҳ* деб аталади.

11-§. Гап. Гап сўз ва сўз бирикмаларидан (синтактик гуруҳлардан) ташкил топади ва у нутқ-мулоқотнинг *коммуникатив* (алоқа-аралашувни таъминловчи) бирлигидир. Гап кўп аспектли бўлиб, унда жами учта – синтактик; логик-коммуникатив ва семантик – сатҳ бор.

Таҳлил синтактик сатҳда олиб борилганда, гапнинг формал-грамматик тузилиши (унинг структуравий схемаси) ўрганилади. Бунда гап муайян грамматик белгилари билан тавсифланувчи эга, кесим, тўлдирувчи ва б. бўлакларга ажратилади. *Логик коммуникатив аспект* (бошқача айтганда, гапнинг ақтуал бўлиниши) гапни ахборот ташувчи восита сифатида акс эттиради. Бунда тема (ахборотнинг маълум қисми) ва рема (гапнинг янги ахборот ташувчи қисми) аниқланади. *Семантик аспект*да гап борлиқнинг бир бўлаги ифодаси тарзида талқин қилинади. Бу ерда ҳаракат бажарувчи – ҳаракат; белги ташувчи – белги; объект, восита, ҳаракат ўрни ва ш.к. маънолар фарқланади. Шунингдек, гапда яна икки – тавсифловчи-эмоционал (бу аспект кўпинча ундов, *heuresement* типидagi равишлар ёрдамида ифодаланади) ҳамда нутқнинг (ундалма, нутқ деб очаси (кириш) формулалари, *ensuite, puis* типидagi равишлар) ташқи тузилиши ва мантикий ривожини акс эттирувчи коммуникатив – дискурсив аспект кузатилади.

Барча сатҳлар қурилишининг барқарор алоқаси, лексик ва интонацион тугалликка эга бўлган, борлиқнинг тасвирланаётган бўлагига нисбатан ўрганиладиган гап нутқ бирлиги – *фикс* ни ҳосил қилади.

Умумий мазмун ҳамда тегишли грамматик ва лексик воситалар билан боғланган гаплар йиғиндиси *гапдан катта бирлик* ни ташкил қилади.

Гапларнинг ёки гапдан катта birlikларнинг мажмуи *текст* ёки *курс* ни ҳосил қилади. Текст мазмунан ҳамда комму-

никатив нуқтаи назардан тугалланган нутқий фаолият натижасидир.

12-§. Тил тизими ва нутқ бирликлари. Юқори сатҳнинг ҳар бир элементи қуйи сатҳнинг биргина элементида ҳам тапшиқил топиши мумкин: морфема – бир фонемадан (*parl – é*); сўз – бир морфема ёки фонемадан (*eau*); гап – бир сўздан (*Feu!*); *текст* – бир гапдан, баъзан ҳатто бир сўздан (пештахта, шиор, эълон: *Attendez! Passez! Trains*).

*Тил тизими*га қуйидаги бирликлар киради; морфема, сўз, сўз бирикмаси (унинг синтактик қолипи), гап (унинг қурилиш қолипи). *Нутқ* аспектига эса морф (морфеманинг варианти), сўзшакл, гап бўлаги, сўз бирикмаси, гап (фикр), гапдан катта бирлик, текст киради.

Грамматикада ўрганиладиган асосий бирликлар морфема, сўз ва гап ҳисобланади.

Морфема ва сўзларнинг грамматик томонини морфология, қолган бирликларни эса синтаксис ўрганади. Бироқ морфологиянинг қўшлаб ҳодисалари сўз ва, ҳатто, гап (мас., олмошлар) доирасидан тапшқарида тадқиқ этишни талаб қилади.

• Грамматиканинг бошқа фанлар билан алоқаси қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- а) қуйи сатҳ бирликлари юқори сатҳ бирликлари учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади; қуйи сатҳ бирликлари юқори сатҳ бирликлари таҳлилида аниқланади;
- б) турли сатҳ бирликлари нутқда бир-бирига ўзаро таъсир қилиши мумкин.
- в) турли сатҳ бирликлари умумий маънога эга бўлиши ҳамда шу маънони ифодалашда бир-бирини тўлдириши мумкин.

ТИЛНИ ГРАММАТИК ТАВСИФЛАШ ТУРЛАРИ


13-§. Назарий ва амалий грамматика. Амалий грамматика ўз олдига фикрни тўғри шакллантириш ва тушунтириш учун лозим бўлган грамматик қоидаларни баён қилишни мақсад қилиб қўяди. Назарий грамматиканинг вазифаси эса – шу ҳодисаларни умумлаштириш назария асосида муайян нуктаи назардан тушунтириб беришдир.

Амалий грамматиканинг икки тури бор: *тасвирий* (*descriptive*) ва *меъёрий* (*prescriptive*). Тасвирий грамматика тилнинг грамматик тизимини ифодалаш билан чегараланади. Меъёрий (норматив) грамматика эса тил фактларини норма талаблари асосида у ёки бу оборотнинг тўғри-нотўғри ишлатилганлигига кўра махсус ўрганади.

Норматив грамматикага мисол қилиб *Grevisse* нинг «*Le bon usage*» китобини кўрсатиш мумкин. Грамматик шакл ва конструкцияларнинг меъёрий қўлланиши, одатда, тушуниш қийин бўлган сўзлар луғатларида ҳам берилади. Шундай луғатлардан энг мукаммали – *Dupré. Encyclopédie du bon français dans l'usage contemporain*.

14-§. Назарий грамматиканинг турлари. Назарий грамматикалар тил фактларини қандай тушунтиришларига (изоҳлашларига) кўра, ўзаро фарқланади. Тилшуносликда грамматик назарияларни таснифлашнинг турли тажрибалари мавжуд [1, 3, р. 213-223; 10 (3)]. Бирор нарсани тушунтириш деганда, маъно ҳодиса сабабларини бошқа ҳодиса билан боғлиқликда очиқ бериш аниқлашади. Биз грамматик назарияларни лисоний белгининг табиатидан келиб чиқиб классификация қиламиз. Грамматик морфема ва конструкциялар шакл (ифодаловчи) ва мазмун (ифодаланмиш) мутаносиблигига эга бўлганда, объектив борлик элементини (референтни) ифодалаш учун фойдаланиладиган белгилар тарзида талқин этилиши мумкин. Грамматик шаклларнинг қўлланилишида сўзловчининг роли ҳам муҳим аҳамиятга эга: грамматик шаклнинг ишлатилиши (танлови) ҳамда таҳлили унга

боғлиқ. Лисоний белгининг алоқалари куйидагича кўрсатилиши мумкин:



Грамматик шаклларнинг қўлланиши ва структурасини тушунтирганда барча муносабатларни инобатга олиш лозим. Аммо назарий грамматиканинг турлари қайси муносабатни асос қилиб олганлигига қараб, ўзаро фарқланади. Грамматиканинг бирор тури ўзича соф ҳолда мавжуд бўлмайди; гап у ёки бу ёндоқлигининг устуворлиги ҳақида бориши мумкин, холос.

Формал грамматика (баъзан уни структурал грамматика деб ҳам аташади) тил ҳодисаларини белгиларнинг ички муносабатлари асосида, тафаккурга, объектив борлиққа ёки сўзловчи психологиясига боғламасдан ўрганади.

Формал грамматикага тил ҳодисаларини ғайрилисоний ҳодисалар билан алоқадорликда ўрганадиган *семантик грамматика* (уни менталистик грамматика деб ҳам атайдилар) қарши туради. Семантик грамматиканинг уч тури бор:

- *логик* грамматика грамматик категориялар билан тафаккур категориялари (тушунчалар, ҳукмлар) орасидаги алоқаларга таянади;

- *ситуатив* (ёки референционал) грамматика грамматик шакллар воситасида ифодаланадиган алоқа ва объектларнинг ғайрилисоний хусусиятларига асосланиб иш кўради;

- *психологик* йўналишдаги грамматика коллектив ёки индивидуал психологиянинг грамматик шаклларнинг қўлланилиши ва тушунилишига таъсирини ўрганади.

Грамматиканинг ҳар бир тури ичида тил фактларига *статик* ва *динамик* ёндоқув кузатилиши мумкин. Статик ёндашувда фактлар фақат аниқаланади ва таснифланади. Динамик ён-

дошувда эса тадқиқотчи фактларнинг биридан иккинчисига ўтиб туришини, бир грамматик шакл ва қўлланишнинг бошқа грамматик шакл ва қўлланишдан пайдо бўлиш сабабини очиб беришга интилади. Шунга муносиб равишда, структурал (формал) грамматикалар таркибида тил элементлари орасидаги синтагматик муносабатларга асосланувчи *дистрибутив* ҳамда тил элементлари орасидаги парадигматик муносабатларга асосланувчи *трансформацион* грамматикалар ўзаро фарқланади. Семантик грамматикалар ҳам статик ва динамик характерда бўлади. Биринчисида грамматик шакл маъноларининг ранг-баранглиги очиб берилса, иккинчисида қандай қилиб, қайси омиллар таъсирида бир маънонинг иккинчи маънога ўтиши сабаблари кўрсатилади. Кейинги ҳолатда семантик грамматика функционал грамматикага яқинлашади.

15-§. Пассив ва актив грамматика. Нутқ жараёни икки томонлама ҳолиса бўлиб, у ўз ичига сўзловчи ва тингловчини қамраб олади. Шунинг учун унда икки аспект мавжуд: сўзлаш (кодлаш, фикрни ифодалаш) ва эшитиш (тушуниш, декодлаш). Шунга биноан грамматик элементлар ҳам икки йўналишда ўрганилади.

1. Таҳлил «шаклдан мазмунга» қабилида олиб борилади. Бунда грамматик шаклларнинг маъно ва функциялари тадқиқ этилади. Тадқиқотнинг бу йўналиши *семасиологик* йўналиш деб номланади. Мас., инверсиянинг маънолари ўрганилади (у савол, хитоб, эргаш гаининг бош гапга тобелиги, гапнинг актуал бўлакларга бўлинишини ифодалаш мумкин).

2. Таҳлил «мазмундан шаклга» тарзда олиб борилади ва бунда муайян маънони ифодалаш воситалари ўрганилади. Тадқиқотнинг бу тури *ономасиологик* йўналиш дейилади. Мас., саволни ифодалаш усуллари (инверсия, интонация, сўрок сўзлар) ўрганилади. Шунинг баробарида, грамматик сатҳлар билан бир қаторда бошқа сатҳлар ҳам (лексика, фонетика) тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг юқоридаги икки йўналишига грамматика-

нинг икки тури мос бўлади: **пассив** (эпитувчига мўлжалланган) грамматика ва **актив** (сўзловчига мўлжалланган) грамматика.

Тилни тўлиқ эгаллаш учун ҳар иккала грамматикани ҳам ўрганиш керак: шакл маънолари ўрганилгандан кейин грамматик материални ономасиологик (мазмундан шаклга) аспектда умумлаштириш мақсадга мувофиқ. Француз тили грамматикалари, одатда, **пассив** аспектда (актив грамматиканинг айрим элементларидан фойдаланган ҳолда) тузилади.

Л.В.Щербанинг «Французча-русча луғат»ига илова қилинган «Француз тили грамматикаси бўйича мухтасар маълумотлар» («Краткие сведения по французской грамматике») мақоласи **актив** грамматиканинг илк тажрибаси саналади. Француз тили фактларини ономасиологик шанда ўрганишнинг ажойиб намунаси Ф.Брюнонинг «*La pensée et la langue*» (Р., 1965) номли капитал асаридир.

16-§. Тил ҳодисаларига менталистик ва формалистик ёндошиш. Юқорида баён қилинганлардан маълум бўладики, грамматик ҳодисаларни таҳлил қилишнинг икки асосий йўналиши бор: **менталистик** ва **формалистик**; менталистик ёндошиш грамматик шаклларнинг мазмунига асосланиб, уларнинг маъноларини тушунчалар, борлиқ ҳодисаларининг инъикоси билан боғлашга интилади. Формалистик ёндошиш эса грамматик шакллар таҳлилида экстралингвистик (ғайрилисоний) факторларни ҳисобга олиш лозимлигини инкор этади. Формалистик ёндошиш тарафдорлари умумтаълим мактабларнинг анъанавий грамматикасини ҳаддан ташқари мантиқчиликда ва ментализмда айблаб, мас., феъл ҳаракат ёки ҳолатни ҳар доим ҳам ифодалайвермайди (мас., *devenir* ни ҳолат феъли деб қараш шубҳали), эга эса ҳамиша ҳам субъектгни (мисол учун *il s'évanouit* гагидаги каби) кўрсатавермайди, деб даъво қиладилар.

Қуйидаги икки гапни олиб кўрайлик: (1) *Le chien court*; (2) *le combat se poursuit*. Менталистик таъриф (эга – ҳаракат ташувчи ёки бажарувчи) (1) – гапга мос келгани ҳолда, эга ҳаракат субъектгнни эмас, балки ҳаракатнинг ўзи (*le combat*) ни,

кесим эса субъектнинг ҳаракатини эмас, балки ҳаракатнинг даяноматлигини ифодалаган (2) – гага мос келмайди. Формал (структурал) таъриф (эга – феъл-кесим билан мослашувчи, предлогсит исм билан ифодаланувчи ва *il*, *ils* типдаги олмошлар билан ўрин алмашувчи сўз) ҳар иккала гада эга иш-ҳаракатнинг реал бажарувчиси сифатида қўлланилишига эътибор бермайди. Ёниобарин, формал ёндошиш ҳодисаларнинг кенгрок доирасини қамраб олади, лекин уларга тўлақ таъриф беролмайди. Менталистик ёндошиш эса ҳодисаларнинг маълум бир қисминини тушутиради, бироқ бу тушулгириш чуқур ва моддий асосга эга, чунки у тил фактларини тафаккур билан, тафаккур орқали эса борлиқ билан боғлиқди. Шунинг учун функционал ёндошиш энг муқобил тадқиқот меҳони ҳисобланади: грамматик шаклларни уларнинг мазмуний функцияларида тушулгириш семантик, асемантик функцияларда тушулгириш эса формал ёндошуадир.

ГРАММАТИКАДА МЕТОДЛАР ВА НАЗАРИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

17-§. Тилда парадигматик ва синтагматик муносабатлар. Тил элементлари муносабатларнинг икки тури – парадигматика ва синтагматика – асосида ўзаро боғланади. Шунинг учун уларни шакл маънолари ва шу шаклнинг тил системасида тутган ўрнини аниқлашда инобатга олиш лозим.

Синтагматик муносабатлар яқинликка (боғлиқликка) асосланган муносабатлардир. Шу боис ҳам улар элементларни ўзаро боғлайди. Бунда элементлар ўзаро боғланиши мумкин, аммо бири иккинчисини алмаштириб кела олмайди, чунки улар турли синфларга мансуб ҳодисалардир. Мас., *Pierre parle* ва *Paul dort* гапларида от ва феъл ўзаро синтагматик муносабатда бўлади. Синтагматик планда тил шаклини танлаш унинг (шу шаклнинг) комбинатор имкониятлари, яъни бошқа шакл билан бирика олиш қobiliятлари билан аниқланади. Мас., *Paul parle* дейиш мумкин, аммо **Paul parlons* дейишмайди, чунки феълнинг мазкур шакли бирлик сондаги от билан бирикмайди.

Парадигматик муносабатлар ўхшашликка асосланган муносабатларидир. Улар бир-бири билан бирикмайдиган, аммо бир-бирини алмаштириб кела оладиган элементларни бирлаштиради. Мас., *dort* ва *parle* келтирилган мисолларда ўзаро алмашганиши мумкин (*Pierre dort, Paul parle*), бироқ ўзаро боғланмайдилар (*dort parle* – бемаъни). Бу икки шакл бир парадигматик (феъл-кесим) синфга киради. Парадигматик муносабатлар баъзан фақат тил ҳодисаларининг бирикиш имкониятларинигина намоён этидиган синтагматик муносабатларга қараганда «маънодор»рок, мазмундоррокдир.

Нутқда бирон нарса дейиш истагида биз тегишли элементни мазкур синфнинг бошқа элементлари орасидан мазмунига (парадигматик аспект), нутқнинг бошқа элементлари билан бирика олишига (синтагматик аспект) қараб танлаймиз. Агар биз француз тилида сиз гапиряпсиз димоқчи бўлсак, *di - , mang*

-, *écrit* – каби феъллар асосларидан биринчисини, – *ez*, – *issez*, – (v) *ez*, – (t) *es* қўшимчалардан бир хил маъноли бўлишидан қатъи назар, охиригисини танлаймиз. Парадигматик ва синтагматик танлов бирикканда борлиқнинг бир бўлагини ифодалашда қўллаш мумкин бўлган шакл ҳосил бўлади (vous dites). Танловнинг бу тури *семиотик* танлов дейилади.

18-§. Грамматик таҳлил методлари. Улар тил элементларининг парадигматик ва синтагматик муносабатларига асосланади ҳамда сифатий ва миқдорий методларга бўлинади. Грамматик тадқиқотларда қуйидаги асосий сифатий методлар қўлланади: 1) дистрибутив, 2) трансформацион, 3) қарама-қарши – компонент, 4) контекстуал-ситуатив.

Экстралингвистик омилларга дистрибутив метод жуда кам, контекстуал-ситуатив метод эса жуда кўп мурожаат этади.

Формал грамматикалар юқоридаги методларнинг биринчи иккитаси билан чегараланади. Семантик грамматикалар уларга бошқаларини ҳам қўпади.

Компонент ва трансформацион таҳлилда парадигматик муносабатлар, дистрибутив ҳамда контекстуал таҳлилда синтагматик муносабатлар биринчи планда туради.

Грамматик тадқиқот асосида, қўлланилган усуллар туридан қатъи назар, шакл ва мазмун муносабатдорлигининг семиотик принципи ётади. Грамматик таҳлилдаги барча чалқашликлар ифода ва мазмун шакллариининг асимметрияси (номутаносиблиги) дан келиб чиқади.

19-§. Дистрибутив метод, энг аввало, тил бирликлари орасидаги синтагматик муносабатларга асосланади ҳамда нутқ заңжирини ва, умуман, юқори сатҳ бирликларини қуйи сатҳ бирликларига бўлиш, бу бирликларни синфларга гуруҳлаш, чегаралаш ҳамда таснифлаш имконини беради. Айрим адабиётларда дистрибутив метод қўлланганда «маъно қавсдан ташқарига чиқарилади» [13 (1)] дейилади. Бу унчаям тўғри эмас. Лингвистик таҳлилнинг ҳар қандай методи каби дистрибутив метод ҳам маънога мурожаат этмасдан иш кўролмайдн. Бу-

нинг устига, у структуравий-семантик *изоморфизм* (яъни лисоний шакллар ва уларнинг маънолари ўртасидаги ўзаро мослик ва боғлиқлик)га асосланади. Бироқ маъно умумий тарзда аниқроғи: 1) муайян бирликлар ёки улар асосида ясалган қурилмаларда бирор маънонинг бор-йўқлигини; 2) шакл ўзгарганда эса маъно ёки функциянинг сақланиш-сақланмаслигини эътиборга олади.

Сўз ёки фикрдаги ҳар бир элемент ўзининг муайян қуршови билан характерланади. Бир турдаги қуршовларнинг мажмуи шу элементнинг *дистрибуцияси* ни ҳосил қилади. Мас., француз тилида сифатлар қуйидаги қуршовларда келади: *dét+ A-N (un grand homme)* ёки *dét+N+A (une tâche difficile)*, *c'est+A (c'est difficile)* ва ш.к. Бундай қуршовларда келган ҳар қандай сўз сифат туркумига киритилмоғи лозим.

Дистрибутив метод морфологияда грамматик морфемаларни ажратиб кўрсатиш ва категорияларни аниқлаш мақсадида қўланади. *Calme, calmer, calmement, (ça le) calmait* каби сўзлар қиёсланганда, минимал маъноли сегментлар (*calm (e), -er, -ment, -ait*) кўзга ташланади. Бундай сегментлар *морфемалар* ёки *монемалар* (А.Мартине атамаси) деб номланади.

Бу морфемаларнинг моҳияти улар бошқа сўзлар билан келганда ҳам айнан бир маънони ифодалаши мумкинлиги билан асосланади: қиёсланг: *calme* ва *ac – calmie; calm – er* ва *form – er; calme – ment – faible – ment, ça calmait – ça pes – ait*. Бироқ агар биз *calmer* ва *jaunir* феълларини қиёсласак, айнан бир маъно турли қўшимчалар (*er, ir*) билан ифодаланганлигини кўрамыз. *Алломорфлар* – морфемаларнинг позициян вариантлари ана шу тарзда аниқланади. Алломорфлар мажмуи морфемани ташкил қилади. Бу нафақат граммемларга, шунингдек, ўзак морфемалар – лексемаларга ҳам тааллуқли. Масалан, *clair / clar* сегментлари бир негизнинг алломорфлари сифатида қаралиши мумкин: улардан қайси бирини танлаш ўзлари бирикаётган морфемаларга боғлиқ: *clairement, éclairer*, бироқ *clarté, clarifier*.

Алломорфлар умумий бир ҳодиса – тил воситалари пози-

цион ўзгаришларининг хусусий кўринишидир. Бир хил қуршов (дистрибуция) да келган, аммо маъноси билан фарқ қиладиган икки элемент турли грамматик категорияларни ҳосил қилади; бироқ қўшимча дистрибуцияда келган икки элемент айнан битта бирликнинг позицион вариантлари бўлиб, битта грамматик категорияни тапқил этади. *Parlai, parla* шаклларидаги – *ai* ва *a* орасидаги фарқ позицион характерда эмас (улар айнан бир негизга қўшилади), бинобарин, маънодор; *(je) parlai, (j) écrivis* шаклларидаги – *ai* ва –*is* қўшимчалари бир маънони ифодалайди. Улар орасидаги тафовут эса шаклан феъл асоси билан аниқланади. Бу тафовут позицион бўлиб, маънодор эмас. Шунинг учун турли грамматик шаклларни ҳосил қилмайди.

Дистрибутив метод сўзларни туркумлашда ҳам қўл келади. Қуйидаги тўртта гапни қиёслайлик: (1) *Il a hérité cette ferme de son père*; (2) *Il a écrit cette lettre d'une main ferme*; (3) *Pierre ferme la porte*; (4) *ce clou tient ferme*. *Ferme* сўзи омонимларининг қайси сўз туркумига мансублигини уларнинг дистрибуциясига қараб аниқлаш мумкин: Биринчи гапда *ferme* *cette* детерминативидан кейин келган: бундай позицияда, одатда, от келади. Иккинчи гапда *ferme* *отдан* кейин турибди. Бу – сифатнинг позицияси. Учинчисида *ferme* тугал маъноли гапнинг икки исм гуруҳи орасида келган. Бундай позицияда фақат феъл қўлланади. Ва, ниҳоят, охириги гапда *ferme* артикلسиз келиб, феълдан кейин турибдики, бу позиция, асосан, равишга хос. Агар дистрибутив белгилар етарли бўлмаса (мас., феълдан кейин сифат ҳам келиши мумкин: *je le trouve intéressant*), у ҳолда *коммутация* методидан фойдаланилади: мажкур сўз тегишли грамматик маънони аниқроқ ифодалайдиган бошқа элемент билан алмаштирилади. *Ferme* сўзини грамматик омонимлари бўлмаган сўзлар (мас., *propriété, hâtive, ouvre, solidement*) билан алмаштириб, шунга мос равишда унинг от, сифат ёки бошқа туркумга киришини аниқлаймиз.

20-§. Трансформацион метод дистрибутив методдан қуйидаги белгилари билан фарқланади: а) тилда мавжуд парадигматик муносабатларга урғу бермайди; б) динамик характерга эга,

яъни шакллар орасидаги алоқани, бир шаклдан иккинчи шаклнинг ҳосил бўлиши (деривацияси)ни кўрсатади; в) дистрибутив методни қўллаш фойда бермаган ҳолларда семантик ўхшашлик ва тафовутларни фарқлаш имконини беради. Масалан, *L'invitation de Pierre* сўз бирикмасининг икки маъносидан қайси бири ифодалаётганлигини уни феъл синтагмага айлантириш йўли билан аниқлаш мумкин. *Pierre a invité quelqu'un* ва *Quelqu'un a invité Pierre*.

Трансформациялар турли конструкциялар ва шакллар орасидаги алоқани кўрсатади ва ифоданинг турли синонимик воситаларини яратиш усулларини топиш имконини беради. Масалан, феъл синтагмага номинализация, кейин адъективация трансформациясини қўллаб, контекстда айнан бир маънони ифодалай оладиган учта сўз бирикмасини ҳосил қиламиз: *Le président est arrivé – l'arrivée du président – l'arrivée présidentielle*. Трансформацияларни ўрганишда мазкур трансформацияни амалга оширишга йўл қўймайдиган турли чеклаш ва «фильтрлар»ни ҳам инобатга олиш лозим.

Трансформацион метод морфологияда ҳам, синтаксисда ҳам қўлланади. Трансформацияга сўз морфологик категорияларининг ўзгаришлари (масалан, муайян формула асосида инфинитивдан шахс-сон шаклининг ҳосил қилиниши), сўзни бир туркумдан иккинчисига ўтказиш (бундай ҳолатлар транспозициялар деб ҳам аталади. 57-§га қаранг), сўз синтактик вазифасининг ёки гап структурасининг ўзгариши (масалан, актив нисбатни пасив нисбатга айлантириш) киради.

21-§. Оппозитив-компонент метод. Тилнинг ҳар қандай элементи каби грамматик шакл маъноси ҳам бошқа шаклга қарама-қарши қўйилганда (оппозицияда) намоён бўлади. Оппозицияда борлиқ элементларининг ёки тилнинг ички фарқлари (масалан, сўзларнинг ўзаро бирикиш қоидалари) очиб берилди. Грамматик шаклларни контекстдан ташқарида қарама-қарши қўйиш уларнинг *асосий парадигматик* маънолари ҳақида тасаввур ҳосил қилади, холос. Масалан, (*nous*) *parlons* ва (*nous*) *parlerons* ҳақида гап кетганда, французча сўзлашадиган ҳар

қандай киши биринчи шакл (*parlons*) нутқ моментига тааллуқли («ҳақиқий») ҳаракатни, иккинчиси (*parlerons*) келаси замонда содир бўладиган ҳаракатни ифодалашини билади. Бу эса мазкур шаклларнинг бирламчи парадигматик маъноларини ҳосил қилади. Аммо ўша шаклларни бошқа шаклларга қарама-қарши қўйиш *-ons* кўшимчасининг маъноси битта эмаслигини, унда семантик компонентларнинг ёки семаларнинг яна қўшлаб хусусий маънолари мавжудлигини кўрсатади. Масалан, (*nous*) *parlons* шакли (*je*) *parle* шаклига қарама-қарши қўйилса, кўпилик сонни ифодаётгани, (*vous*) *parliez* шаклига қарама-қарши қўйилса, аниқлик майли маъносини билдираётгани маълум бўлади. Бинобарин, *-ons* морфемаси қуйидаги маъноларга эга: 1- шахс + кўпилик сон + ҳозирги замон + индикатив (аниқлик майли). Ҳар бир шаклнинг нечта маъноси борлиги унинг қандай оппозицияларда келиши мумкинлиги билан белгиланади. Феълнинг замон шакллари қиёслаш (зидлаш) натижасида ҳар бир жуфтлик учун оппозиция миқдорини аниқлашимиз мумкин. Масалан, *passé composé* ўзида «ўтган» ҳаракатни (*présent* дан фарқли ўлароқ), «актуал» (кўп қўлланадиган) ҳаракатни» (*passé simple* дан фарқли тарзда), «замонда чекланганликни» (*imparfait* дан фарқли ҳолда) мужассамлаштирган. Шу йўл билан ҳар бир грамматик шакл учун фақат унга хос «семантик формула»ни чиқариш мумкин.

22-§. Контекстуал – ситуатив метод. Грамматик шакл нутқда қўлланганда, агар у кўп маъноли бўлса, шу маънолардан фақат биттасида келади; бундан ташқари, контекстда мазкур шакл кўшимча маъно оттенжаларини кашф этиши ҳам мумкин, чунки бунда муайян ҳодисанинг белгиларини акс эттирувчи потенциал (имконият тарзида мавжуд бўлган) семалар ишга тушади. Масалан, ҳозирги ва келаси замонлардаги ҳаракатдан фарқли ўлароқ, ўтган замондаги ҳаракат масаласи, умуман олганда, мунозарали: унда шакл ўзининг одатдаги асосий парадигматик маъносида келганда, ишонч-сизлик оттенкаси кўзга ташланмайди. Агар биз *Je viendrai te voir demain à 8 heures* дейдиган бўлсак, унда ҳеч қандай ишончсизликни кўрмаймиз, чун-

ки «гумон» семаси потенциал (имконият) ҳолатда бўлади. Бироқ *futur* шакли ҳозирги замон маъносида қўлланганда, «келаси замон» маъносини йўқотади. Бунинг ўрнига унинг потенциал семаси актуаллашади ва натижада *futur* гумон маъносини олади: *Il sera malade*.

Контекстуал-ситуатив таҳлил грамматик шакллар маъносидаги силжишларни белгиловчи омилларни ҳам очиб беради. Бу омиллар эксплицит (контекстда ифодаланган) ҳам, имплицит (контекстда берилмаган, ситуатив) ҳам бўлиши мумкин. Эксплицит омилларга: а) сўз маъноси; б) қуршов (мазкур сўз шакли билан боғлиқ бошқа сўзлар, гап қурилиши, сўзларнинг кетма-кет келиши); в) просодик воситалар (урғу, интонация (оҳанг) киради. Имплицит факторларга эса нутқий вазият, яъни тасвирланаётган воқеанинг текстда бирор лисоний восита билан ифодаланмаган элементлари киради (қаранг: 29-§, II, Б).

23-§. Микдорий методлар грамматик шаклларнинг қўлланишини ўрганишда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бу методлар ёрдамида тил системасида мазкур категориянинг зарурлигини акс эттириши мумкин бўлган шаклларнинг частотаси (қўлланиш микдори) аниқланади. Микдорий таҳлил грамматик норма (меъёр) ни ўрганишда ҳам, матн структураси таҳлилида ҳам жуда қўл келади. Грамматик омилларни ўрганишда рақамларда бериладиган абсолют частота эмас, балки кўп /кам, тез-тез/ онда-сонда бўлиши муҳим.

24-§. Француз тили назарий грамматикасидаги асосий йўналишлар. Умумий тилшунослик ҳамда тил тарихидан тамомла фарқ қилувчи француз тилининг назарий грамматикаси XX асрда шаклланди. Француз тилшунослиги учун, умуман олганда, менталистик ёндошиш характерли. Бу соҳадаги илмий йўналиш ва жиддий ишлар қуйидагилардир:

1. *Ономасиологик тавсиф.* Брюно [11] муайян тушунчаларни ифодалашнинг грамматик воситаларини (ҳаракат, ҳолат, макон, замон, сабаб ва ш.к.) ўрганади. Бугунги кунда Брюнонинг ғоялари актив грамматика муаммоларини тадқиқ этишда, тилни ўқитишда (жумладан, унинг синонимик бойлигини ўрга-

нишда), қиёсий таҳлилда, функционал-семантик майдонларни аниқлашда (қаранг: 35-§) муҳим аҳамият касб этади.

2. *Женева структурал-семантик мактаби* Соссюр ғояларини ўрганган (Балли, Сепеэ, Фрей). Француз тилини ўрганишда Ш.Баллининг китоби [2; 20] катта аҳамиятга эга. Мазкур китобнинг умумлингвистик ғоялари орасида: 1) фикр ҳақидаги ғоя, хусусан, модус ва диктумнинг ўзаро муносабати (221-§); гапнинг актуал бўлиниши (11-§); 2) ифодаловчи ва ифодаланмишнинг ўзаро алоқаси, жумладан, аналитизм муаммоси (45-§); актуализация назарияси (18-§); 3) транспозиция назарияси (57-§) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Баллининг китоби тилларни қиёсий ўрганишнинг илк тажрибасидар (унда француз тили немис тили билан қиёслаб ўрганилган).

3. *Психологик йўналиш*. Дамурет ва Пишонларнинг китобида [12] француз тили грамматикаси ғоят мукамал тадқиқ этилган. Улар француз тилининг кўплаб ҳодисаларини биринчи марта ўрганиб, ўзларининг терминологияси ва грамматик тушунчалар тизимини яратганлар. Шаклнинг энг кичик ўзгаришларида ҳам муаллифлар алоҳида мазмуннинг, сўзловчилар «интеллектуал тизими»нинг намоён бўлишини кўришга ҳаракат қилганлар. Тил ва тафаккурни айнан бир хил нарса деб қарашда, улар орасидаги диалектик алоқани инкор этишда мазкур таълимотнинг ниҳоят даражада психологизмлашганлиги кўринади.

Ж. ва Р.Лебидуа [25] грамматик шаклларнинг мазмунини анча мукамал ўрганганлар. Улар ҳар қандай грамматик шаклда асосий ва ясама маъноларни фарқлашган ҳамда тил фактларида «миллий психология»нинг намоён бўлиши мумкинлигига алоҳида эътибор берганлар.

4. *Гийомнинг психосистематик назарияси* [21]. Унинг таълимоти моҳиятан менталистикдир. У киши онгида грамматик категориялар қандай шаклланиши ва уларнинг объектив борлиқ акс эттирилаётган пайтда нутқда қандай қўлланишини ўрганган [қаранг: 4-§]. Гийом мактабидан унинг кўплаб ўқувчилари – Вален (Канада), Муанье, Стефанини ва бошқалар баҳраманд бўлганлар.

5. *Логик йўналиш* Сепеэ [31] асарлари билан бир қаторда Галише грамматикасида [16] ҳам ўз ифодасини топган.

6. *Семантик структурализм*. Гутнейм [17 (3)] грамматикадаги зиддият (оппозиция) ларни ўрганиб, уларда маъноли фарқлар, стилистик вариантлар ёки маъносиз норматив қўлла-нишлар яшириниши мумкинлигини кўрсатади.

Теньернинг китобида [32] тил аспектларининг семантик ва структуравий муносабати ўрганилади. Шунинг учун асосий эътибор сўз туркумларининг контекстуал функциясини ўрганишга қаратилади (қаранг: 57-§).

XX асрнинг 60 йилларида Францияда Дюбуанинг асемантик структурализмга оид ғоялари тарқалди [13]. Китобнинг биринчи жилдида дистрибутив, қолганларида трансформацион методлар қўлланилган. Бу нафақат муаллиф қарашларининг эволюцияси, шунингдек, материалнинг таъсири билан ҳам изоҳланади: феъл ва гапни ўрганиш отни ўрганишга қараганда трансформацияларни қўллашни кўпроқ тақоза қилади.

Трансформацион грамматика ғоялари Гросс [20] ва Рювет [29] ларнинг китобларида ўз аксини топган. Трансформацион ҳамда структурал грамматика ғояларига мурожаат қилип француз структуралист-тишпуносларини семантик йўналишга қайтарди.

Дюбуа ва Дюбуа-Шарлье [14], Потье [28 (1)], Гиро [22] ларнинг асарлари структуравий-семантик аспектда ёзилган.

7. *Функционал йўналиш*. Бу йўналишга Мартине ва унинг ўқувчилари асос солган (масалан [18]). Улар функционал ёндопиш деганда нафақат грамматик шакл маънолари функцияларининг тахлилини, шунингдек, уларнинг коммуникация жараёнидаги родини ҳам ўрганишни тушунадилар.

8. *Семантик-коммуникатив йўналиш*. Кейинги йилларда бошқа мамлакатларда бўлгани каби Францияда ҳам тишпунослар орасида грамматик формаларнинг шаклланиши ва қўлланишида инсоннинг сўзловчи ва ҳаракат қилувчи шахс сифатидаги ролига бўлган қизиқиш кучайди. Бенвенист [9] ишларидан рағбатланган бу йўналиш француз грамматистлари орасида кенг тарқалди. Бунда, энг аввало, фикрнинг ҳосил бўлиши ва тахлилида муҳим роль

ўйнайдиган морфологик элементлар – артикль, олмош, замон, майл ва бошқалар ўрганилади.

Қатор тасвирий грамматикалар француз тили ҳодисаларини муайян назарий позицияларда туриб таҳлил қилади. Бундай грамматикаларга Ларусс [19], Вьенер ва Пиншпон [33], Ле Галлио [26], Бейлон ва Фибра [8]ларнинг ишларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Грамматикадаги турли йўналишлар Арриве ва Шесвалье [6], Ажежи [23], Боннар [10 (23)], қуниятидек, кейинги авторнинг GLLF лугатида берилган мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган.

ГРАММАТИКАДА АСИММЕТРИЯ.

ФУНКЦИОНАЛ ЁНДОШИШ

25-§. Марказ (ядро) ва қуйи. Тилнинг ҳар бир сатҳи ва бўғинида ядровий (марказий, типик, асосий) элементлар билан бир қаторда қуйи элементларни ҳам фарқлаш керак. Марказ – қуйи ўзаро муносабати тилнинг қурилиш, семантик ва функционал аспектларида намоён бўлади.

Қурилиш аспектида: марказ – сўз ўзгариши, сўзлар бириктирилиши устувор моделлари. Қуйи – шу моделлардан оғин. Кўпلىк соннинг –s ёрдамида ҳосил қилиниши (ёзма нутқда) тил системасининг марказини, *œil-yeux, travail-travaux* каби сўз шакллари эса қуйини ташкил қилади.

Категориал – семантик аспектида: марказ бир турдаги шакл ва маънолар, қуйи оралик шакл ва маънолардир. Ядровий элементлар муайян категориянинг асосий белгиларига эга бўлади, қуйи элементлар эса мазкур ва бошқа категорияларда оралик ўринни эгаллайди. Феъл шакллари тизимида тусланувчи шакллар марказни, шахсизлари (инфинитив, сифатдош, герундий (равшдош) қуйини ташкил қилади ҳамда ўзида феъл ва бошқа сўз туркумларига хос белгиларни мужассам этган бўлади.

Аниқлик майли (индикатив) замонлари (*présent, imparfait, futur, passé composé* ва бошқалар) марказни, морфологик шакл ва синтактик қурилма оралигидаги иммедиат шакллар, перифразалар қуйини ташкил қилади.

Қ у й и.

Ядро	«ЭНГ ЯҚИНИ»	«ЭНГ УЗОҒИ»
<i>présent</i>	<i>passé immédiat</i>	<i>être en train de faire qch</i>
<i>passé composé, etc.</i>	<i>futur immédiat</i>	<i>commencer par faire qch, etc.</i>

Иммедиат шакллар феълнинг морфологик шаклими ёки йўқ деган савол туриши мумкин. *Être en train de faire qch* каби перифразалар морфологик аналитик шакллар ҳосил қилмайди. Бироқ улар тур ва замонни ифодаловчи қуйи феъл воситалар сифатида ўрганилиши мумкин.

Функционал аспектида: қўлланувчан шакллар – марказ,

кам қўлланиладиганлари – қуйи. Шунинг учун замонлар тизимида қуйи ҳодисаларга *imparfait du subjonctif, formes surcomposées* ларни киритиш мумкин.

26-§. Грамматик асимметрия. Тилда асимметрия изчиллик (доимийлик), бир хилликдан чекинишда намоён бўлади. Тил тизими кўплаб бўғинларининг асимметрик табиати грамматик назарияларда, кўпинча, инобатга олинмайди. Тилшунослар доимо идеал «симметрик» схемани яратишга интиладилар ва бунинг натижасида тилдаги айрим ҳодисалар ихтиёрий тарзда бирлаштирилади ва тасниф қилинади. Масалан, Гийом [21 (2, 3)] феъл актуализациясининг уч босқичи мавжудлигига асосланиб, барча феъл шакллари уч «майл»га жамлайди. Бу *conditionnel*ни майл категориясидан чиқариб, индикатив майлига киритиш учун кўшимча асос бўлди. Индикатив феъл шакллариининг симметриясига асосланиб, Гийом уларни шундай тақсимлайди: ўтган замонлар – *parlai/ parlais*, келаси замонлар – *parlerai/ parlerais*, гарчи ҳар бир жуфтлик орасидаги муносабатлар муштарак бўлмаса ҳам.. А.Ивон [34] *parl-ons – parl-i-ons; parler-ons – parl-er-i-ons* феълларининг шакл ва маъно асимметрияси (структура асимметрияси) ни асос қилиб олиб, *-er* морфемасига майл маъносини, *-i-* морфемасига эса ўтган замон маъносиини тақайди. Шунга асосланиб, у *parlerons* ни ҳам, *parlions* ни ҳам «*suppositif*» майлига бирлаштиради.

Асимметриянинг уч тури бор: а) *система* асимметрияси; б) *структура* асимметрияси (ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатлари); в) *функция* асимметрияси.

Система асимметрияси тил тизими бўғинларининг бир хил ривожланмаганлигида намоён бўлади. Масалан, индикативда (анъанавий таснифга кўра) 8 замон борлиги баробарида, субжонтивда уларнинг сони фақат 4 та.

Асимметрия баъзи сўзлар парадигмасининг нотўлиқлигида ҳам кўринади. Масалан, айрим феъллар тўлиқ тусланиш шаклига эга эмас (*échoir, bruire, frire* ва б.)

27-§. Структура асимметрияси эса грамматик шаклларда ифо-

даловчи ва ифодаланмишл орасидаги тафовутларда кўзга таънади.

Шакл (Ш) ва мазмун (М) асимметрияси уч – синтагматик, парадигматик ва семиотик – аспектда кузатилади. Буни ифода плани элементлари (ифодаловчилар) билан мазмун плани элементлари (ифодаланмишлар) миқдори ўзаро тенг бўлмаган ҳолатлар билан асослаш мумкин, яъни биринчилари иккинчиларига қараганда кўп ($Ш > М$) ёки, аксинча, кам ($М > Ш$) бўлади. Шу тарзда асимметриянинг олти тури ҳосил қилинади.

I. Синтагматик план. Симметрия нутқ занжирида ифода плани ва мазмун плани параллел тарзда бўлакларга бўлинишини тақозо қилади. Бунда ифодаловчи ва ифодаланмишлар сони ўзаро тенг бўлади.

Ифода плани	$Ш_1$	$+Ш_2$	$+Ш_3$ ва б.
Мазмун плани	$М_1$	$+М_2$	$+М_3$ ва б.

Масалан, *nationales* сўзшаклда ҳар бир маънога ифода планида ўз элементи тўғри келади:

Лексик маъно	сифат	ж.род.	кўплик сон
<i>nation</i>	-al-	-e-	-s-

Синтагматик аспектда параллелизмнинг бузилиши натижа-сида асимметриянинг икки тури юзага келади.

Синтетик шакл	$Ш_1$	$Ш_2 + Ш_3$ аналитик шакл
	$М_1 + М_2$	$М_3$

Синтетик шаклда бопқа ҳолатларда алоҳида-алоҳида ифодаланганидан маънолар бирга келади. Масалан, *nationaux* шаклида -aux ситменти уч маънони ифодалайди: «сифат+род+сон», ҳолбуки, *nation+al+e+s* да бу маънолар алоҳида-алоҳида берилди. Синтетик шаклларни француз тилшунослари «ифодаланмишларнинг бирикиши» (*le cumul*, Балли) ёки «амальгалар» (Мартине), деб номлайдилар. Синтетик шакллар қуйидагича намоён бўлади:

– грамматик категорияларни ифодалашда (*nationaux* мисо-

demain;

– шаклнинг семантик синкретизми шунда намоён бўладики, бошқа ҳолатларда фарқланиши мумкин бўлган икки маъно контекстда бира-тўла қўлланади. Масалан, *plus-que-parfait* ўтган замонда содир бўлган ҳаракатнинг бирин-кетин келишсини ёки ҳаракатнинг ўтган замонда тугалланганлигини билдиради. Қўп ҳолларда бу икки маъно бир пайтда намоён бўлади. Синкретик шакл полисемия (қўп маъноlilik) нинг энг мужмал, омонимия эса энг аниқ намоён бўлишидир.

Грамматик омонимияни аниқлашда парадигматика катта аҳамият касб этади. Турли парадигмаларда келадиган бир хил шакл турли категорияларга мансуб турли шакллар тарзида кўзга тапланади. Қиёсланг: *(tu) marches – nous marchons* ва *une marche – des marches; je parle – nous parlons* ва *(que) je parle – (que) nous parlions*.

• **Синонимия** бир маънонинг ҳар хил шакллар ёрдамида ифодаланиши бўлиб, у ҳам турли кўринишларга эга:

– грамматик шакллар (алломорфлар) нинг қўшимча дистрибуцияси. Бунда маънодош шакллар бир-бирини алмаштира олмайди. Уларнинг қўлланилиши Балли «ихтиёрий ўз-ўзига хизмат қилиш» деб номлаган синтагматик қоида билан асосланади. Масалан, *-er, -ir* синоним алломорфлардан биринчиси I гуруҳ феъллари (*parler*), иккинчиси эса II гуруҳ феъллари (*finir*) билан қўлланади.

– ўзаро алмашинадиган шакллар. Уларнинг қўлланилиши парадигматикага асосланган. Синонимларни ўзаро алмаштириш баъзан маъно ўзгаришига олиб келмайди (ёки деярли олиб келмайди): *commencer à* ёки *de faire qch*. Бошқа ҳолатларда умумий маъноли синонимлар баъзи нозикликлари билан ўзаро фарқланади: *Il part demain* ва *Il partira demain*;

– параллел ифода воситалари, яъни муайян маънони ифодалашнинг турли усуллари. Улар қандай грамматик ёки лексик воситалар билан берилишидан қатъи назар, кенг маънодаги синонимлардир.

III. Семантик планда асимметрия шаклининг маъно билан ўзаро алоқасида намоён бўлади.

Ш — — — — — М

Бу томонлардан бири (Ш ёки М) қўлланмаганда, симметрия бузилади ва натижада асимметриянинг икки тури ҳосил бўлади:

Ноль шакл Ø _____ М

Пуч шакл Ш _____ Ø

Н о л ь шакл махсус кўрсаткичнинг йўқлиги билан характерланади. *Nationales* да род ва сон махсус морфемалар (-e, -s) билан берилган. *National* да эса м. р. ва сон махсус кўрсаткичларсиз (ноль морфемалар) ёрдамида ифодаланган. Ноль шакллар тилда кенг тарқалган, чунки улар грамматик маъноларни тежамли ифодалаш имконини беради. Ноль шаклларнинг қуйидаги турларини қайд этиш мумкин:

– морфологияда ноль морфема. Қийёсланг: *je parle nous parlons; regarde! va regardez!*

Сўзнинг муайян туркумга мансублиги фақат унинг қуршови билан аниқланади. Қийёсланг: *travailler durement* ва *travailler dur*.

Ноль морфема лингвистик таҳлилда шартли белги вазифасини ўтайди. Чунки у морфологик кўрсаткич белгисиз қўлланганини кўрсатади;

– эллипсис ва синтаксисда назарда тутилган белги. Қийёсланг: *Il a deux enfants, l'un de dix ans, l'autre de sept.*

Пуч шакл. Агар муайян шакл борлиқдаги бирор элементни ифодаламаса, десемантизацияга учрайди ва ўз маъносини йўқотади. У морфологик ва синтактик шакл элементи сифатида структуравий вазифа бажариши мумкин, холос.

Пуч шаклнинг бир неча турини кўрсатиш мумкин:

– морфология ва сўз ясашдаги интерфикслар. II гуруҳ феълларидаги -*iss-*, -*t-* ва бошқа элементлар вербализациядаги (numero-numeroter) интерфикслардир;

– пуч маъноли ёрдамчи сўзлар, масалан, инфинитив би-

лан қўлланадиган қўшлаб предлоглар: *prier de faire qch*;

маъносизлашган, яъни ноль белтига айланишга мойил бўлган ва нутқнинг эҳтиёждан ортиқ қўлланадиган ҳар қандай элементи.

Бу ҳодисаларни ўзаро фарқлаш мураккаб назарий муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, *-issons* сегменти *nous finissons* да ё *-ons-* (*fin-issons*) алломорфи сифатида ёки *-iss-* интерфиксининг *-ons* (*nous fin-iss-ons*) морфи билан бириктиши ёнги асосга қўшимча (*finiss-ons*) тарзида изоҳланиши мумкин.

29-§. Функционал асимметрия. Грамматик шакллар типологияси. Шакл ва мазмунаро функционал асимметрия айнан бир функциянинг нутқда турли шакллар билан ифодаланиши ҳамда айнан бир шаклни турли функцияларда қўллаш мумкинлигида намоён бўлади. Грамматик шаклнинг функцияси деганда, унинг хос маъноси ёки юқори сатҳ бирликларини ҳосил қилишдаги роли (масалан, боғловчи функцияси) тушунилади. Грамматик шакллар функцияларини қуйидаги белгиларига кўра, зидланувчи бир неча асосий турларга бўлиш мумкин:

– *маъноли*, семантик функция (бунда грамматик шакл объектив борлиқ элементларининг реал хусусиятини ифодалайди ва *луч* (маъносиз), асемантик функция (бунда грамматик шакл объектларнинг реал фарқларини акс эттирмайди);

– тилда, энг аввало, мазкур шаклни ифодалаш учун мавжуд бўлган *бирламчи* функция ва *иккиламчи* – мазкур грамматик шаклнинг кўчма маънода қўлланиши натижада ҳосил бўлган – функция фарқланади. Бирламчи ва иккиламчи функцияларнинг бириктиши функцияларнинг қуйидаги турларини ҳосил қилади:

1. Бирламчи функция. Грамматик шаклнинг бу функцияси қуйидаги хусусиятлари билан характерланади: а) у маъноли; б) мазкур категорияни ҳосил қилувчи оппозициялар (масалан, сон категорияси учун бирлик ва кўпликнинг зидланиши) ёрдамида ҳосил қилинади; в) контекстга боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён

бўлади ва шаклнинг грамматик маъносини ифодалайди.

II. Иккиламчи функциялар. Бирламчи функциядан фарқли ўлароқ, иккиламчи функция муайян контекстуал паронитларда (нутқ эҳтиёжларига кўра) ҳосил бўлади.

А. Умумлаштирувчи ёки нейтраллаштирувчи функция. Айрим нутқий вазиятларда грамматик шакллар орасидаги оппозиция йўқогилади, чунки борлиқнинг тасвирланаётган бўлагида ҳос хусусиятлар бўлмайдиган ва бунинг натижасида маъно, умумлашади (мавҳумлашади). Масалан, сон категорияси мисолида буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

сондаги оппозиция	Singulier	Pluriel
сонда нейтраллашмиш	↓	↓

Агар сонда оппозиция сақланса, шакллар ўзаро синоним бўла олмайди. (қийёсланг: *Je vois un chien; Je vois des chiens*). Агар зидланиш йўқотилса (бунда фикр мазкур синфнинг ҳар қандай элементи тааллуқли бўлади), у ҳолда шакл нейтраллашади ва шунинг учун уни маънога зиддн сгказмаган ҳолда оппозициянинг ҳар қандай шаклига нисбатан қўллаш мумкин. (Қийёсланг: *Le chien est carnivore; Les chiens sont carnivores*). Нейтрализация функциясида қўланган шакл, одатда, маркирланмаган (белгисиз) шакл дейилади. Бу шакл сон учун – бирлик, род учун – м.р. шакл, замон учун – ҳозирги замон ва ш.к. Нейтрализацияда белгисиз шакл, кам бўлса-да, қўлланади.

Б. Иккиламчи маъноли функция (транспозиция функцияси). У грамматик шаклни оппозиция бўлаги маъносидан, яъни ўша парадигманинг бошқа шаклини қўллашда намоён бўлади. Бунда маъно нозиклаклари билан фарқланувчи синонимик қаторлар ҳосил бўлади. Масалан, иккиламчи маъноли функция бирлик сон ўрнида кўплик сон (*la neige* ўрнида *les neiges*), ўтган ёки келаси замон ўрнида ҳозирги замон, (*présent historique*) ёки келаси замон ўрнида ҳозирги замон (*futur proche*), ўтган замон (*futur historique*) ўрнида келаси замон қўланганда ҳосил бўлади. Семантик транспозиция қуйидаги омишлар асосида юзага

чиқади.

– грамматик шаклнинг сўз лексик маъносига номутаносиблиги ёрдамида: *neiges* – саналмайдиган объект + кўплик сон. Бунда кўплик сон кўпликни эмас, микдорни ифодалайди;

– грамматик шакл маъноларининг синтагмадаги бошқа сўз ва шакл маъноларига номутаносиблиги асосида: *Il arrive demain*;

– феълнинг ҳозирги замон шакли + келаси замонга оид ҳол билан. Бунда феъл шакли ўзга маъно касб этиб, яқин келажак маъносини ифодалайди;

– грамматик шакл маъноси ва нутқ вазиятининг номутаносиблиги кўмагида. Масалан, *La première guerre mondiale éclate. Il part au front*. Биринчи гапдан урушнинг ўтган даврга тегишлилиги маълум. *Présent* шакли эса ўзининг бирламчи маъносини йўқотиб, *présent historique* маъносини ифодалаган.

В. Иккиламчи маъносиз (пуч) функция (*десемантизация*). Бу функцияда келган грамматик элемент ғайрилисоний борлиқнинг бирор белги-хусусиятини кўрсатмайди, яъни у маъносизлашади ва сўз, сўз бирикмаси ёки гапнинг ташқи элементи тарзида намоён бўлади. Род жонли отларда маъноли, чунки жинслар орасидаги фарқни акс эттиради (қиёслант: *acteur actrice, un élève – une élève*). Бирок у жонсиз отларда тасвирланаётган объектларнинг ҳеч қандай хусусиятини акс эттирмайди ва шунинг учун сўзшаклнинг бир қисмига айланади, холос. Грамматик категория сўз маъносини фарқлаганда маъносиз функция *дистинктив* бўлиши мумкин. *Le livre* ва *la livre* сўзларида род маъносиз, бироқ у маъноларни фарқловчи восита сифатида қўлланган.

Таъкидлаш керакки, десемантизация деганда, мазкур грамматик категория шакли маъносининг барҳам топиши назарда тутилади. Бирок бу шакл ўзининг тилдаги бирор маъносини батамом йўқотмайди.

Функцияларни фарқлаш ҳам амалий ва ҳам методик нуқтанан назардан муҳим аҳамиятга эга. Агар икки тилдаги катего-

риялар муштарак бўлса ҳамда ўзларининг бирламчи функцияларида қўлланса, турли алмаштиришларга, интерференцияга, одатда, ўрин қолмайди. Агар грамматик шакл иккиламчи функцияларда қўлланса, у ҳолда тилнинг хусусияти намоён бўлади ва шунинг учун сўзма-сўз таржима қилишнинг иложи бўлмайди.

30-§. Грамматик категорияларнинг семантик структура-си. Грамматик шаклнинг турли қўлланиш, маъно ва функцияларга эга бўлиши грамматик категория ҳамда грамматик маъно ички структураларининг қўламини аниқлаш муаммосини кўндалаш қилиб қўяди. Бу муаммонинг турлича талқин этилаётганини у ёки бу масала бўйича француз тили грамматикасида турли фикрларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин.

Бу ерда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин:

- плюралистик ёндашиш алоҳида олинган ҳар бир функцияда грамматик шакл махсус грамматик категория (грамматик омонимия) ни ҳосил қилишига асосланади. Масалан, қуйидаги икки омоним ўзаро фарқланади: *conditionnel* ва *futur dans le passé*, истак майлининг бир неча шакллари (*subjonctif de doute, de volonté etc*).

- унитар (бир бутунликни ҳосил қиладиган) ёндашишга кўра, шаклнинг ҳар қандай маъноси ёки қўлланиши бир умумий маънонинг кўринишлари (грамматик омонимия) тарзида талқин этилади. Бундай ёндашишни, масалан, Гийом қўллаб-қувватлаган эди. Унинг фикрича, грамматик шаклда фақат бир маъно бўлиб, тадқиқотчининг вазифаси уни аниқлашдир. Бироқ айрим қўлланишлар орасида катта тафовут мавжуд бўлган бир пайтда, уларни бир маъно доирасида бирлаштиришнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Масалан, жонли ва жонсиз отларда род категорияси учун умумий маънони келтириб чиқаришнинг сира ҳам иложи йўқ;

- функционал ёндашишга кўра, бир грамматик шаклда бир умумий маънога бирлаштириб бўлмайдиган турли маънолар-

нинг мавжудлиги тан олинади (*грамматик кўл маънолили*). Маънолар системани ташкил этади. Системада эса асосий маъно (бирламчи функция) ҳамда бирламчи маънодан қонуний тарзда келиб чиқадиган иккиламчи маъно мавжуд бўлади. Баъзан икки маъно тенг қийматли асосий маънолар тарзида гавдаланиши ҳам мумкин.

Моносемия, полисемия ва омонимия ўзаро бир-бирига ўтиб туриш ҳолатлари билан боғланади. Бу эса грамматик маънони аниқ кўрсатиш ва таснифлаш жараёнини қийинлаштиради.

31-§. Функционал ёндошишнинг икки тури. Грамматик тадқиқотнинг икки – семасиологик ва ономасиологик – турига (15-§ га қаранг) мувофиқ равишда функционал ёндошиш ҳам икки хил бўлади. Семасиологик функционал ёндошиш грамматик шаклларнинг нутқда бажариши мумкин бўлган турли функция ва маъноларини очиб беради (29-§га қаранг). Ономасиологик функционал ёндашиш эса, аксинча, муайян маънони ифодалашнинг усуллари тасвирлашни назарда тутади. Бунда тилнинг лексик – грамматик ёки функционал майдонлари (35-§га қаранг) ўрганилади.

RÉSUMÉ

1. La grammaire est définie comme la science qui se propose de montrer la structure d'une langue et les mécanismes du langage, d'expliquer les règles de changement et de combinaison des mots formant un énoncé (une phrase). La grammaire se subdivise en deux parties: la morphologie qui étudie les changements des mots et la syntaxe, science de la combinaison des mots en phrases.

2. Les unités principales de la langue, étudiées dans la grammaire sont: le morphème, le mot, le terme de proposition, la combinaison de mots (le syntagme), la proposition (la phrase). Les deux premières sont étudiées dans la morphologie, les autres relèvent de la syntaxe, qui s'occupe aussi des unités superphrastiques et de l'organisation du texte.

3. La linguistique établit la différence entre la langue-système et la parole (ou le discours), réalisation des possibilités offertes par le système lors de la formation des énoncés. On distingue deux aspects de l'organisation de la langue: le système (la structure), ensemble d'éléments liés entre eux par toute sorte de rapports, et la norme, forme établie des éléments linguistiques. La parole a également deux aspects: l'usage, sélection non-individuelle des moyens offerts par la langue, et la parole individuelle, réalisation individuelle, qui n'est pas du ressort de la grammaire.

4. L'utilisation des moyens linguistiques dans le discours s'appelle réalisation ou actualisation. L'actualisation est l'identification du signe virtuel de la langue-système à l'objet de la réalité dont on parle.

5. On relève deux approches principales des faits de grammaire:

l'approche mentaliste qui fait appel au contenu sémantique des faits grammaticaux et l'approche formaliste qui nie la nécessité de tenir compte des facteurs se trouvant au-dehors de la langue elle-même. La méthode formaliste est à la base des grammaires dites formelles (grammaire distributive, grammaire générative), l'approche mentaliste a donné naissance aux grammaires logiques, psychologiques, situationnelles. Vu que les phénomènes linguistiques, ne sont pas homogènes, ni les grammaires formelles, ni les grammaires mentalistes ne peuvent à elles seules expliquer les faits grammaticaux de façon adéquate. La grammaire fonctionnelle cherche à éviter les approches unilatérales de celles-ci. Elle étudie les fonctions de chaque forme grammaticale en signalant leur caractère sémantique ou asémantique.

6. L'approche fonctionnelle tient compte de l'asymétrie des formes linguistiques. Dans chaque secteur de la structure de la langue on distingue le noyau et la périphérie. L'asymétrie fonctionnelle consiste en ce qu'une même forme grammaticale peut avoir plusieurs fonctions différentes. On peut distinguer les types de fonctions suivants: 1) fonction primaire significative, qui se manifeste dans l'opposition; elle détermine la place paradigmatique de la forme et se réalise dans le contexte minimal; 2) fonctions secondaires – a) fonction de neutralisation (lorsque la forme a un sens généralisant); b) fonction sémantique de transposition qui consiste à conférer à une forme la fonction d'un autre terme du même paradigme; c) fonction secondaire non-significative. Les fonctions secondaires se réalisent dans des contextes appropriés.

7 Les éléments linguistiques sont réunis par des rapports syntagmatiques et paradigmatiques qui constituent la base de différentes méthodes d'analyse grammaticale: distributive, transformationnelle, componentielle, contextuelle. A ces quatre méthodes qualitatives s'ajoute la méthode quantitative, statistique.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ МАЗМУН ПЛАНИДА

32-§. Грамматик категориянинг семантик хусусияти. Юқорида қайд этилганидек (2-§ га қаранг), грамматик категория (ГК) грамматик маъно ва грамматик шакл бирлигидан ҳосил бўлади. Грамматик маъно ГК (ГК мазмуни) умумлашган маъносидир. У муайян ифода воситалари ёрдамида сўзлар ёки гапларнинг бутун бир синфларида намоён бўлади. Грамматик маънода нутқ жараёнининг предметлилик билан боғлиқ белгилари, муносабатлари, вазият ва йўналтирилганлик каби тушунчалар, баъзан эса сўз ва сўз бирикмаларига хос хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Грамматик ифода воситалари морфологик ёки синтактик бўлиши мумкин. Шунга кўра, грамматик категориялар ҳам морфологик ёки синтактик турларга бўлинади. Қуйида морфологик, яъни сўзда ифодаланган категориялар ҳақида гап боради.

Грамматик категорияларнинг қуйидаги семантик турлари бор:

1. *Ички оппозициялар миқдори.* Ҳар қандай ГК асосида шакл ва мазмун оппозицияси ётади. Икки субкатегория қарама-қарши қўйилса *бинар*, қўш шакл ва мазмун зидланса, бир талай оппозициялар ҳосил бўлади. Бинобарин, ГК бинар ва кўп узвли бўлиши мумкин. Француз тилида род (муж. ва жен.), сон (бирлик ва кўшлик) категориялари бинар, замон (ўтган, ҳозирги, келаси) категорияси эса қўш узвли категориялардир. Бинарлилик – ГК мавжудлигининг энг минимал шартидир.

2. *ГК ва гайрилисоний воқелик.* Бирламчи функцияларига кўра, ГКни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) *маънодор объектив* категориялар. Улар ўзида сўзловчининг иродасига боғлиқ бўлмаган нарса ва ҳодисаларнинг хусусият ва муносабатларини акс эттиради. Сабаб ва бошқа муносабатларни ифодаловчи отларнинг сон, род категориялари ҳамда синтактик категориялар шулар жумласидандир:

б) *маънодор субъект – объекти* категориялар. Бу категориялар объектив борлиқ ҳодисаларини сўзловчи нуқтаи назаридан ифодалайди. Шахс, абсолют (нутқ моментига нисбатан олинган) замонлар, нисбат, модаллик мазкур категориялар сирасига киради. Шунингдек, уларга суҳбатдошнинг мавзуга оид билимлари даражасини акс эттирувчи категорияларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ (детерминация, актуал бўлиниш, савол ва б.)

в) *асемантик (формал) категориялар* ташқи оламни эмас, балки тил бирликларининг хусусиятларини, масалан, сифатларда род ва сонни, айрим гапларнинг боғловчилик функциясини (314-§га қаранг) ифодалайди.

Аксарият категориялар турли функцияларни ўзида мужассам этган бўлади. Масалан, сон категорияси саналадиган отларда муҳим аҳамиятга эга бўлса, саналмайдиган отларда бундай хусусиятга эга эмас. Шунингдек, келишикнинг синтактик категорияси ҳаракат субъектини ифодалаганда (*Pierre lit*) муҳим восита бўлиши баробарида, факат структуравий функцияни ҳам бажариши мумкин (*il pleut*).

3.ГК ва сўз синфлари (туркумлари). Улар таснифловчи ва сўз ўзгартуви, деб икки гуруҳга ажратилади:

а) *Таснифловчи* категориялар бирор туркумга оид сўзларни шундай тақсимлайдики, натижада у ёки бу сўз муайян субкатегорияга киритилса-да, ўзгармайди, бошқа субкатегория шаклини ҳам олмайди. Жонсиз отларда род (ҳар бир от ўз родига (мужской ёки женский) эга бўлади, аммо бу род ўзгармайди) категорияси, олмошларда шахс категорияси, артикль ва детерминантларда аниқлик /ноаниқлик категорияси таснифловчи категориялардир.

б) *сўз ўзгартувчи* категориялар сўзнинг субкатегорияларда ўзгариб туриши мумкинлигини билдиради. Улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– соф грамматик категориялар мазкур туркумга оид барча сўзларга тааллуқли бўлади: сифатларда сон ва род, феълда замон ва майл (барча феъллар замонда тусланади);

– лексик-грамматик категориялар мазкур туркумга оид сўзларнинг фақат бир қисми учушга характерли. Жонли отларда род, сон (фақат саналадиган отлар сонда ўзгаради), нисбат (фақат ўтимли феълларга хос), шахс (шахсиз феъллар сонда ўзгармайди) категориялари лексик-грамматик категориялардир. Бирок, лексик-грамматик категорияларда белли (маркерланган) шакл мазкур туркумнинг қолган барча сўзларида амал қилади ва у бунда асемантик функция бажаради (саналмайдиган отларда бирлик сон; ўтимсиз феълларда аниқ нисбат шакли; шахсиз феълларда учинчи шахс ва б.)

4. *Бошқа ГК лар силсиласида грамматик категориянинг ўрни.*

Тилда ГКлараро алоқа формал ёки семантик сатҳда намоён бўлади. Формал сатҳда у ГК нинг қурилиши билан боғлиқ, яъни бир пайтнинг ўзида қатор ГКлар маъноларини ифодаловчи тугалл шакллар мавжуд бўлган [28-§га қаранг] ҳолда кўзга ташланади. Масалан, *-âmes (nous) parlâmes* гапида феълнинг шахс, сон, замон ва майлини англатади.

ГКнинг семантик алоқаси улар ифодалаётган маъноларнинг ўзаро алоқасида намоён бўлади, чунки мазкур шаклнинг ё кўллаб бўлмайди ёки у алоҳида маъно нозиклигини кашф этади. Масалан, соннинг 1-шахс бирлиги билан императив (буйруқ майли) бирга қўлланмайди. Семантик алоқадорлик даражасига кўра, ГК лар уч турга бўлинади.

– *узоқлашган*, ўзаро алоқага киришмайдиган ГК. Отларда род ва сон (аммо улар шакл нуктаи назардан ўзаро боғланиши ҳам мумкин) категориялари шундай категориялардир.

– *боғли*, яъни ўзаро алоқага киришадиган ГК. Маънодор категориялар боғли категориялардир. Кейинчалик биз феълларда замон ва нисбат, шахс ва нисбат, шахс ва замон, нисбат ва майл категориялар қандай қилиб ўзаро алоқага киришиши мумкинлигини кўрамиз. Морфологик ГК синтактик категориялар билан ўзаро алоқада бўлади. Масалан, артиклни кўллашиши отнинг синтактик функцияси, субъектив эргаш гаининг ўрни билан бевосита боғлиқ;


– *гайриграмматик* категориялар. Баъзан грамматик категорияларнинг маъноси ва шакли шу даражада чаतिшиб кетдики, натижада маъноси фақат контекстдагина муайянлашадиган яхлит гайрикаатегория ҳосил бўлади. Масалан, Имбс [29] замон ва турни бир гайрикаатегорияга бирлаштиради. Гийом эса майл, замон ва турни, Дамурет ва Пишонлар сонининг морфологик категорияси ва детерминациянинг синтактик категориясини бир гайрикаатегорияга киритади. Гайрикаатегорияни алоҳида категория тарзида ажратиш тенденцияси тил тизимининг беқарорлигидан, таснифлашнинг ўта мураккаблигидан далолат беради.

33-§. Грамматик ва лексик маъно. Грамматик маъно лексик маънодан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. *Мустақил номинатив функциянинг йўқлиги.* Сўзлар номлаш, яъни гайрилисоний объектларни мустақил тарзда ифодалаш хусусиятига эга. Грамматик шакллар эса ё ўзича номинатив функция бажаролмайди ёки, умуман, бундай функцияга эга эмас. Бошқача айтганда, улар мустақил равишда борлиқ объектларини ифодаламайди ёки улар билан, умуман, боғланмайди (албатта, асемантик функцияда). Айнан бир хил ёки ўхшаш тушунчалар лексик ёки грамматик жиҳатдан ифодаланиши мумкин, бироқ улар орасидаги тафовут фақат формал хусусиятга эга: бу тафовут мазкур элементнинг мустақил қўллана олиш ёки олмаслигига боғлиқ. Икки гапни олиб кўрайлик: *il arrivera [ilarivra]* ва *il arrive demain [ilarivdəmɛ]* Биринчи гапда келаси замон [ra], иккинчи гапда [dəmɛ] ёрдамида ифодаланган. Бироқ *Quand arrive – t – il?* сўроғига [dəmɛ] дея жавоб бериш мумкин, аммо ҳеч қачон [ra] деган жавоб берилмайди. [dəmɛ] сўзи мустақил номинатив функцияга эга. Шунинг учун у алоҳида гап ҳосил қилади. Бинобарин, *demain* лексик, *-ra* эса грамматик ҳодисадир. *Est ce que le cahier est dans la serviette?* сўроғига *Oui, il est dedans*, дея жавоб бериш мумкин, аммо *il est dans* дейиш мумкин эмас. Ҳолбуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам макон маъносини ифодалайди. *Dans* бу маънони фақат гап таркибида келгандагина ифодалайди, чунки у ёрдамчи («грамматик») сўз. Грамматик элементлар лексик элементлар билан сўз таркибида (*il arrivera*) ёки гап

таркибида (*le cahier est dans la serviette*) келгандагина алоқага киришиши мумкин.


Улардан биринчиси морфология, иккинчиси синтаксис доирасида ўрганилади. Юқорида баён қилинганларни қуйдаги схемада кўрсатилгандек умумлаштириш мумкин:



Лингвистикада грамматик элементлар (морфема, ўрдамчи сўзлар), умуман, номинатив функцияга эга эмас, деган фикр тез-тез учраб туради. Бу нотўғри. Чунки улар борлиқнинг муайян ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда номинатив функция бажаради, аммо бу функцияни улар мустақил сўзлардан фарқли ўларок, ўзларича бажаролмайди.

2. *Категориал маъно*. Грамматик маънолар лексик маънолардан анча кенглиги ва мавҳумлиги билан фарқланади.

Demain равиши ҳамда *-га* қўшимчаси келаси замонда содир бўладиган воқеа-ҳодисани ифодаласа ҳам, сўз буни қўшимчага нисбатан жуда аниқ кўрсатади. Бироқ грамматик маънолар яқдланиш (оппозиция) хусусиятига асосланган. Шу сабабли энг умумий тушунчалар ҳам сўз ўрдамида ифодатланади. Мисол сифатида замон билан боғлиқ тушунчаларни олиб кўрайлик:



Кўринадики, мавҳум категорияларгина (ўта умумийлари эмас) грамматик восита ёрдамида ифодаланади.

3. *Сўзлар синфига ёйилиш*. Лексик маъно сўз ёки сўзлар гуруҳини, грамматик маъно эса сўзларнинг бутун туркуми ёки бир хил сўзларнинг каттагина қисмини қамраб олади. Феъл префикслари ҳаракатнинг тугалланганлигини ҳам ифодалайди (қиёсланг: *dormir* – ухламоқ, *s'endormir* – (ухлаб қолмоқ, кўзи уйқуга кетмоқ), *crier* – (бақирмоқ, қичқирмоқ) *s'érier* – (қичкириб (бақириб) юбормоқ). Рус тилида бу маъно грамматик ҳарактерга эга. У барча феълларга тааллуқли: ҳар қандай феъл тугалланган ёки тугалланмаган маънони ифодаловчи шаклда келади, уларнинг аксарияти ҳар иккала тур шаклини ҳам олиши мумкин: *делать/ сделать*. Француз тилида бундай фарқ феълнинг фақат кичик бир гуруҳида кўзга таълиланади ва у лексик маънонинг (грамматик маънонинг эмас) бир қисми сифатида қаралади.

4. *Грамматик маънонинг зарурийлиги*. Грамматик маънолар сўзнинг асосий луғавий маъносига қўшимча тарзда намоён бўладиган маъноларгина эмас. Уларсиз тегишли туркумга оид сўзни тасаввур ҳам қилиш мушкул. Масалан, француз тилида ҳар қандай феъл сон, шахс, майл, нисбат, замон шаклида бўлади. Зарурий категорияларнинг йиғиндиси сўзнинг грамматик шаклини ҳосил қилади.

5. *Сўзнинг референт (предмет)га боғлиқлигининг ўзгаришмаслиги*. Сўз доимо тегишли объектни ифодалайди. Унга лексик элемент қўшилганда эса сўз маъноси ўзгаради, яъни у (сўз)

бошқа референтлар (предметлар) билан доимо муносабатда бўлади Сўз ясовчи морфемалар ва сўз ўзгартувчи морфемалар ўзаро кўплаб муштарак хусусиятлар (номинатив функциянинг мустақил эмаслиги, категориал маъно ва б.) га эга. Бироқ сўз ясовчи морфемалар сўз ўзгартувчи морфемалардан фарқли ўлароқ, сўзнинг референциясини (унинг предмет билан боғлиқлигини) ўзгартириб туради. *Maison va maisons* бир сўз шакллари ҳисобланади, чунки улар айнан бир предметни (бир ёки бир нечтасини) ифодалайди. Аммо *maison-nette maison* сўзнинг шакли эмас, чунки *maisonnette* бошқа объектнинг номидир.

6. *Системанинг ёпиқлиги* (чекланганлиги). Модомики, грамматик маънолар муқаррар равишда сўз билан бирга қўлланылар экан, уларнинг сони чегараланган бўлиши керак (ҳар бир сўзда қўшимча маъноларнинг жуда кўп миқдорда бўлиши ҳам алоқа-аралашувни қийинлаштиради). Агар лексика тил бирликларининг очиқ қаторини ташкил этса, грамматик категориялар чекланган, ёпиқ қаторни ҳосил қилади. Сўзни четдан қабул қилиш ёки янгисини ясаш мумкин, аммо грамматик элемент тилнинг узок давом этадиган эволюцияси жараёнидагина шаклланади.

34-§. **Лексика ва грамматиканинг функционал-семантик алоқаси.** Семантик функция бажарадиган грамматик шакллар билан тилнинг лексик воситалари ўртасида фақат мазмун сатҳидагина ўзаро алоқа ўрнатилиши мумкин. Бу алоқа ё семантик ўзаро муносабатдорликда ёки функционал компенсация (ўрнини тўлдириш) да намоён бўлади.

1. Лексика билан грамматиканинг ўзаро семантик таъсири грамматик маънолар сўзларнинг лексик маъноларига мос келганда намоён бўлади. *Il partira demain* гапида феъл (*partira*) билан + равиш (*demain*) «келаси замон» умумий семасининг мавжудлигига кўра мазмунан бирикади. Объектли тўлдирувчи вазифасида фақат жонсиз от қўлланади: қиёсланг: *Pierre a brisé la vitre avec une pierre* (Пьер дераза ойнасини тош билан уриб синдирди). Лексик ва грамматик маънолар ўзаро мувофиқ келмаганда, қуйидаги ҳолатлар юз беради:

1) лексика грамматикага таъсир кўрсатади, яъни грамма-

тик шаклларнинг қўлланишینی чегаралайди (28- 32-§ларга қаранг). Модда номи (*encre, coton*) кўплик сон шаклига эга эмас (агар у кўчма маънода қўлланмаган бўлса); ўтимсиз феъл мажхул нисбат ҳосил қилмайди. Синтактик функция сўз маъносига бефарқ эмас: ўтимли феъл билан келган эга, одатда, жонли объектни ифодалайди;

2) грамматика лексикага таъсир кўрсатади: грамматик шакллар ё сўз маъноларига аниқлик киритади ёки уларни, умуман, ўзгартириб юборади. Грамматик шакл сўз маъносига номувофиқ бўлганда ҳам у билан бирикади. Бу эса сўз маъносининг ўзгарганлигидан далолат беради.

Des cotons шакли саналмайдиган объектнинг саналадиган объект билан алмашганини кўрсатади. Француз тилида сўз морфологик шаклининг ёки синтактик алоқанинг ўзгариши луғавий маъно ўзгарганлигини кўрсатади. Бунини қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди: отларнинг сони: *l'amitié des amitiés*; артикль шакли: *un mouton – du mouton*; сифатнинг ўтимлилиги: *un garçon capable – un garçon capable de bonnes actions*; феълнинг ўтимлилиги: *décoller vt – ёпиштирилган нарсани жойидан кўчирмоқ; décoller vi – кўтарилмоқ (самолёт ҳақида).*

1) ва 2) рақамлар остида қайд этилган ҳодисалар семантик мослашув асосида тушунтирилади. Бу мослашувга кўра, лексема ва граммемаларнинг бирикишида ўзаро зид семалар бўлмаслиги керак. Масалан, («саналишлик» [a] лексик жиҳатдан предметларни ифодаловчи сўзлар, грамматик жиҳатдан эса кўшлик сон шакли билан ифодаланади. Бирлик сон «саналишлик» тушунчасига бефарқ):

лексема	граммема	шакл	
(1) <i>table</i> =[a] +кўплик сон	[a]	<i>tables</i>	ўз маъно
(2) <i>gloire</i> =[a] +бирлик сон	–	<i>gloire</i>	ўз маъно
(3) <i>gloire</i> =[a] +кўплик сон	[a]	<i>gloires</i>	«шуҳратлар» нотўғри шакл
(4) <i>gloire</i> =[a] +кўплик сон	[a]	<i>gloires</i>	кўчма маъно

(3) да келтирилган мисолда лексема ва граммема мазмунан

боғланмаган, шунинг учун шакл маъносиз, нотўғри. (4) да келтирилган мисолда эса кўчма маънода қўлланган лексема саналишлик маъносини олган, шу сабабли шакл тўғри чиққан («маълумлик» маъноси).

2. Лексика ва грамматиканинг функционал нуқтаи назаридан бир-бирининг ўрнини тўлдириши (компенсация). Бу қуйидагича содир бўлади: лексик воситалар грамматик маъноларни ифодалайди, грамматик воситалар эса сўз ясовчи воситалар ўрнида қўлланади.

1) Лексик элементларнинг грамматикализацияси (лексик воситанинг грамматик функцияда келиши). Лексик элементлар: а) одатда, грамматик воситалар билан ифодаланадиган категорияларни, масалан, жен.родни: *femme – peintre* ва мажхул маънони ифодалайди: *La Chambre approuva la loi – La loi reçut l'approbation de* (=fut approuvée par la Chambre (recevoir) феъли мажхул нисбат сингари ҳаракатнинг эгага йўналтирилганлиги ҳам кўрсатади); б) сўзни бошқа функционал синфга (туркумга) ўтказди (қиёсланг: *homme plein de courage* ва *homme courageux*. Бунда *plein de* отга сифат функциясини бажариш имконини берган); в) сўзларни ўзаро боғлаш мумкин (қиёсланг: *homme plein de courage, homme de courage* бирикмаларида *plein de* предлогникига ўхшаш функцияни бажаради).

2) *Лексикализация*. Грамматик шаклларнинг лексикализацияси грамматик элемент кўчма маънода қўлланганда содир бўлади. Бунда грамматик элемент ё сўз ва сўз бирикмалари ясовчи ёки уларнинг маъноларини аниқлаштирувчи восита сифатида намоён бўлади. Лексикализация омили куйидагилар:

- грамматик категориянинг (ёки синтактик қурилманинг) барҳам топиши. Унинг қолдиқлари сўз ёки турғун бирикмаларни ҳосил қилишда фойдаланилади. Масалан, эски француз тили қолдиқлари ҳисобланмиш: *sire seigneur* бугунги кунда бошқа-бошқа сўзлар тарзида шаклланган. Сўзларнинг қадимги тартиби *sans soup fêir* типидagi фразеологизмларда лексикализацияланган;

- шаклнинг бутун парадигмадан тушиб қолиши, кўчма маъно

касб этипи. Сифатдош шакли *durant, pendant* каби предлогларда лексикализациялашган. Ҳозир улар *durer, pendre* каби феълларнинг шакллари сифатида қаралмайди;

– грамматик шаклларни фарқловчи мазмуний зидликни бар-тараф қилиш. Бунда турли шакллар ҳар хил шакллар тарзида эмас, балки ҳар хил сўзлар (ёки сўз бирикмалари) сифатида намоён бўлади. Масалан, *semeur semeuse* сўзлар қатори ўз лексик маъноларини сақлаб қолгани ҳолда, *semeuse* (сеялка) лексикализациялашган (яъни грамматик шакл – ж.р. – сўзга айланган); ж.р. суффикси – *euse* машиналар номларини ясашга хизмат қилади (қиёслаг: *fraiseuse* ва б.).

35-§. Лексик-грамматик майдон. Муштарак маъно ифодаловчи грамматик ва лексик воситалар тилда лексик-грамматик (функционал, тушунчавий) майдонлар ҳосил қилади. Уларнинг элементлари эса ўзаро синоним бўлиб келади. Масалан, модалликни ифодаловчи феъл шакли (индикатив, сюбжонктив), модал феъллар (*pouvoir, devoir etc.*), модал равишлар (*peut-être*) ва бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади. Лексик-грамматик майдоннинг ўзаги (ядриси) – муайян грамматик шакллар (бизнинг мисолимизда – майл). Унинг қуйисини шакллар ва мазкур маъноси иккиламчи бўлган сўзлар (масалан, модал маъно ифодаловчи *futur*) ташкил этади.

36-§. Десемантизация омилилари ва сўзнинг грамматизацияси. Уларга қуйидагилар киради:

а) сўз маъносининг кенглиги. Кўпинча, мавҳум маъноли сўзлар тез-тез грамматикализацияга учраб туради: феъл шаклларидаги *être, avoir, faire, aller, venir; femme, homme, gens* сўзлари ҳаракат бажарувчиси бўлиб келганда; *le fait est que* ҳаракатни, *façon, manière, air* ҳаракат тарзини ифодалаганда (*d'un air solennel*) шу ҳодиса содир бўлади;

б) сўзнинг транзитив(ўтилми) қўлланилиши. Ҳар қандай сўз транзитив позицияда келганда ўз маъносини ифодалашдан тапқари, бошқа сўзларни боғлашга ҳам хизмат қилади ва бу билан у структуравий функция бажаради. Баъзан мазкур функция олдинги планга чиқиб, сўз, энг аввало, боғловчи восита сифатида қўллана

бошлайди. Масалан, *être* феъли абсолют конструкцияда ўз маъносини тўлиқ сақлаб қолади (*je pense que je suis*). Бироқ у бошқа сўзларни ўзаро боғлаганда ёрдамчи феъл мақомини олади (*il est heureux; il est médecin*);

в) сўзнинг семантик ортиқчилиги. Агар сўз муайян ёки нутқ жараёнидан англашиладиган элементни ифодаласа, унинг қўлланишига эҳтиёж қолмайди ва бунда у структуравий функциянигина бажариши мумкин. *Les enfants allaient dans la forêt ramasser les baies* гапида *ramasser* феъли контекстдан англашиладиган тушунчани ифодалаган (реза мева, одатда, «терилади»). Бинобарин, мазкур жумлада бу феълнинг қўлланиши шарт эмас, чунки унинг маъносини предлог ёрдамида ҳам бериш мумкин: *Болалар ўрмонга реза мева учун кетдилар*. *Ramasser* феъли учун предлогига ўхшаб, отни феъл билан боғлашти, холос. Шунингдек, *parler clairement* ўрнида *parler d'une voix claire* дейиш ҳам мумкин. Бунда *voix parler* феълни мазмунан такрорлайди ва сифатга феълни тавсифлаш учун қўллашга имкон беради;

г) Сўз маъноларининг супплетивлиги. Сўзнинг турли грамматик маънолари, кўпинча, турли асослар ёрдамида ифодаланади: *je vaix, nous allons, j'irai; homme gens* ва ш.к. морфологик супплетивизмга мисол бўла олади. Боғли маънолар турли лексемалар билан ифодаланганда, биз сўз ясалишида ҳам, синтаксисда ҳам супплетивизмга дуч келамиз. Масалан, бир сўз туркумининг иккинчисидан ҳосил бўлишига эътибор қилинг:

V	<i>mouvoir</i>		<i>tomber</i>
—	:	—	аммо —
N	<i>mouvement</i>		<i>chute</i>

Супплетив жуфтликлар сифатида фаол ёки мажхул ҳаракатни ифодалайдиган феъллар-конверсивлар қўлланади:

Actif	<i>autoriser</i>		<i>donner la permission de</i>
—	:	—, лекин —	—
Passif	<i>être autorisé</i>		<i>recevoir la permission de</i>

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ ИФОДА ШАНИДА

37-§. Морфология ва синтаксис. Грамматик ифоданинг ҳар қандай усули тил элементларининг ўзгаришида (фонетик ёки график) намоён бўлади. Агар бу ўзгариш сўзнинг ўзида қайд этилган бўлса, тегишли грамматик маъно морфологияга; ғалда қайд этилган бўлса, синтаксисга тааллуқли бўлади. *Les petits enfants jouent avec le chien du voisin* ғалда икки турлаги грамматик номустақил элемент кўзга ташланади: а) – *s*, *-ent* сўзнинг бир бўлагини ташкил этади. Улар морфологик флексиялардир; б) *les*, *en*, *avec*, *le*, *du* бошқа сўзлар таркибига кирмайди. Улар «фраза морфемалар»и – ёрдамчи сўзлар бўлиб, синтаксисга тааллуқли. Морфология билан синтаксисни ўзаро фарқлаш, асосан, сўз чегарасини тупунишдан бошланади. Агар *le chien* ёки *du chien* қўшилмалари бир сўз деб қаралса, у ҳолда *le* ва *du* ни сўзнинг бир қисми сифатида тан олишга тўғри келади. Улар ифодалаётган маънолар эса морфологияга тегишлидир. Шунга асосланиб, француз тилида турланиш бор дейиш мумкин (*le chien*, *du chien*, *au chien*).

Француз тилида шаклан сўзга ўхшаш, қатор элементлардан таркиб топган аналитик сўз шакллариининг мавжудлиги морфология ва синтаксисни ўзаро ажратишда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Деярли барча француз тилшунослари морфология ва синтаксиснинг ҳозиргидек фарқланишини тан олишмайди. Масалан, Гутнейм [17 (30)] морфемаларга грамматик маънога эга бўлган ҳар қандай элементларни, шу жумладан, сўз тартиби, оломилар ва ёрдамчи сўзларнинг барча турларини ҳам киритади. Унинг фикрича, буларнинг барчаси «морфология»да; шу «морфемалар»нинг қўлланиши, улар ифодалайдиган ошпозициялар эса «синтаксис»да ўрганилади.

Мартиненинг «Функционал грамматика»сида [18] морфология деганда, морфемаларнинг вариацияси (турланиб, ўзгариб турувчи шакллари), яъни турли грамматик маъноларни

ифодалаш усуллариининг ташқи томони тушунилади. Шунинг учун морфологияга сўз тартиби (масалан, равишнинг ўрни) киритилади. «Монемалар синфлари», яъни, тахминан, сўз туркумлари ўрганилганда эса, уларнинг кўрсаткичлари деб, умумий қоидага кўра, сўз таркиби ва ундан ташқарида содир бўладиган ҳодисалар қаралади. Масалан, исм кўрсаткичлари (аниқловчилари) детерминантларни, сифатларни, сонни, предлогли инфинитивларни ва ш.к.ни ўз ичига олади.

Холбуки, сон категорияси морфологияда, аниқловчилар эса фақат синтаксисда ўрганилади. Морфологиянинг бундай талқини Мартиненнинг грамматик таълимотида сўз тушунчасининг, умуман, тилга олинмагани билан изоҳланади.

38-§. Сўз муаммосининг грамматик аспектлари. Сўз муаммосида икки аспект кўзга ташланади: а) сўзнинг айнан ўхшашлиги ва б) сўзнинг чегаралари [батафсилроқ бу ҳақда қаранг: 5, II боб, 71- б.].

Улардан биринчиси парадигматик, иккинчиси синтагматик муносабатлар билан боғлиқ. Сўз ўзининг сўзшакллари мажмуидир. Шунинг учун сўзнинг грамматик айнан ўхшашлиги масаласи мазкур сўзшакллар бир сўзнинг шакллари ми ёки улар турли сўзларга тааллуқлими деган саволга бориб тақалади. Масалан, *faire, (je) fais, en faisant, (je) ferai* бир сўзнинг турли шакллари ми ҳосил қилади. Бирок *fait* шакли, масалан, *une chose faite* сўз бирикмасида шу сўзнинг шакллари таркибига киради ми ёки бошқа сўз – сифат – ясайди ми?

Сўз чегараси ми белгилаш масаласи мазкур нутқ занжирида қанча сўз борлигини аниқлаш жараёнида ойдигилашади. *A l'école* қаби қурилмалар бир сўз ми, икки сўз ми ёки уч сўз ми? Бу муаммонинг ечими грамматик категорияларни тўғри тушуниш билан ҳам, нутқ занжирида сўзни ажратиш имконини берадиган мезонлар билан ҳам боғлиқ.

Мустақил сўз тил бирлиги сифатида, бир томондан, фонетик, грамматик, семантик жиҳатлар билан тавсифланса, иккинчи томондан, француз тилида сўзнинг формал белгилари нутқ занжирида бошқа тиллардагига қараганда кўпроқ сийқаланади

(яъни йўқолади). Шунинг учун ҳам машҳур рус олими А.М.-Пешковский бекорга ҳам сўз чегарасини аниқлашнинг мураккаблигини намоён этиш учун француз тили фактларига мурожаат этмаган.

Фонетик меъзон. Алоҳида олинган (ёрдмчи бўлмаган) сўзнинг фонетик белгиларига урғу бирлиги ҳамда муайян чегаравий ишора (сигнал) киради. Француз тилида *liaison, enchaînement* ходисалари сўзлар орасидаги чегарани йўққа чиқаради, бўғинларга бўлиниш эса сўзлар орасидаги чегараларга мувофиқ келмайди. Урғу ритмик гуруҳнинг охирида, баъзан эса қатор сўзларни боғловчи синтагмага тушади. Бинобарин, француз тилида сўзнинг чегарасини аниқлашда фонетик принцип етарли омил бўлолмайди.

Семантик меъзон. Сўз, одатда, бир тушунчага тенг деб қаралади. *Pierre marche lentement* гапида уч сўз уч лексик маънони ифодалайди. Бирок, француз тилида бир тушунчани англатувчи бирикмалар кўшлаб топилади: *prendre peur, chemin de fer* ва б. Бундай ҳосилаларни Бенвенист *synapsies*, Потье *lexies*, Мартине мураккаб синтагмалар деб атайди. Чунки улар, кўпинча, кўпиб (*justaucorps, bonhomme*), баъзан чизикча билан ёзилади (*arc-en-ciel, pot-de-vin*). Яхлит тушунча сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланади (*comme de terre*). Шунинг учун сўз чегарасини белгилашда бу меъзон ҳам талабларга жавоб бермайди.

Грамматик меъзон. У сўзнинг яхлит (ажратилмасдан) ёзилишига асосланади ва қуйидагиларда намоён бўлади:

– грамматик белги бутун сўзга (унинг қисмларига эмас) тааллуқли бўлади. Масалан, *porte-manteau* ни бир сўз деб ҳисоблаш керак, чунки кўшлик сон кўрсаткичи бутун сўзга тегишлидир: *porte-manteaux*. Бироқ кўшлаб кўшма сўз ва иборалар бу қоидага бўйсунмайди. Шу сабабли уларда морфологик маънолар эркин сўз бирикмаларидаги каби ифодаланади: *bonshommes, choux-fleurs, timbres-poste* ва ш.к. Бу ҳолат, айниқса, феъл бирикмаларда (лексияларда) кенг тарқалган. Қиёсланг: *maintenir - je maintiendrai*, ammo *faire peur - je ferai peur*

хулди *je ferai une promenade* сингари.

– сўзнинг яхлитлиги баъзан сўз чегарасини белгиловчи мезон сифатида ҳам қаралади: Шу сабабли сўз ичига чет элементларни тикиштириш мумкин эмас. *Moulin électrique à café* эмас, балки *monlin à café électrique* тарзида айтиш лозимлигига асосланиб, айрим кишилар *char-à-banc* ёки *arc-en-ciel* каби ҳосилаларни ҳам қўшма сўзлар сирасига киритадилар. Бироқ, бу мезон ҳам унчалик қўл келмайди. Чунки, масалан, *moulin à café* бирикмасидан мазмуний яхлитлиги кам бўлмаган *filet de pêche* каби турли шаклларни ҳосил қилиш мумкин: *filet gris de pêche* ёки *filet de pêche gris* [24 (3 p. 68)]. Бу мезонни грамматик қурилмаларда қўллаш яна ҳам самарасиз: *a fait* бошқа сўзлар билан ажратилиши мумкин: *Il n'a pas encore tout fait*. Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: ё *a fait faire* сўзнинг шакли эмас, балки сўз бирикма ёки сўз чегараларини аниқлашда юқоридаги мезон ишончли эмас;

– сўз ичида морфемалар ўрнини ўзгартиришнинг иложи йўклиги. Бунга кўра, *il fait* – икки сўздир, чунки *Que fait-il?* дейиш мумкин.

Француз тилида сўзнинг аналитик шакли элементларининг ўрни алмашпинмайди. Бироқ бошқа тилларда уларни алмаштириш мумкин. Қиёсланг: рус тилидаги аналитик усул билан ясаладиган шарт майли: *я хотел бы* ва *я бы хотел*.

Шундай қилиб, француз тилида сўз шаклланиши асимметрияси жуда ривожланган: бир неча сўз бир сўз белгиларига эга бўлиши мумкин (масалан, ритмик гуруҳ учун ягона ургу). Иккинчи томондан, бир сўз сўз бирикмасининг тавқки белгиларини олиши ҳам мумкин (қўшма сўзларнинг ажратиб ёзилиши; аналитик грамматик шакллар). Буларнинг барчаси француз тилида сўзни ажратиш масаласи мураккаблигидан далолат беради ва шунинг учун айрим тилшунослар сўз тушунчасини лингвистик бирлик сифатида инкор этади, уни бошқа тушунчалар билан алмаштирадилар: *molécule syntaxique* (Балли), *syntagme autonome* (Мартине), *lexie* (Потье), *espèce* (Галише) ва б. (Бу ҳақда яна қаранг: [15, p.98-104]. Сўз наза-

рияси хусусида француз тилшунослари билдирган фикрларнинг ижобий томони шундаки, улар тил тизимидаги сўз билан нутқ тизимидаги сўзни фарқлашга интилади (сэмантэме ва *molécule syntaxique* (Балли); *monème* ва *syntagme autonome* (Мартине); *morphème* ва *mot* (Дюбуа). Бироқ улардан баъзилари (масалан, Галише) сўзнинг маъноси айни пайтда унинг маълум бир сўз туркумига мансублигини ҳам кўрсатишини инобатга олишмайди. Бунинг устига, француз тилшунослигида содда сўзни мураккаб сўздан, мураккаб сўзни турғун сўз бирикмасидан (*chemin de fer, pomme de terre*), сўзнинг аналитик шаклини эркин сўз бирикмасидан фарқлаш мезонларини аниқлашга ҳаракат ҳам қилинмайди. Структурал грамматикаларда (масалан, Дюбуанинг грамматикасида) *Les enfants avaient mangé des fruits* ва *Les enfants doivent manger les fruits* кабилар бир хил қурилишли гаплар сифатида талқин қилинади. Ҳолбуки, *avaient mangé* бир сўз шакли, *doivent manger* эса икки сўз шаклидир.

Тил қурилиши бирлиги бўлган сўзнинг мавжудлигини инкор қилиш мумкин эмас. Чунки инсон синтагмаларга, бўлакларга бўлинувчи гап ёрдамида ўз фикрини баён қилади. Бироқ у тилни асосий психолингвистик ҳодиса ҳисобланмиш сўзлар ёрдамида ўрганади ва хотирлайди.

39-§. Лексик ва грамматик бирликларнинг структуравий турлари. Лексик ва грамматик маъноларни ифодалашда тўлиқ симметрия лексик маъно мустақил сўзнинг асоси, грамматик маъно эса сўз таркибида ажралмас флексиялар ёрдамида берилганда кўзга ташланади. Бунда сўз ва гап бўлаги, сўзнинг морфологик ва синтактик шакллари бир хил ифода материалига эга бўлади. Масалан, *Pierre marche vite* гапида уч хил гап бўлаги билан ифодаланган учта асосий тушунча бор. Француз тилида лисоний бирликларнинг структуравий, семантик ва грамматик чегаралари кўпича бир-бирига мос келмаслиги сабабли қайд этилган симметрия тез-тез бузилиб туради ва бунинг натижасида лексик планда ҳам, синтактик планда ҳам кузатиш мумкин бўлган оралик структуравий турлар юзага келади.

Лексик планда бирликларнинг қуйидаги структуравий турлари кўзга ташланади:

А. (бир тушунча) – содда сўз: (*un*) *livre, acheter*;

Б. (бир тушунча) – оралик қурилмалар: а) ясама сўз (*acheter*); б) қўшма сўз (*protège-livre, arc-en-ciel*); в) турғун ибора (*pomme de terre, prendre froid*);

В. (икки тушунча) – сўз бирикмаси: *acheter un livre*.

Хар бир сатҳнинг ўз муаммолари бор. Масалан, *porte-clé* сўз бирикмасими, қўшма сўзми ёки ясама сўз? Агар бунда *clé* суффикс бўлса.

Турғун бирикмалар француз тилида катта роль ўйнайди. Уларни баъзан образли сўз ёки иборалар (*locutions verbales, adverbiales, prépositionnelles* ва ш.к.) деб ҳам аташади. Турғун бирикмаларни қўшма сўзлар деб бўлмайди, чунки улар вазифага кўра, содда ёки ясама сўзларга ўхшаса ҳам, қўшма сўз ҳосил бўлиши талабларига жавоб бермайди. Биз уларни таркибли бирликлар деб атаймиз ва шунга асосланиб, таркибли феъллар (*faire part*), предлоглар (*à côté de*), боғловчилар (*alors que*), равиш (*nulle part*) ундовлар (*eh bien*) ва бошқаларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратамиз.

В. Грамматик планда қуйидаги қурилмалар ажратилади:

А. (бир гап бўлаги) сўзнинг синтактик шакли: *Parlez!*

Б. (бир гап бўлаги) – оратик асимметрик қурилмалар: а) сўзнинг аналитик шакли (асос ва ёрдамчи сўз – (*il*) *est venu*); б) гап бўлагининг аналитик шакли (мустақил сўз + ёрдамчи сўз – (*il*) *est étudiant*).

В. (икки гап бўлаги) – эркин сўз бирикма: *Pierre dort*.

Бу ерда ўзаро ҳиссаланганининг ўхшаш муаммоларига диққат қиламиз: (*il*) *vient de partir* ёки (*il*) *fait venir* сўзнинг аналитик шаклини ҳосил қиладими (Ба) ёки қўшма сўзими (Бб); (*il*) *eut un cri* ёки (*je*) *commence à lire* гапнинг бир аналитик бўлагими (Бб) ёки икки бўлаги (В)?

40-§. Грамматик ифода усуллари. Грамматик маъно сўз ичида ҳам (морфологик) ёки ундан ташқарида ҳам (синтактик) ифода-

ланиши мумкин. Маънонинг ҳар қандай ўзгариши сўз талаффузи (ёки нутқнинг график шакли) нинг ўзгариши билан боғлиқ. Омонимия ҳолатлари бундан истисно. Бундай ўзгариш қуйидагиларда намоён бўлади:

1) морфема – мазкур грамматик маънони ташувчи элемент – сўзга қўшилади. Бундай усул агглютинация дейилади. Қиёсланг: *table tables*;

2) морфема сўзнинг бошқа элементини алмаштириб келади. Бунда қуйидагилар ўзаро фарқланади:

а) супплетивизм – сўз ўзгаришининг алмашиши: *pous allons – pous irons*;

б) флексия – бир граммемани бошқаси билан алмаштириш: *allons! – allez!*

в) сўзнинг аналитик шаклидаги ажратиладиган флексия: *Il est allé – je suis allé*;

3) ёрдамчи сўз қўшилади: *L'école – à l'école*;

4) сўз тартиби ва қуршови ўзгаради: *Paul voit Pierre – Pierre voit Paul*;

5) интонация (оҳанг) ўзгаради: *Tu viens?* (савол)

• Юқоридаги 2 усул морфологияга, кейинги учтаси эса синтаксисга тааллуқли. Агглютинация ва флексия кўпинча *флексивлилик* (кенг маънода) ёки *аффиксация* деб номланади.

Қайд этилган бевосита усулларга баъзан билвосита усулни – субститут (ўринбосар сўз) шакллариининг ўзгаришини қўшадилар: *je pense à Pierre – je pense à lui; je pense à ce voyage – j'y pense* (жонли/жонсиз отларни фарқлашди).

41-§. Француз тили флексивлигининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ифода воситаси сифатида, кўпинча, қўшимчаларнинг ўзгариши эмас, балки сўз асоси шакллариининг ўзгариши («ички флексия») қўлланади. Бундай усул қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

– от ва сифатларнинг сони ва родини ифодалашда: *travail – travaux; national – nationaux; grand – grande; anglais – anglaise*;

– феъл тизимида шахс ва сонни ифодалашда: *je mène nous menons; il tient ils tiennent – nous tenons*.

- флексия баъзан супплетивизм билан бирикиб кетади: *un œil – les yeux; il fait – il fit – ils font*;

б) бир сўз парадигмасида ноль ва омоним шакллар микдори жуда катта, айниқса, оғзаки нутқда: *ôrésent* да *parler* феъли ўзining мавжуд олти кўшимчасидан фақат икkitасига эга бўлади.

в) мазкур туркумининг ҳамма сўзлари ҳам морфологик фарқ кўрсаткичларига эга эмас. Рус тилида деярли барча сифатлар родни кўрсатувчи белгиларга эга: -ый, -ая, -ое.

Француз тилида эса кўшаб сифатларда род фарқланмайди (*triste*). Оғзаки нутқда отларнинг фақат кичик бир қисмида (*travail – travaux*) ва *liaison* да род факультатив тарзда намоён бўлади. *Présent* да сон шакллари фақат II ва III гуруҳ феълларида фарқланади (*il finit – ils finissent, il prend – ils prennent*), *subjonctif* ва *indicatif* ҳам нисбатан кам феълларда фарқланади. Француз тили морфологиясининг номунгазам характери бу тилда аналитик тенденцияларни кучайтиради.

42-§. Нутқнинг ёзма ва оғзаки шакллари морфологияси. Барча тилларда нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларининг морфологик маъноларини ифодалашда муайян фарқ бор. Бироқ француз тилида бу тафовут шунчалик кучлики, ҳатто, унда ўзаро фарқланадиган икки морфологик тизим бор дейиш мумкин: бири оғзаки нутқ учун, иккинчиси ёзма нутқ учун. Оғзаки нутқда француз тили флективли-лигининг барча хусусиятлари янада мураккаблашади ва бунинг натижасида морфологик омонимиялар микдорининг ошиши кузатилади. Бу ҳолат род (*bleue, une employée, elle est aimée*), сон (*les enfants*), шахс (*je parle, tu parles*), майл (*il fit, qu' il fit*) категорияларини, ва, ҳатто замон категориясини ифодалашда ҳам кўзга ташланади (аксарият лингвистлар *je parlai* ва *je parlais* шаклларида фонетик тафовут йўқолиб бораётганини қайд этадилар). Морфологик усулнинг ўзини ҳам ҳар хил таърифлашга тўғри келмоқда. Масалан, ёзма нутқда *grand grande* каби сифатларда роднинг ифодаланишини агглютинация деб қараш мумкин. Оғзаки нутқда – бу ички флексия (асоснинг ўзгариши) оқибатидир. Шу каби тафовутлар ҳақида кейинчалик, тегишли категориялар таҳлил қилин-

ганда батафсил гапирилади.

43-§. Мустақил, ёрдамчи ва кўмакчи сўзлар. Француз тилида маъноли элементларнинг тўрт тури мавжуд: а) мустақил сўзлар; б) ёрдамчи сўзлар; (*mots-outils*); в) кўмакчи сўзлар (*mots auxiliares*); г) ажралмас морфемалар. Курилиши жиҳатидан алоҳида ажралиб турадиган биринчи уч категория орасида чегара ўтказиш, айниқса, қийин.

Мустақил сўзлар – тўлиқ луғавий маъноли бирликлар бўлиб, уларга мустақил номинатив функция хос. Мустақил номинатив функция алоҳида гап ҳосил қилиш имконияти билан характерланади. Бироқ француз тили бу ерда ҳам ўзига хос хусусиятни намойиш этади: етакчи сўз туркумлари ҳисобланмиш от ва феъл ҳам, кўпинча, ёрдамчи сўзларсиз гап ҳосил қиолмайди, киёсланг: *Qu'est-ce qu'il fait? - Il lit. Qu'est-ce que tu cherches? Une gomme.* Аммо бошқа ҳолларда айнан шу сўзлар ёрдамчи сўзларсиз ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, буйруқ шаклидаги феълда. Демак, қайд этилган хусусият, умуман, сўзларга эмас, балки уларнинг айрим сўзшаклиларигагина тегишли, холос. Бу фикрни *lire, gomme* ларнинг мустақил сўзлар эканлиги ҳам тасдиқлайди.

Ёрдамчи сўзлар морфемалар каби мустақил номинатив функция бажармайди. Бироқ улар, морфемалардан фарқли ўларок, мустақил сўз таркибига қирмайди ва унинг морфологик шаклини ҳам олмайди. Аммо ёрдамчи сўзлар сўзнинг синтактик шакли унсури бўлиши, яъни сўз билан бирга ягона гап бўлагини ташкил қилиши мумкин. Ёрдамчи сўзлар гап бўлаги, сўз бирикмаси ёки, умуман, гап сатҳида синтактик характердаги грамматик функция бажаради. Буларга артиклар, предлоғлар, боғловчи ва бошқалар қиради (бу ҳақда яна қаранг: 54-§).

Кўмакчи сўзлар (Вспомогательные слова) сўзнинг грамматик шакл таркибидаги ажратиладиган қисмларидир, бинобарин, улар бошқа сўзнинг аналитик шакли таркибига ҳам кириши мумкин: Бунга қуйидагилар қиради: тусловчи кўмакчи феъллар (*j'ai fait; il est; il va venir; il vient de venir*); *se* ўзлик юкламаси (*se lever*); *en* равишдош юкламаси (*en marchant*).

Айнан бир хил товушлар мажмуи мустақил, ёрдамчи ва кўмакчи сўз вазифаларда ҳам келиши мумкин:

Сўз:	<i>Avoir</i>	<i>Être</i>
мустақил	<i>Il a une sœur</i>	<i>Je pense donc je suis</i>
ёрдамчи	<i>Il a à faire ce travail</i>	<i>Je suis ingénieur</i>
кўмакчи	<i>Il a fait ce travail</i>	<i>Je suis venu.</i>

Биринчи гапларда *avoir* ва *être* феъллари мустақил равишда гап бўлагини, иккинчи гапларда бошқа сўз билан бирга, аммо унинг таркибига кирмасдан, гап бўлагини ҳосил қилса (*a à faire, suis ingénieur*), учинчи гапларда айнан шу феъллар сўзнинг яхлит грамматик шакли таркибига киради (*a fait; suis venu*).

44-§. Аналитик шакллар (АШ) тил асимметриясининг ёрқин намоён бўлишидир. Икки элементнинг ташқи жиҳатдан эркин бирикмага ўхшаб кетадиган бириктириш бир сўз шакли функциясини бажаради. АШ муаммоси грамматиканинг энг мураккаб масалалари сирасига киради. Бу бирикмани аналитик шакл деб эътироф этиш сўз чегараларини аниқлаш ва тилда мазкур грамматик категориянинг мавжудлигини тан олиш билан боғлиқ. Бироқ биз бунда аниқ таснифлаш қийин бўлган кўплаб мунозарали ёки оралик ҳолатларга дуч келамиз. Чунки синтаксис билан морфология орасида у ёки бу даражада морфологизацияга учраган турли конструкция ва оборотларнинг катта бир қисми жойлашган. Бу қисм синтаксиснинг ҳам, морфологиянинг ҳам қуйи элементи деб ҳисобланиши мумкин: баъзан уларни преморфологик конструкциялар деб ҳам аташади [30]

АШ билан боғлиқ асосий муаммолар қуйидагилар:

1. АШ, ҳатто, *avoir fait* каби бирикмаларда ҳам феълнинг морфологик шакллари сифатида келиши хусусида ҳам шубҳалар билдирилмоқда. Масалан, айрим тилшунослар *avoir* феъли бу ерда ўз маъносини умумлашган тарзда сақлаган («сифатнинг кўшилиши»), сифатдош эса унчалик «таранг бўлмаган ҳаракатни», ҳолатга яқин маънони ифодалайди деб ўйлаб, у сўз шакли эмас [4], балки эркин бирикмадир (*avoir un frère*

типидаги) деб ҳисоблайдилар. Я.Шабрипула [30] бу конструкцияни морфология ва синтаксис оралиғида турган «преморфологияк» куришмалар қаторига киритади. Аксарият муаллифлар француз тилида АШнинг мавжудлигини тан оладилар.

2. АШ компонентлари ўртасида *лексик ва грамматик маъноларнинг тақсимилашиши*. Бу шакл ёрдамчи (*auxiliary*) ва мустақил қисм (*main*) деган иборат. Теньер, Гийом ёрдамчи сўз грамматик маънони, мустақил сўз эса лексик маънони ташвиқ қилиб, деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлса, идиоматик ва нонидиоматик аналитик шаклларни фарқлашга тўғри келади.

Идиоматик шаклларда бутуннинг маъноси бевосита қисмлар маъносидан келиб чиқмайди. Ҳозирги замонда келган *avoir* шакли ўтган замонда содир бўлган фаол ҳаракатни ифодаловчи шахс-сон шаклининг ҳосил қилади: *Ils ont tué six hommes*. Улар олти кишини отиб ўлдирдилар. Шу шаклни қуйидаги эркин сўз бирикмаси билан қиёсланг: *Ils ont six hommes tués*. Уларда отиб ўлдирилган олти киши бор. Бу гапларда *ont* ҳозирги замон маъносини, *tués* эса мажхул сифатдош маъносини сақлаб қолган. *Passé composé* нинг морфологияк белгиси «узук-узук морфема»-лардир (*il*) *а* (*tu*) *é* (*ai...é, as...é, avons...é* ва ш.к. Грамматик ва, ҳатто, лексик маънони ифодалашда ҳам АШнинг ҳар иккала компоненти иштирок этади [9, V. II].

Нонидиоматик АШда (масалан, *se laver*) маъно бевосита компонентларнинг маънолари асосида шаклланади. Айрим олимларнинг фикрича, нонидиоматик конструкцияларни АШга киритмаслик керак.

3. АШ белгилари. Француз тилшунослари ёрдамчи сўз белгиларини топишга ҳаракат қилганлар. Элемент *маънонинг ўзгариши* унинг ҳақиқий белгисидир. Масалан, келтирилган мисолда *ont* шакли ўз маъносини ўзгартирган. *Il vient de manger (passé immédiat)* гапида феъл *Il vient manger* (У овқатлангани келди) гапидагига қараганда бошқа маънога эга. Бироқ сўз маъносининг ўзгариши морфологияк характерга эга бўлмаган перифразаларда ҳам кузатилиши мумкин. Шаклнинг *уюшганлик* белгиси ҳам ҳамisha етакчи бўлавермайди. Масалан, *Il a parlé* гапи ичига жадалликни ифодаловчи ҳолни (*Il a*

beaucoup parlé) ва, ҳатто, олмош-тўлдирувчини (*Il a tout dit*) киритиш мумкин. Бироқ, масалан, *Il a ici parlé* дейиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, унчалик грамматиклашмаган бирикмалар ўз ичига қуйидаги элементни ҳам киритмайди: *Il a pu beaucoup travailler*. Бенвенист «ёрдамчилик» белгилари орасида сўзнинг ўзи билан ўзи бирга келмаслигини ҳам қайд этади. Дамурет ва Пишонлар, аксинча, бунда ёрдамчи сўзнинг энг муҳим белгиларини кўради, чунки мазкур ҳолатда унинг тўлиқ маъносизланиши (десемантизацияси) яққол намоён бўлади. Қиёсланг: *Il a eu; vient de venir; Il va aller à la poste*. Вироқ бундай такрор, одатда, аналитик шакллар қаторига қирмайдиган конструкциялар учун ҳам характерли: *Il n'arrive pas à arriver; il doit me devoir cent francs; On ne peut rien pouvoir*. Кўринадики, «ёрдамчилик»нинг ва, бинобарин, сўз аналитик шаклининг барча ҳолатлар учун муштарак бўлган ягона мезонларини ишлаб чиқишнинг иллати йўқ. Шунинг учун масалани алоҳида, мазкур сўз туркуми ва тилнинг умумий тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ечишга тўғри келади. Чунки диалектик мантикка кўра, қисмини фақат бугун асосидагина тўлиқ тушуниш мумкин.

4. *AIII рўйхати*. Одатда, *AIII*га мураккаб: *Il a fait, il est venu*; мажхул шакллар: *il est aimé*; иммедиаат замонлар: *il va (vient de) faire*; ўзлик шакл: *se laver*; равишдош: *en marchant*; қиёсий даражалар (*le*) *plus (moins) grant*, шунингдек, турли ҳодисалар ҳам ихтиёрий тарзда киритилади. Бунинг устига, қўшлаб француз олимлари кўмакчи сўз ва ёрдамчи сўз, бинобарин, сўзшакл ва гап бўлаги ўртасида аниқ чегара қўйишга ҳаракат ҳам қилмайдилар. От тизимидан *AIII*га баъзан отнинг артыкъл билан (*la table, une table*) ва, ҳатто, бошқа детерминативлар (*ma table, cette table*) ва предлог (*de la table*) билан ҳосил қилинган бирикмаларини ҳам киритадилар. Фейл тизимига нисбатан эса қарама-қарши билдирилган фикрлар, айниқса, кўп. Бенвенист замоннинг (*il a fait*), нисбатнинг (*il est fait*) ва майлнинг (*il doit faire, il peut faire*) ёрдамчи элементларини ўзаро фарқлаган.

Грамматик трансформацион методлар, Решетовнинг [29 (1,

р.107)] таъкидлашича, модал феъл ўзини ёрдамчи *avoir* га нисбатан бошқача тутиши, шунинг учун француз тилида модал маъно ифодаловчи ёрдамчи феъл йўқлигини кўрсатади. Дамурет ва Пишонлар ёрдамчи феълларга *être, avoir, faire, voir, laisser* ва, ҳатто, *penser* ни ҳам киритишган. Ва ниҳоят, А.Боннор «auxiliaires» га нафақат *je suis aimé, il est venu, il a déjeuné* каби ларни, шунингдек, турли перифразаларни (*Ça doit arriver; Ils étaient en train de parler, il est à se promener etc.*) ҳам киритади.

Бу фактлар аналитик сўз шакли билан гапнинг аналитик бўлаги орасига чегара қўйиш ғоят қийин эканлигидан далолат беради. Француз тилида АШ муаммоси айрим феъл комплекслари (191, 258-§), артиклии от бирикмалар (61-§), қиёсий даражалар (145-§) билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

45-§. Француз тили аналитизми. Грамматик қурилишда аналитизм қуйидаги икки ҳодисада намоён бўлади:

1. *Сўзнинг ўзгармаслиги*: Грамматик маънолар сўзда эмас, балки ундан ташқарида – ёрдамчи сўзлар қуршови кўмагида ифодаланади. Масалан, отнинг синтактик шакли рус тилидаги каби келишиқ кўшимчалари билан эмас, балки предлог ва қуршов, сўзнинг гапдаги ўрни билан ифодаланади: Қиёсланг: *Paul parle* (эга); *On appelle Paul* (воситасиз тўлдирувчи); *On parle de Paul* (воситали тўлдирувчи). Француз оғзаки нутқида, кўпинча, сўзнинг морфологик категориялари ҳам ўз қуршови ва ёрдамчи сўзлар билан аниқланади. Масалан, *un livre – des livres; un livre – une livre* каби ларда отнинг роди ва сони артикль шаклига кўра белгиланади. Бироқ, бундан улбу ёрдамчи сўзлар мазкур грамматик маънони ифодалайди ва улар сўз шаклига киради, деган хулоса чиқармаслик керак. Грамматик омонимия ҳолатида бўлган ёрдамчи сўзлар рус тилидаги *без тетради* ва *в тетради* каби бирикмаларда отнинг морфологик шакли таркибига кирмайдиган предлоглар (без, в; улар синтактик шакл таркибига киради) қаратқич ва тушум келишигини фарқлаш имконини бергани сингари категорияни аниқлашга хизмат қилади.

2. Ўзаро ажратиладиган бир неча бўлақлардан ташкил топувчи сўзшаклнинг бўлиши. Аналитизмнинг бу кўриниши за-

мон, нисбат, равишдош, ўзлик категорияларини ифодалашда намоён бўлади (44-§га қаранг). Бунда компонентлар ўрнини алмаштирилмайди.. Шаклларнинг бириктиш даражаси ҳам ҳар хил. Компонентларни феълнинг фақат нисбат ва замон шаклларидагина ажратиш мумкин (*Il a beaucoup fait; Il est régulièrement invité à ces réunions*). Ўзлик шакл-да эса бундай ажратиш нисбатан кам кузатилади (фақат феъл олди олмошларигина унинг орасига кириши мумкин: *Il se le permet*). Аналитизмни баёй қилинган тарзда анъанавий тушуниш фақат ифода плани хусусиятларига асосланган. Аналитизм ҳақидаги бошқа фикрлар Баллида учрайди. Бунда у ифода плани ва мазмун плани муносабатига асосланган ҳолда иш кўрган. Балли аналитизмга ифодаловчи ва ифодаланмишларнинг ўзаро бир хил муносабатлари симметриясининг барча кўринишларида киритган. Симметрия (мутаносиблик) синтагматик аспектда бир чизик бўйлаб жойлашишга (*linéarité*), парадигматик аспектда эса моносемияга асосланади. Синтез, Баллига кўра, симметриядан чекиниш бўлиб, у дистаксия (чизик бўйлаб жойлашиш, синтагматик параллелизмларнинг бузилиши) ва полисемия (моносемиянинг бузилиши) ни ўз ичига олади. Синтез деганда, «фарқлаш лозим бўлганда фарқламаслик ва бирлаштириш лозим бўлганда ажратиш» [2, 204-6.] тушунилади. Аналитизмнинг турлича талқин этилиши айнан бир фактни турлича таснифлашга олиб келди. Масалан, *grandes* каби шакллар анъанавий нуқтаи назардан синтетик, Балли нуқтаи назаридан эса аналитик шакллар (-е ж. родни, -s кўшликни ифодалайди) ҳисобланади. Баллига кўра, *j'ai fait* шакли ҳам синтетизмнинг бир кўринишидир (аслида бу дистаксия ҳодисаси бўлиб, икки ифодаловчи бир маънони англатади). Флексиянинг тушиб қолиши (масалан, *Marche!*) ҳам синтетизмнинг бир кўринишидир, чунки бунда ифодаловчи йўқ. Баллининг аналитизм ва синтетизмни тушунишини уларни анъанавий тушуниш билан қиёслаш шуни кўрсатадики, айнан бир хил атамалар турли фактларни ифодалашда қўлланган. Бироқ ҳар икки назария ҳам тилнинг реал ва муҳим томонларини акс эттиради («соф ҳолда»ги шакллар структураси ҳамда шакл ва маънолар муносабати).

RÉSUMÉ

1. La catégorie grammaticale représente l'unité dialectique de la valeur grammaticale et de la forme grammaticale. La valeur grammaticale se manifeste par l'opposition de deux ou plusieurs significations catégorielles; sur le plan de l'expression elle se reflète, quant à la catégorie morphologique, dans le changement de la forme du mot ou, pour les catégories syntaxiques, dans celui de l'ordre des mots, de l'intonation ou dans l'emploi des mots-outils.

2. A la base de toute catégorie grammaticale se trouve une opposition de sens doublée d'une opposition de formes. La binarité est le minimum sémantique d'une catégorie grammaticale, qui peut, cependant, comprendre plusieurs oppositions (catégories ternaires, etc).

Par rapport à la réalité extralinguistique, on distingue les catégories sémantiques (subjectives et objectives) reflétant les phénomènes de la réalité, et les catégories non-significatives, asémantiques remplissant uniquement une fonction de structure.

Par rapport aux classes de mots, on distingue les catégories classificatoires et modificatoires. Parmi ces dernières s'opposent les catégories purement grammaticales s'étendant à tous les mots de la même classe, et les catégories lexico-grammaticales qui n'affectent qu'une partie des mots d'une classe.

3. La valeur grammaticale diffère de la valeur lexicale par les traits suivants: a) fonction nominative non-autonome; b) sens abstrait catégoriel; c) extension à une grande série de mots; d) caractère obligatoire pour une classe (ou série) donnée de mots; e) référence constante du mot; f) caractère fermé du système.

4. L'interaction sémantique et fonctionnelle entre le lexique et

la grammaire se manifeste par leur interaction proprement dite ou leur compensation réciproque. On y relève notamment: a) restrictions imposées par le lexique à l'emploi des formes grammaticales; b) modification de sens lexical sous l'effet des formes grammaticales; c) grammaticalisation des éléments lexicaux; d) lexicalisation des éléments grammaticaux. La grammaticalisation suit la désémantisation du lexème, celle-ci étant facilitée par le sens large du mot, son emploi transitif ou redondant, par la présence des formes de suppléance.

5. L'aspect formel de la catégorie grammaticale est lié au problème des limites du mot, difficiles à établir en français. Les critères phonétiques, sémantiques, structuro-grammaticaux ne suffisent pas, à eux seuls, à délimiter le mot. D'où les tentatives d'exclure le mot de la description linguistique (Bally, Martinet, etc). Mais le mot reste la notion fondamentale de la science linguistique; il faut seulement faire la distinction entre la forme analytique d'un mot et une combinaison de mots.

6 Sous l'aspect grammatical, il importe de différencier: a) le mot de forme synthétique; b) la forme analytique du mot: mot auxiliaire (leu morphème autonome) + élément de mot indépendant; c) la forme analytique du terme de proposition: mot-outil + mot indépendant; d) la combinaison de deux termes de proposition.

7 Les moyens de l'expression grammaticale en français sont: la flexion, l'agglutination, la suppléance, la flexion détachable (mot auxiliaire). L'environnement et l'emploi des mots-outils sont des procédés d'ordre syntaxique. La flexion en français manque de régularité. Le français emploie beaucoup de formes analytiques.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

46-§. Умумий ҳолатлар. Тилда сўзлар ўзаро нафақат конкрет (луғавий) маънолари билан, балки грамматик хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Сўз туркумлари (СТ) – умумий семантик ва грамматик хоссалари билан фарқланувчи сўзларнинг энг катта гуруҳларидир. Улар уч – семантик, морфологик ва синтактик – белги йиғиндисига кўра гуруҳланади ва а) умумий категориал маъноси (масалан, *chien, garçon* сўзлари мавжудотларни, объектларни; *dort, vient, mange* ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди); б) грамматик шакли (яъни грамматик категориялар мажмуи, масалан, *chien, garçon* сўзлари жинс категориясига эга, сонда ўзгариши мумкин; *dort, vient, mange* жинс категориясига эга эмас, аммо сон, шахс, замон, майл маъноларини ифодалайди); в) синтактик функцияси (*chien, garçon* эга; *dort, mange* кесим вазифаларини бажариши мумкин) тавсифланади.

Сўз ясовчи суффикс ва, умуман, сўз ясовчи воситалар СТнинг кўшимча белгиси бўлиши мумкин. Масалан, *-tion* кўшимчали сўзлар от, *-iste* кўшимчали сўзлар от ёки сифат ва бошқалар бўлиши мумкин.

47-§. Сўз туркумлари муаммоси. Француз грамматикасида СТ хусусидаги баҳс қуйидаги масалалар атрофида олиб борилмоқда: 1) СТни ажратишнинг зарурияти; 2) СТ рўйхати; 3) СТро иерархия (поғонали жойлашиш); СТга ажратиш тамойиллари.

СТ назариясига доир фикрлардаги тафовутлар, асосан, объектив сабаблар билан изоҳланади. СТ қатъий бўлмаган тизимни ҳосил қилади ва қуйидагиларда намоён бўлади: а) оралик шаклларнинг мавжудлигида (сифатдош ўзида *V* ҳамда *A*, детерминатив эса *A* ва *Prôn* белгиларини мужассамлаштирган; б) сўзларнинг доимо бир СТдан иккинчисига ўтиб туришида (бирок бу жараён кўпинча тугалланмаган бўлади. Шу боис сўзларни турлича тавсифлаш мумкин); в) айрим конструкция ва ибораларда

СТ белгиларининг нейтраллашуви (масалан, феъл-боғламада *N* ва *A* орасидаги фарқлар нейтраллашади. Қиёсланг: *Il est comédien; Il est bien*. Сўзларни у ёки бу СТга ўтказишдаги иккиланишлар луғатларда ҳам ўз аксини топади. Масалан, *il fait froid* иборасидаги *froid* сўзини айрим луғатлар *N* га, бошқалари *A* га (*Il fait bien* га монанд тарзда), учинчиларини эса равишга тааллуқли деб кўрсатишади.

Гетенинг қуйидаги фикрини сўз туркумларига ҳам бемалол қўллаш мумкин: «...». Таснифнинг қайси тури таклиф этилмасин, бирорта ҳам туркумга кирмайдиган элементлар доимо топилиб туради. Масалан, *voici* ва *voilà* сўзлари ўз белги-хоссаларига кўра, бирорта сўз туркумига ҳам киритилмаслиги мумкин. Аммо икки сўз учун алоҳида туркум ясаш амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмагани сабабли уларни бошқа-бошқа туркумларга киритадилар (327-§ га қаранг).

48-§. Сўз туркумларини ўзаро фарқлаш хусусида. Сўзларни туркумларга ажратишнинг мураккаблиги айрим тилшунослар учун бу тушунчадан воз кечиншга асос бўлмоқда. Масалан, Брюнонинг фикрича [11], маъкур тушунча схоластика бўлиб, ундан тезроқ қутилиш даркор. Агар биз Брюнонинг «грамматик шаклдан тозаланган» тушунчалар – предметлар, белгилар, ҳаракатларни ономасиологик грамматикага асос қилиб олганлигини, уларнинг ифода шакли (от, сифат, феъл) иккиламчи роль ўйнаши мумкинлигини эсласак, унинг бу фикрини тушуниш қийин эмас.

Иккинчи томондан, СТ тушунчаси структурал грамматиканинг баъзи йўналишлари учун кераксиз бўлиб қолди, чунки у бу ерда «функционал синф» тушунчаси билан алмаштирилади. Сўзнинг муайян туркумга («функционал синфга») мансублиги унинг лексик маъносининг бир қисми сифатида эмас, балки грамматик категорияси тарзида талқин қилинади. *Lent – lentement – lenteur – ralentir* каби шакллар ҳар хил сўзлар эмас, аксинча, бир сўзнинг турли шакллари («лексемалари») деб қаралади.

Баъзан СТ, энг аввало, сўзлар мажмуи эканлиги инобатга

олинмайди ва шунинг учун умумий таснифга сўздан кичик бирликлар (морфема) ҳам, сўздан катта бирликлар (сўз бирикмаси) ҳам киритилади. Масалан, Гиро [22 (2, 14-16) «элементар сўз туркумларнинг» тўрт синфини кўрсатади: ўзак лексемалар (N, V, A, D), олмошлар, морфемаларни ўзгартувчилар (детерминативлар, флексиялар), морфемаларни боғловчилар (предлоглар, боғловчилар). Бу ерда, кўринадики, сўзлар эмас, балки тилнинг барча маъноли бирликлари (монемалар) таснифланган. Потье [28 (1, р.275] бу бирликларнинг ҳаммасини «морфем синфларга» бирлаштиради. Улар орасида боғли (аффикслар) ва эркин (сўзлар) бирликлар фаркланади. Эркин бирликлар (яъни сўзлар) уч гуруҳга бўлинади: лексем категориялар (N, V, A), юкламалар (ёрдмчи сўзлар, айрим равишлар), субститулар («ўринбосарлар»), жумладан, олмошлар.

Сўзни грамматик системадан чиқариб ташлаган Мартиннинг СТ тушунчасини инкор этиб, уш (яъни СТ ни) «синфлар» билан алмаштиргани мантиқан тўғри. Ҳар бир синф маънодор бирликларни – бир хил дистрибуцияга (валентликка) эга бўлган монемаларни бирлаштиради. Шу тариқа 20 дан ортиқ синф, шу жумладан, от, отнинг актуализаторлари, сон, феъл, замон, майл, тур, предлог ва бошқалар кўрсатилади. Бироқ «ядровий синфлар» (от, олмош, феъл, сифат ва б.) ва ядровий синфларга қўпиладиган сўз ўзгартувчилар (замон, тур, нисбат, сон ва ш.к.) ўзаро фаркланади. Ядровий синфлар тушунчаси, умуман олганда, СТ тушунчасига яқин.

Баъзи муаллифлар [35] сўзларни фикр ва унинг унсурлари турларига асосланиб таснифлашни таклиф қиладилар. Бироқ бунда етакчи номинатив СТ (N, V, A, *Pron*) ўзгаришсиз қолдирилиб, фақат равиш ва юкламаларгина қайта кўриб чиқилади.

Антик грамматикадан мерос сифатида ўтиб келаётган «сўз туркумлари» (*лат. partes orationis*) терминидан қоникмаган айрим тилшунослар унинг ўрнига бопқа атамаларни таклиф қиладилар: *parties de langue* (Гийом), *catégories lexicales* (Балли), *espèces de mots* (Теньер), *classes grammaticales* (Дюбуа),

espèces grammaticales (Галише, Гиро), etc.

Бирок, сўз туркумлари (улар қандай ном билан аталмасин) тилда сўзлар орасидаги реал фарқларни акс эттиради ва шунинг учун ҳатто уларни тан олмайдиган грамматистлар ҳам, айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, тақлиф қилинаётган таснифларда сўз туркумларининг аъъанавий тизимини келтирадилар.

49-§. Сўз туркумлари рўйхати. Турли ишларда сўз туркумлари тарзида от, отнинг детерминативлари (актуализаторлари), артикль, сифат, сон, олмош, феъл, феълнинг актуализаторлари (феъл олди олмошлар), равиш, предлог, боғловчи, ундов сўзлар, юкламалар, сўз-гаплар (*Ҳа, Йўқ* типидagi) қаралади. СТ умумий сони 7 тадан 12 тагача қайд этилади.

Барча классификация (тасниф)ларда фақат N ва V ўзгаришсиз келтирилади. Қолган СТ ё бошқалари билан бирлаштирилади ёки чегаралари турлича кўрсатилади. Улар орасидаги энг муҳим тафовуслар қуйидагилар:

– сонлар: а) улар алоҳида сўз туркуми сифатида қаралади (масалан, санок сонлар); б) детерминативларга ёки в) сифатларга киритилади;

– детерминативлар: а) алоҳида сўз туркуми ҳисобланади; б) сифат ёки в) олмош таркибига киритилади; г) от билан бирга таснифланганда, унинг актуализаторлари деб қаралади;

– артикль: а) алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилади; б) детерминативлар синфида ўрганилади; в) отнинг морфемаси тарзида қаралади; г) олмошга киритилади (Дюбуанинг «Структурал грамматика»сида).

– юкламалар: а) алоҳида сўз туркуми саналади; б) ундов сўзлар ва равишлар ўртасида тақсимланади;

– сўз-гаплар (*oui, non, etc*): а) равишлар ичидаги алоҳида гуруҳ деб қаралади; б) ундов сўзлар билан бир қаторда сўз-гаплар гуруҳига киритилади [32].

Сўзнинг кўрсатилган гуруҳлари таснифига биноан бошқа сўз туркумларининг чегараси ҳам ўзгариб кетади:


– сифатлар. Агар сифатларга детерминатив ва сонлар

кўшилса, уларнинг доираси кенгайди;

– олошлар. Уларга детерминативлар киритилса, чегаралари кенгайди. Бундан ташқари, айрим тишуносларнинг фикрича [11], *je, tu, il* ва ш.к. шакллар тусловчи қўшимчалар бўлиб, феъл таркибига киради;

– равишлар. Уларга, кўпинча, бошқа сўз туркумларига қирмайдиган барча ўзгармас сўзлар (юклама, сўз-гашлар; Лебидуа [25] равишга предлогларни ҳам қўшади) бирикади.

50-§. Сўз туркумлари иерархияси. Одатда, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари фарқланади. Тўрт асосий туркум (N, V, A, D) тизимида иерархия (поғонали жойлашш) нинг қуйидаги уч тури кузатилади:



Биринчи ҳолатда (Галише) феъл ва от эга ва кесим вазифасини бажарувчи ҳамда, шунга кўра, ёрдамчи сўзлар билан аниқланувчи тенг ҳуқуқли, икки асосий сўз туркуми сифатида қаралади.

Иккинчи ҳолати (Гийом) от тафаккурнинг мустақил предметини, феъл ва сифат шунда предметнинг белгисини, равиш эса белгининг белгисини ифодалашга асосланилган.

Учинчи нуктаи назарга кўра (Теньер), гапда марказий элемент феъл ҳисобланади, чунки у предикативлиликнинг ифодаловчиси ҳисобланади. Шунинг учун от (эга ёки тўлдирувчи) унга бўйсунди.

Бу назарияларнинг ҳар бири сўз туркумлари орасидаги муносабатларда реал мавжуд бўлган муҳим белгилардан бирини олдинги планга олиб чиқади.

51-§. Сўзларни туркумларга ажратиш тамойиллари. Антик даврга бориб тақалувчи анъанавий грамматикада сўзлар туркумларга, энг аввало, морфологик хусусиятларига кўра ажратилган ва шунга асосан турланувчи, тусланувчи ҳамда ўзгармайдиган сўзлар ўзаро фарқланган. Француз тилида аналитизм кучли бўлганлиги сабабли сўзларнинг морфологик белгилари у қадар аниқ-тиниқ намоён бўлмайди. Шу боис сўзларни туркумлашда ё уларнинг семантик-магниткий мазмунига ёки дистрибуциялари хоссаларига асосланган. Қуйида айрим тилшуносларнинг қарашларини кўриб чиқамиз.

1. Асосан *семантик* мезонга таянувчи назариялар. Балли [2, 128-130-б.] сўзларни туркумларга (у сўз туркумларини *лексик категориялар* деб атаган) ажратиш учун асос қилиб, уларнинг умумий маъносини олади: от предметни, феъл процесс (ҳаракат, ҳолат ва ш.к.) ни, сифат ва равиш ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини ифодалайди. Бироқ гап бўлақларини фарқлашда, шунингдек, уларнинг грамматик шакллари (актуализация кўрсаткичлари) ва гапдаги функциялари ҳам қатнашади. Масалан, от фақат сифат ёрдамида аниқланади, сифат эса отнинг аниқловчиси вазифасини бажаради. Лексик категорияларга, бир томондан, ундов сўзлар, иккинчи томондан эса, грамматик кўрсаткичлар (боғламалар, предлоглар, боғловчилар, актуализаторлар, шунингдек, флексиялар). Уларнинг вазифаси – синтагма ва гап ҳосил қилишдан иборат.

Галише [16] ўпа ғояни ривожлантириб, сўзларнинг 4 категориясини кўрсатади:

асосий СТ: от (субстанцияни ифодалайди) ва феъл (процесс)ни ифодалайди);

тобе СТ: сифат (субстанцияни тавсифлайди ва аниқлайди), равиш (жараёни тавсифлайди ва аниқлайди);

– боғловчи СТ: боғловчи ва предлоглар;

– сўз туркумлари кўрсаткичи: артикль (отнинг кўрсаткичи) ва оломон (феълнинг кўрсаткичи).

Шу тариха сўз туркумларининг 8 тури кўрсатилади. Маз-

кур таснифнинг ижобий томони – унда сўз туркумлари иерархиясининг берилгани, мустақил сўз туркумлари ичида асосий ва тобе, ёрдамчи сўз туркумларида боғловчи ва актуаллаштирувчи туркумларнинг фаркланганидир. Таснифнинг камчилиги шундаки, унда барча сўзлар камраб олинмаган: олмошни Галише сўз туркуми деб эмас, балки от ёки феълнинг грамматик категорияси сифатида қарайди, ундов сўзлар ва юкламаларни у инобатга олмайди. Шу билан бир қаторда, у ҳам Бабли каби СТ тизимининг қатъий эмаслигини, сўзнинг бир синфдан иккинчисига ўтиб туриши мумкинлигини таъкидлайди.

2. Асосан *формал* синтактик белгиларга асосланувчи назариядир.

Гиро [22] сўзларни туркумлашда семантик мезонни инкор этади. У от субстанцияларни, феъл жараёнларни ифодалайди ва ш.к. деган фикрни нотўғри деб ҳисоблайди. Мисол учун *la vérité, le bleu, la course, le chant, le pour, le contre* сифатни (качество) ҳам, процессни ҳам, муносабатни ҳам ифодалайди. Улар *le chien, le chat* каби ҳақиқатан ҳам мавжудотларни (кенпроксубстанцияни) ифодалаганликлари, кўплик сон белгиларини олиши мумкинлиги, эга функциясида келиши ва ш.к.лар учунгина от туркумига киритилади. Бянобарин, «от» термини дудмол. От-маъно (предметни ифодалаш) ҳамда от-шаклни (масалан, *chant* сўзи шаклан от, маъносига кўра феълдир) ўзаро фарқлаш керак. Грамматика формал категориялар билан иш кўради. Шунинг учун сўз туркумларини Гиро *espèces grammaticales* деб атайди. У сўзларни туркумларга ажратишда синтактик алоқаларнинг ролини таъкидлайди [Қаранг:22 (2)].

Гиро назариясининг ижобий томони шундаки, у сўз туркумларининг семантик ранг-баранглигини («ҳақиқий» ва «формал» отлар) қайд этади. У, шунингдек, сўзларни туркумлашда қуршовнинг ролини ҳам тўғри белгилайди. Агар фақат дистрибутив таҳлилга таянилса, А.Мартине назариясида бўлгани каби, сўз «йўқолиб қолади». Шунинг учун у сўзни монема билан алмаштиради, чунки монема сўз ҳам, флексия ҳам бўлиши мум-

кин. Бунинг натижасида сўз туркумлари таснифи масаласи барҳам топади. Айнан шу ҳолатни биз Гиронинг мазкур ишида кузатамиз.

Соважо [36 (2)] сўз туркумларининг сўз маъносига асосланувчи анъанавий назариясини танқид қилиб, таснифга асос сифатида соф формал-дистрибутив белгини, жумладан, мазкур сўздан олдин келувчи ёрдамчи сўзнинг характери олиш лозимлигини таклиф қилади. Қиёсланг: *unc part* – от; *il part* – феъл. Шу тарзда у сўзларнинг учта катта синфини кўрсатади:

– *исмлар*: а) от; б) сифат. N белгиси – детерминатив қўлланимаса, N шаклан А дан фарқ қилмаслиги мумкин. Қиёсланг: *Elle est vendeuse* ва *Elle est furieuse*.

– *феъллар* (субъект кўрсаткичлари – *je, tu, etc.* улардан олдин келади). Императивда феъл шаклан отга ўхшайди. Қиёсланг: *marche!*

– *юкламалар*: а) отнинг детерминантлари (артиклъ ва кўплик сондаги сифатлар); феълнинг детерминантлари (*je, tu, me, etc.*); в) бошқарувчилар (предлог), бирлаштирувчилар (боғловчи).

Соважо классификациясиёнинг ижобий томони унда мустақил ёрдамчи сўзларнинг фарқланганидир. Аммо у алоҳида қуршовга эга бўлган оломош, равиш ва ундов сўзларни инкор этади. Характерли томони шундаки, анча объектив мезонлардан фойдаланган Соважо ҳам, пировард натижада, ўзи танқид қилган анъанавий таснифга анча яқинлашади.

Гард [46] сўз туркумларини бошқа синтактик белги – гапда сўзлар функцияларининг ўзаро тобе муносабатда бўлишига қараб фарқлашни таклиф қилади. Бу принцип унга равишларни объектив тарзда учта ҳар хил гуруҳга бўлиш имконини берган бўлса-да, аммо унинг универсал характерда эмаслиги кўриниб қолди. Натижада оломош ва сонни синтактик мезонлар асосида туркумлашга тўғри келмоқда.

3. *Семантик ва формал* белгиларни бирлаштирувчи назариялар. Дамурет ва Пишон [12, т. I, р.88-110] «сўз туркуми» атамасидан бош тортиб, сўзларнинг икки тушунча (*категория*

ва синфлар) ўзаро кесишган нуктаси билан белгиланадиган таснифини тақлиф қилишган. Категориялар ўзаро умумий маъно ва семантик функцияси билан фарқланади. Уларнинг сони тўртта: марказий-фактив (ҳодисани ифодалайди) ва субстантив (субстанцияларни ифодалайди), ёрдамчи-адъектив (субстанция белгисини ифодалайди) ва аффектив (ҳодиса, белги (сифат) ларни ифодалайди). Бу категориялар семантик нуқтаи назардан етакчи сўз туркумларига (N, V, A, D) мос. Асосий фарқ «фактив» категориясига тааллуқли: у феълга тенг эмас, бироқ гапнинг бош, предикатив тушунчасига яқин элементини ифодалайди. Бу – «гапнинг фактни худди-мавжуддек кўрсатишга қодир бўлагидир».

Синф тушунчаси сўзларнинг гап ҳосил қилишдаги ролига дахлдор. Учта синф ўзаро фарқланади: струментлар (*struments*) – грамматик характердаги қурувчи сўзлар (ёрдамчи сўзлар, оломош ва юкламалар); феъллар – гапнинг қурилишни ташкил қилувчи автоном сўзлар; исмлар-боғловчи функция бажармайдиган автоном сўзлар. 4 категория ва 3 синфнинг кесишуви сўз туркумлари билан қиёслаш мумкин бўлган 12 «мангикий моҳият» (*essences logiques*) ни ҳосил қилади.

Мазкур классификациянинг эътиборга молик томони бўлимлар миқдорини аниқлашга бўлган интилишдир: муаллифлар категория ва синфнинг асосий тушунчаларига таяниб, уларнинг сони айнан ўн иккита бўлиши кераклигини исботлайдилар. Улар сўзнинг гап ясовчи функциясини нафақат ёрдамчи сўзларни алоҳида туркумга ажратганда, балки мустақил сўзлар орасида ҳам гапда боғловчи вазифасини бажарувчи (феъл) ва бундай вазифа бажармайдиганларни (от) ўзаро фарқлаганда инобатга оладилар. Улар айрим СТларининг таркиби бир хил эмаслигини кўрсатадилар (феъл тўрт, равиш уч гуруҳга бўлинган. Иккинчи томондан, предлог, боғловчи, равишли оломошлар (*ici, là*), интенсификаторлар (*bien*) каби турли элементлар бир «сўз туркуми»га кириб қолган. Шу билан бир қаторда, Дамурет ва Пишонларнинг қуйида келтирилган схемасида ҳам, асосан, анъанавий таснифлардаги категориялар кўзга ташланади. Жумла-

дан, қадимги юнонлар алоҳида туркумга ажратган сифатдош ҳам. Бу ҳолат тилда СТнинг объектив тарзда мавжудлигини тасдиқлайди.

Категориялар		Синфлар		
		от	фёъл	струмент
Асосий (centrales)	фактив	ундов сўзлар	фёълнинг шахс-сон	oui, non, si, voilà, voici
	субстантив	от	инфинитив	олмош
Ёрдамчилар (juvantes)	адъектив	сифат	сифатдош	артикль олмош сифат сон
	аффонктив	туб равишлар	равишдош	равиш (ici, bien, etc.) боғловчи предлог

Теньер [32] СТнинг анъанавий таснифни «моҳиятан нук-сонли» деб ҳисоблайди ва сўзларни қуйидаги оппозитсияларга асосланиб фарқлашни таклиф қилади: а) мустақил номинатив функция бажарувчи «тўлиқ» сўзлар ва грамматик роль бажарувчи «пуч» сўзлар; б) мустақил (гап бўлагини ҳосил қила оладиган) ва ёрдамчи (subsidiaries, гапда мустақил функция бажармайдиган – артикль, предлог) сўзлар; в) ўзгарадиган ва ўзгармайдиган сўзлар. Умуман олганда, бу мезонлар, одатда, сўзларни туркумлашда қўлланадиган семантик, синтактик ва морфологик мезонларга мос. «Тўлиқ сўзлар»га Теньер от, фёъл, сифат ва равишни киритади. Улар, шунга мувофиқ тарзда, субстанция, жараён; субстанция ва жараён белгиларини ифодалайди. «Пуч сўзлар»га у юнктивлар (jonctifs – боғловчилар) ҳамда транслятивлар (сўзни бир туркумдан иккинчи туркумга ўтказишга хизмат қилувчи предлоглар); кўрсаткичлар (indices) (артикль ва фёъл олди олмошлари) ни киритади. Олим анафорик сўзларни (олмош, детерминатив, le faire тишидаги олмошли фёъллар, ainsi каби равишлар) ва сўз-гапларни (ундов

сўзлар, oui, поп ва ш.к.) алоҳида гуруҳларга ажратади. Аслини олганда, Теньер мумтоз схемага (9 та сўз туркумга) жуда яқинлашган. Сўзларнинг тўрт турини ажратиб кўрсатиш унинг таснифидаги эътиборга молик ҳолатдир: мустақил («тўлиқ») сўзлар, ёрдамчи сўзлар, оломплар ва сўз-гаплар.

СТнинг ўзига хос систем-структур назарияси Гийом таълимотида ўз ифодасини тошган. Фикрлаш жараёнида тил шакли бўлган сўз моддий субстрат – муайян тушунча, объектга мувофиқ бўлади. Бу мувофиқликни Гийом «инцидентия» (сўзма-сўз: «учрашув») деб атайти. От, энг аввало, ички ва ташқи инцидентия билан тавсифланади: у ўзи ифодалаётган тушунчага мос бўлади. *Homme* сўзи «инсон» тушунчасига кирувчи объектни англатади. N нинг ташқи инцидентияси детерминантлар ёрдамида амалга ошириладиган актуализациядир. Фейл ва сифатда муқаррар равишда намоён бўладиган кўп инцидентия бор: уларни ифодаланаётган тушунчага мослаштирувчи *ички* ва от билан ифодаланаётган объектга мослаштирувчи *ташқи* инцидентия деб аташ мумкин. Масалан, *grand* сифати объект билан фақат от (*homme*) ёрдамида алоқага киришади. А ва V нинг ташқи формал инцидентияси уларнинг N билан жинс ва сонда мослашувида кўзга таппланади. Равиш ўзини А ва V га мослаштирувчи иккинчи даражали ташқи инцидентияси билан тавсифланади. Шундай қилиб, инцидентия тушунчаси асосий сўз туркумларининг семантик хусусиятлари, грамматик муносабатлари ҳамда категорияларини ўзаро боғлайди.

Француз грамматикасида сўз туркумларига доир билдирилган назарияларни ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келади: а) СТ – сўзларнинг тилда объектив тарзда мавжуд синфларидир. Бинобарин, уларни инкор этиб бўлмайди; б) сўзлар қандайдир бир эмас, балки қатор белгилар асосида туркумланмоғи лозим; в) улар орасида ички поғоналаниш бор; г) ҳар қандай тасниф «тахминий» бўлади, чунки тилда бир-бирига ўтиб турувчи ҳодисалар мавжуд; агар тасниф француз тили луғати сўзларининг белги-хусусиятларини 100% қамраб ололмаса, бу ундан воз кечиш керак деган гап эмас.

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТИЗИМИ

52-§. Сўз туркумлари. Сўз типлари ва синфлари. Сўз туркуми назарияси танқидчилари унинг турли мезонлар асосида таснифланишини асосий камчилик деб билишади. Бироқ айнан шу (турли мезонларнинг қўлланилиши) унинг ижобий томонидир, чунки уч белги – категориал-семантик, формал-морфологик ва функционал-синтактик хусусиятлар – ўзаро чуқур алоқада бўлиб, бир асосий манбага – сўзнинг номинатив қобилиятига бориб тақалади. Шунинг учун сўзларни туркумлашда *номинация* – сўзда ғайрилисоний борлиқнинг инъикоси – характери *ни* инобатга олиш жуда муҳим. СТ борлиқ ҳодисаларининг килпи онгида акс этиши натижасида ҳосил бўлган сўзларнинг энг йирик гуруҳларидир. Инсон тафаккури предмет, нарса ва ҳодисани бўлак-бўлак акс эттиради. Борлиқни бўлинган ҳолда идрок этиш натижасида олинган элементлардан янги тушунча ва фикрлар шаклланади. СТ а) борлиқни акс эттириш усулига ва б) элементни акс эттириш характери-га кўра, ўзаро фарқланади.

Борлиқни *акс эттириш усулига* (номинация характери) кўра, сўзларнинг типлари (асосий ва қўшимча сўз туркумлари) ўзаро фарқланади.

Тилдаги аксарият сўзлар борлиқ элементларини *бўлак-бўлак, мустақил ва бевосита* ифодалайди. Инсоннинг билиш фаолияти айнан улар ёрдамида амалга ошади. От, сифат, равиш, сон асосий сўз туркумларидир: *Қўшимча СТ* асосий СТдан юқоридаги уч белгидан бирига кўра фарқ қилади. Ундов сўзлар борлиқ унсурларини бўлинмаган ҳолда тасвирлайди. Олмошлар эса бу элементларни билвосита, ўзлари алмаштириб келадиган сўзлар орқали ва нугқ иштирокчиларига мувофиқлигига кўра ифода-лайди. Ёрдамчи сўзлар мустақил номинатив функцияга эга эмас.

Баён қилинганларни шундай умумлаштириш мумкин:

Сўзлар тиллари	Борлиқ элементларининг акс этиши:		
	ажратишган	бевосита	мустиқил
асосий СТ	+	+	+
ундов сўзлар	–	+	+
олмошлар	+	–	+
ёрдамчи сўзлар	+	+	–

Тасвирланаётган объектнинг характериға кўра, сўзлар бир неча синфларға бўлинади. Инсон онги объектив борлиқда, энг аввало, предметлар (статик объектлар) ва шу предметлар билан алоқадор жараёнларни (предметларнинг ҳаракати, ўзгариши, ҳолати ва муносабатлари), объектларнинг тавсифи билан жараёнларнинг тавсифини ўзаро фарқлайди. *Асосий СТ* – N ва V, мос тарзда, субстанция ва жараённи ифодалайди. N асосида онгда қайд этиладиган маконға оид, V асосида эса замонға оид уйғунлик (мослик) ётади. *Ёрдамчи СТ* – A ва D субстанция ва жараёнларнинг белгиларини ифодалайди. Субстанцияларнинг миқдорий тавсифи алоҳида СТ – сон ёрдамида берилади.

Сўзларни туркумларға ажратишнинг бу икки тамойилида ўзаро кесишиш нуқталари мавжуд. Олмош ва ёрдамчи сўзлар ичида предмет, жараён (процесс) ёки жараённинг белгисини кўрсатувчи сўзларни кузатиш мумкин. Бу ҳолат СТ умумий таснифини қийинлаштиради.

53-§. Асосий сўз туркумлари. Бу (от, феъл, сифат, равиш, сон) сўз туркумларининг семантикаси юқорида кўриб чиқилган эди. Уларнинг морфологик хусусияти маълум маънода умумий категориялар белгилари билан шартланган грамматик категориялар мажмуи асосида ҳосил қилинади. Субстанциялар миқдор жиҳатдан тавсифланиши ва турли умумий белгиларига (масалан, жонли/жонсиз отларни, кейингиларини эса жинсига кўра зидлаш) қараб гуруҳчаларға тақсимланиши мумкин. Француз тилида предметлар орасидаги бу объектив тафовулар отнинг грамматик категориялари – сон ва жинс – асосида ётади. Жараён (процесс) ға хос турли хусусиятлар ҳамда сўзловчининг унга муносабати эса феълнинг грамматик категориялари – за-

мон, нисбат, шахс, майл – асосида ётади. А ва Д шу сўз туркумлари билан ифодаланган белгининг кучайишини акс эттирувчи қиёсий даража категориясига эга.

СТ синтактик функциялари ҳам категориял мазмун билан боғлиқ. Масалан, субстанция субъект ёки жараён объектлари сифатида қўлланиши мумкин. Шу сабабли отнинг бирламчи синтактик функцияси эга ва тўлдирувчи функциясидир. Феълнинг жараён ифодаловчиси тарзидаги бирламчи синтактик функцияси эса кесим функциясидир. Сифат, энг аввало, отнинг аниқловчиси, равиш эса феълнинг аниқловчиси (ҳол) вазифасини бажаради.

Қуйида асосий сўз туркумларининг мазмуни, морфологик категориялари ва бирламчи синтактик функциялариаро нисбат келтирилди:

Сўз туркумлари	Маъно	Грамматик категориялар	Функциялар
от	субстанция	жинс, сон	эга, тўлдирувчи
феъл	жараён	тамон (ва тур) майл	кесим
сифат	субстанция	нисбат, шахс,	аниқловчи
	тавсифи	қиёсий даража	
равиш	жараён	қиёсий даража	ҳол
	тавсифи		

54-§. Қўшимча сўз туркумлари. Асосий сўз туркумларига нисбатан улар анча ёниқ қаторни ташкил қилади, бинобарин, от ёки феъл каби олмош, предлог ёки уидов сўзларни эркин ҳосил қилишнинг иложи йўқ.

Уидов сўзлар. Бопқа сўзлардан фарқли ўлароқ, уидов сўзлар борлиқли яхлит ҳолда акс эттиради. Масалан, оғрик тутганда одам *J'ai mal!* ёки *Aie!* дейиши мумкин. Биринчи гапта оғрикнинг сўз билан ифодаланишини бўлиб-бўлиб кўрсатиш мумкин: дард чекаётган субъект (*je*), ҳиссиётнинг характери (*mal*), боғлама (*ai*). Иккинчи гапта уидов сўз борлиқнинг мажур элементларини синкретик тарзда (ажратмасдан) ифодаланган. Ўтгармаслиги (бўлақларга бўлинмаслиги) сабабли уидов сўзлар гапнинг бопқа бўлақлари билан эркин боғланмаслиги мумкин; грамматик

категориалардан маҳрум ва гапда, одатда, ажратилган ҳолда қўлланади. Бироқ улар мустақил сўзлар ҳисобланади, чунки алоҳида гап ҳосил қила олади.

Олмошлар. Борлиқ элементларини бевосита, тилда мавжуд тегишли сўзлар ёрдамида (*Le garçon lit ce livre; Jeanne est à la maison*) ёки бевосита, нутқда қўлланган номни алмаштириш йўли билан ёхуд сўзлашув вазиятига кўра (*Il le lit; Elle est là; Je te parle*) ифодалаш мумкин. Бундай сўзлар мос тарзда анафорик ёки дейктик сўзлар дейилади. Уларни барча сўз туркумлари орасида учратиш мумкин. Қиёсланг: от (*moi, celui-ci*); сифат (*ce, mon, quel*), феъл (*le faire*), равиш (*ainsi, là-bas, où*). Бироқ француз тилшунослигида олмошларга сўз туркуми сифатида фақат субстантив шаклларни (*moi, je, celui-ci*) киритиш расм бўлган. Бутун гапга (*oui, non*) мос келадиган олмош характеридаги элементлар сўз-гапларга тааллуқли.

Ёрдамчи сўзлар (43-§га қаранг). Бундай сўзлар мустақил номинатив функцияга эга бўлмаганлиги сабабли гап, ҳатто, гап бўлагини ҳам (айрим истисноли ҳолатлардан ташқари) ҳосил қилилмайди. Ёрдамчи сўзлар, бинобарин, грамматик морфема ва сўз ўрғасида оралик ўринни эгаллайди. Уларни сўзларга қуйидагилар яқинлаштиради: а) шаклан алоҳида ажратиб туришлик; б) луғавий маънонинг мавжудлиги (масалан, *venir de Paris* ва *venir à Paris* гапларини қиёслаш предлоғлар ҳам ўз маъносига эга эканлигини кўрсатади); в) кўпинча улар мустақил сўзларга яқинлашадиган, улардан ясалади, масалан, детерминативлар каби сўз ўзгаргувчи шаклларни сақлаб қолиши ҳам мумкин. Француз тилида ёрдамчи сўзларнинг олти гуруҳи бор: детерминативлар (артиклларни ҳам қўшганда), ёрдамчи олмошлар, феъл-боғламалар, предлоғлар, боғловчилар, юкламалар. Улар гапда қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Сўзнинг синтактик шаклини ясашга, унинг гапда қўлланишига хизмат қилади, мустақил сўзга гап бўлагини вазифасини бажаришга имкон беради. Бун билан улар грамматик морфемаларга яқинлашади. Детерминативлар (артиклларни ҳам ҳисоблаганда), феъл-боғлама ва предлоғлар худди шундай функция бажаради.

2. Гап бўлагини вазифасида келган мустақил сўз ўрнида қўлла-


нади ёки уни алмаштириб келади. Бунда ёрдамчи сўз гап бўлаги вазифасида келади. Айнан шу функцияни *je, se, celui, etc* олмошлар бажаради.

3. Гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро боғлайди. Бундай функцияда, асосан, предлог ва боғловчи келади.

4. Гап маъноларини ифодалашга хизмат қилади (сўрок, инкор ва ш.к.). Бу – юкламаларнинг функцияси.

Мустақил (*moi*) ва ёрдамчи (*je*) олмошларнинг мазмунан ўзаро яқинлиги, шунингдек, омоним шаклларнинг (*nous, vous, elle* ва б.) қўшлаб мавжудлиги туфайли бу икки гуруҳ бир СТга бирлаштирилади. Француз тилида фақат ёрдамчи функция бажарадиган феъллар йўқ. Бундай функцияда, одатда, мустақил феъллар қўлланади (*avoir, être, faire, venir, etc*). Шу сабабли ёрдамчи феъллар алоҳида туркумга ажратилмайди. Улар феълларнинг функционал гуруҳчаси сифатида қаралади, холос.

Француз тилида сўз туркумларининг умумий тизимини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Хуллас, француз тилида сўз туркумларининг 12 тури мавжуд. СТ марказини тўрт асосий синф ташкил этади: N, V, A ва D.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН. ТРАНСПОЗИЦИЯ

55-§. Сўз туркумларида марказ ва қуйи. Сўз туркумлари асосида ётадиган тафаккур категориялари борлиқ ходисаларига нисбатан муайян мустақилликка эга. Ҳар қандай ҳаракат, белги, хосса объект-субстанция тарзида тасаввур қилиниши ва иккинчи томондан, предмет ҳақидаги тушунча белги ёки ҳаракат тушунчаларини ҳосил қилишда асос қилиб олинishi мумкин. Тушунчалар ҳаракати билан кетма-кет борар экан, сўзлар ўзининг категориал мансублигини ҳам, баъзан эса маъносини ҳам ўзгартириб боради. Масалан, белгининг предметлашиши (*blanc* → *blancheur*); жараённинг предметлашиши (*quelque chose change* → *changement*); предметнинг белгига ўтиши (*métal* → *métallique*).

Муайян туркумга кирувчи сўзлар бир хил эмас, шу сабабли улар орасида марказий ва қуйи элементларни фарқлаш лозим. Марказга мазкур сўз туркуми учун характерли бўлган барча категориал хусусиятларга эга сўзлар, қуйига эга бошқа туркумлардан ясалган сўзлар киради. Улар баъзан керакли категорияларга эга бўлавермайди. Масалан, отларнинг марказига мавжудот ва предметларнинг, қуйисига эса хосса ва ҳаракатларнинг номлари (*blancheur, changement*) тааллуқли. Сифатларнинг марказига туб сифатлар (*blanc*), қуйисига ясама сифатлар (*métallique*) киради. Феълнинг марказини шахс-сон формалари, қуйисини инфинитив ва сифатдошлар ташкил қилади.

56-§. Сўз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи функциялари. 53-§да асосий СТнинг бирламчи функциялари қайд этилган эди. Сўз туркумлари иккиламчи ҳисобланадиган бошқа функцияларда ҳам келиши мумкин [37, 59-70]. Иккиламчи функцияларда улар бошқа сўз туркумлари билан «рақобатлашади». Эгани, предметли тўлдирувчини ифодалаш от учун бирламчи функциядир. Бироқ у аниқловчи (*boîte en métal*) ва тарз холи (*écouter avec attention*) функцияларини ҳам бажаради. Бу

– унинг иккиламчи функцияларидир.

Бирламчи ва иккиламчи функцияларда келган сўзлардаги айрим тенденциялар:

а) бирламчи функцияда, кўпинча, мажкур СТ марказига тааллуқли сўз ва шакллар қўлланса, иккиламчи функцияда қуйиға тааллуқли сўз ва шакллар қўлланади. Феълнинг шахсли формаси, одатда, кесим (феълнинг бирламчи функцияси); шахсиз формалари, яъни инфинитив ва сифатдош феъл учун иккиламчи бўлган функцияларда ҳам (эга, аниқловчи ва б.) қўлланади;

б) бирламчи функцияда алоҳида сўзлар, иккиламчи функцияда аналитик синтактик қурилмалар қўлланади. Кейинги ҳолатда сўз мажкур функцияни бажариш имконияни берадиган белгини олади. Келтирилган мисолда аниқловчи (ўзи учун иккиламчи) функциясида келган N предлог билан бирга қўлланади (*en métal*).

Агар шакл (*métal*) бирламчи (эга, тўлдирувчи) ёки иккиламчи (аниқловчи) функция бажарса, у ҳолда, иккинчи томондан, функция (аниқловчи) *базовий* (*métallique*) ва *кўчма* (*ex métal*) ифода шаклига эга бўлиши мумкин.

57-§. Сўз туркумлари транспозицияси. Сўзларнинг тўрт морфологик синфи (туркуми) – N, V, A, D га гапдаги тўрт асосий функция (эга ва тўлдирувчи, кесим, аниқловчи, ҳол) тўғри келади. *Функционал транспозиция* деб сўзнинг бошқа туркум функциясини бажаришга мослаштишига айтилади (буни баъзан сўзни бошқа функционал синфга ўтказиш деб ҳам аташади).

Функционал транспозиция тилда жуда катта роль ўйнайди: у тилнинг номинатив имкониятларини кенгайтиради, ифода воситаларини янада мосланувчан ва ранг-баранг қилади. Бу ҳақда Балли шундай ёзган эди: «Ўзнинг асосий категорияларида ёпиқ (берк) бўлган белгилар нутқнинг чексиз имкониятларини қондиришда ғоят чекланган манба бўларди. Аммо категорияларнинг бир-бирига ўтиб туриши туфайли фикр эркин бўлади. Бунинг натижасида эса ифода воситалари бойиб, турли нозик-

ликлар кашф этилади» [2, с.143]. Теньер транспозициянинг амалий аҳамиятини таъкидлаб, шундай дейди: «... айнан унинг ёрдамида сўзловчи доимо ўз фикрини ифодалай олиши ва жумлани тугатиши мумкин (*ne reste jamais bouche bée sans pouvoir achever sa phrase*). Бу шундан далолат берадики, транспозиция нафақат фойдали, балки керак ва муқаррар равишда юз берадиган ходисадир» [32, р.365].

Функционал транспозиция француз грамматикасида кенг ўрганилган (Клед, Балли, Фрей, Сешез, Теньер, Бенвенист, Дюбуа, Гильбер ва б.) [Бу ҳақда қаранг: [17, р. 153-160; 38, с.5-24; 53] ва турлича номланган: транспозиция (Ш.Балли), трансляция (Л.Теньер), трансформация (Ж.Дюбуа). Бу тушунчага қандай ҳодисаларни киритиш, транспозиция турлари ва воситалари ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилган.

Функционал транспозициянинг икки тури ўзаро фаркланади:

*морфологик транспозиция*да сўз (асос) бошқа туркумга ўтади ва бунинг натижасида янги сўз шаклланади;

*синтактик транспозиция*да бир сўз бошқа туркумга оид иккинчи бир сўзнинг функциясини бажараяди, аммо морфологик нуктаи назардан бу туркумга ўтмайди. Масалан, агар *courage* (N) сўзига сифат вазифасини юклаш керак бўлса, у ҳолда бу қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади: *un homme courageux, un homme de courage, un homme plein de courage*. Биринчи мисол морфологик, қолган иккитаси эса синтактик транспозиция намунасидир. Мазкур тизимда морфологик-синтактик транспозиция алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда сўз ўзи мансуб бўлган туркум доирасидан бутунлай чиқиб кетмасдан, бошқа сўз туркуми вазифасини бажаришга имкон берувчи морфологик кўрсаткичларни олади. Масалан, инфинитив, сифатдош, равишдош шакли феълни N, A, D функциясида қўллашга имкон беради.

Транспозиция уч таркибий қисмдан иборат жараёндир: бошланғич шакл (Баллига кўра, транспоненд); транспозициянинг

формал белгиси (транспозитор); янги ҳосил бўлган шакл (транспозит). Юқорида келтирилган мисолда *courage* – транспоненд; – *eux, de, plein de* – транспозиторлардир; *courageux, de courade, plein de courage* транспозитлар ҳисобланади.

58-§. Морфологик транспозиция усуллари. Бир туркумга кирувчи сўзни иккинчи туркумга ўтказишнинг икки усули бор:

1. *Аффиксация*. Бунда транспозиция кўшимчалар (аффикслар) ёрдамида амалга оширилади: *grand (A) – grandeur (N) – grandement (D) – agrandir (V)*.

2. *Конверсия* да эса бошқа туркумга кирувчи сўз аффиксларсиз, фақат унинг синтактик функцияси ва морфологик парадигмасини ўзгартиш йўли билан ҳосил қилинади: *grand (A) – un grand (N)* юқори сиф *ўқувчиси*.

Сўз морфологик нуктаи назардан бошқа туркумга ўтмасдан, фақат унинг вазифасини бажарган ҳолатларда морфологик транспозицияни, кўпинча, синтактик транспозициядан фарқлаш қийин бўлиб қолади. Агар ҳар иккала сўз туркуми ҳам ўзаро аниқ фарқланадиган парадигмаларга эга бўлса, у ҳолда омонимик шакллар кам содир бўлади ва шунинг учун мазкур шаклнинг муайян сўз туркумига мансублигини аниқлаш қийин бўлади. Ё, энг аввало, феълнинг бошқа сўз туркумларига (*diner inf – un diner, les diners*) ёки бошқа сўз туркумларининг феълга ўтишига тааллуқли (*un clou, je cloue, nous clouons*). Агар икки сўз туркумининг грамматик шакллари ўзаро мос бўлса (масалан, N ва A да) ёки улардан бири сўз ўзгариш шаклига (равиш, ўзгармас сифат, ёрдамчи сўзлар) эга бўлмаса, у ҳолда сўзнинг бирор туркумга мансублигини аниқлаш, айниқса, қийин кечади. Бунда сўзнинг маъносидagi ўзгариши ҳам (масалан, A – N га ўтишида), дистрибуциясини ҳам, гаҳдаги вазифасини ҳам инобатга олишга ва коммутация усулидан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, *Elle parle haut* гаҳида биз *haut* сўзини феълдан кейин келгани, эга билан мослашмаслиги ва сифат билан эмас, (*Elle parle lent* ёки *lente* эмас, *Elle parle lentement*), балки равиш билан ўрин аниқлиниши мумкинлигига қараб, равиш деб атаيمиз.

Сўзнинг бошқа туркумга конверсия ёрдамида ўтиши қатор оралиқ босқичларни ўз ичига оладиган жараёндир. Сўз айрим конструкцияларда сўз туркумига хос хусусиятларни йўқотиши ҳам мумкин. Сўзларни туркумларга ажратинидаги мужмал ҳолатлар ва грамматистларнинг иккиланишлари – ана шундан. Луғатларда *un travail monstre* даги *un travail* А (морфологик транспозиция), *un produit miracle* даги *miracle* отнинг адъектив қўлланиши (синтактик транспозиция) тарзида изоҳланади.

СТ га ўтиш синтактик функциядан бошланиб, морфологияда тугайди. Сўзнинг янги сўз туркумига хос барча морфологик белгиларни олиши бу жараённинг тугашидир.

59-§. Транспозициянинг турлари. Аслида бир туркумга мансуб сўз бошқа ҳар қандай туркумга ўтиши мумкин. N, A, V, D, *Pron* га ўтиш мувофиқ тарзда субстантивация, адъективация, вербализация, адвербализация, прономинализация деб аталади. Бошқа туркумларга ўтишни англатадиган махсус атама йўқ. Француз тилида сўз туркумлари бир-бирига ўтиб туришининг барча назарий имкониятлари тўлиқ амалга ошмайди. Мана улардан айримлари (аффиксация ёки конверсияга мисоллар): *N→V: groupe→grouper*; *N→A (chapeau) paille*; *N→D: nuit→nuitamment*; *N→Interj: Chapeau!*; *N→Prép: histoire de faire qch*; *A→N: beau→beauté*, *A→V: brun→brunir*; *A→D: calme→calmement*; *A→Prép: plein (les poches)*; *V→N: monter?montage*; *V→A: lira→lisible*; *V→Prép: touchant qch*; *V→Interj: tiens!* *D→A: (un homme) bien*; *Prép→N: le pour et le contre*; *Num→N: cinq→un cinq*.

60-§. Транспозиция ва сўз маъноси. Транспозицияда шакл ва мазмун асимметрияси намоён бўлиши мумкин. Семасиологик нуқтан назардан қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

а) транспозицияда мазмун ўзгармайди (бунда асимметрия содир бўлмайди), чунки транспоненд ва транспозит бир хил умумий маънога эга. Улар сўз туркумларининг фақат категориал маънолари билан фарқланади. Масалан, *libre→librement*; *marcher→à la marche*. Транспозициянинг бу турини Балли «фун-

кционал» транспозиция деб атайди;

б) транспозицияда маъно ўзгариши (Баллига кўра, «семантик транспозиция») содир бўлади. Сўз маъноси, одатда, тораяди; транспозит транспоненд маъноларидан бирини акс эттиради ва натижада бошланғич шаклга бир неча ясама шакл тўғри келади. Масалан, *enfant (N)* дан *A* нинг куйидаги транспозитлари ҳосил қилинади: *enfantin, d'enfant, pour enfants, enfentile (des amusements enfantins, un livre d'enfant, chaussures pour enfants, maladies enfentiles)*. Яна киёсланг: *couper les cheveux une coupe de cheveux*; бироқ *se couper le doigt → se faire une coupure au doigt*.

Ономасиологик аспектда умумий маъноларига кўра бирлашувчи турли сўз туркумларга маъсуб сўзлар ҳар хил ўзакларга эга бўлиши мумкин. Масалан: *La nuit tombe → à la tombée de la nuit*, бироқ *les feuilles tombent → la chute des feuilles*. Кейинги ҳолатда лексик супплетивизм ҳақида гапирилиш мумкин.

RÉSUMÉ

1. Les parties du discours sont de grandes classes (espèces ou catégories) de mots ayant les mêmes propriétés sémantiques et grammaticales. Elles sont caractérisées par trois aspects: le sens général (catégoriel), la fonction syntaxique des mots. L'appartenance d'un mot à une partie du discours (PdD) est surtout déterminée par sa forme grammaticale. Pour les langues où les indices morphologiques ne sont pas assez nets (c'est aussi le cas du français), on est obligé de prendre en considération avant tout les critères syntaxiques (fonctions et distribution des mots).

2. Les PdD ne constituent pas un système rigide: faits intermédiaires, transpositions des mots d'une classe à une autre, neutralisation des indices catégoriels dans certaines constructions rendent difficile leur distinction et donnent lieu à beaucoup de discussions. Les points litigieux les plus importants de la théorie des PdD en français sont: a) la nécessité de la distinction des PdD; b) les principes de leur distinction; c) leur inventaire; d) la hiérarchie de ces catégories.

3. La nécessité de distinguer dans une langue les PdD est contestée par la grammaire formelle distributive d'une part et, de l'autre, par certaines théories négligeant les différences de structure entre les unités sémantiques de la langue.

Pour distinguer les parties du discours, on avance différents critères: essentiellement sémantiques, exclusivement formels, semanticogrammatics. Ces derniers sont les plus convaincants.

4. L'inventaire des PdD en français n'est pas établi de façon définitive. Selon les auteurs, leur nombre varie de 7 à 12. Nous les linguistes distinguent et traitent pareillement le nom et le verbe, alors que les autres PdD soulèvent des controverses qui portent surtout sur les problèmes suivants: a) noms de nombre (classe à part, adjectifs ou déterminatifs), b) déterminatifs (classe à part, pronoms ou adjectifs pronominaux); c) particule (PdD indépendante,

variété de déterminatifs, élément morphologique du substantif); d) particules (classe à part ou adverbess); e) mots-phrases (classe à part ou adverbess). Selon le classement de tous ces éléments, on voit varier sensiblement les limites de certaines autres PdD (adjectifs, pronoms, adverbess).

5. Les trois critères qui sont à la base de la distinction des PdD sont intimement liés entre eux. C'est le sens catégoriel qui détermine les catégories morphologiques et les fonctions syntaxiques du mot. En fin de compte, les parties du discours se déterminent par leur valeur dénomminative, c'est-à-dire par discours se déterminent par leur valeur dénomminative, c'est-à-dire par ce que les mots représentent (désignent) et par la façon don't ils le représentent (mode de dénomination). Selon le mode de dénomination on distingue les PdD essentielles et subsidiaires. Les premières reflètent la réalité et nomment les choses d'une façon discontinue, indépendante et directe. Les PdD subsidiaires désignent la réalité globalement (interjections, mots-phrases), de façon non-indépendante (mots-outils) ou indirecte (pronoms). Selon le caractère des objets reflétés, on distingue, parmi les PdD essentielles, les verbes, les substantifs, les adjectifs, les adverbess et les numéraux, qui expriment respectivement les substances, les processus (actions, états), les caractéristiques des substances ou des processus et les nombres. On compte quatre classes de mots-outils en français: déterminatifs (y compris l'article), prépositions, conjonctions, particules. Ainsi on trouve 12 PdD en français, dont 5 essentielles et 7 subsidiaires.

Les mots-outils servent à constituer la forme syntaxique d'un mot autonome, à l'actualiser (déterminatifs, verbes-copules, prépositions, pronoms conjoints), à remplacer un terme de proposition (pronoms conjoints), à lier les termes ou les propositions entières (conjonctions, prépositions), à exprimer la modalité de la proposition en entier (particules).

6. Quant à la hiérarchie des PdD essentielles, trois théories divisent les linguistes: a) celle de l'égalité et de l'interdépendance du nom et du verbe; à ces deux espèces principales sont subordonnées respectivement deux espèces: adjectifs et adverbess; b) la théorie nominocentrique (ou «des trois rangs») qui part de la valeur dénomminative des mots place au sommet de la hiérarchie le substantif, seul susceptible de nommer les choses de façon absolument

autonome; le verbe et l'adjectif se subordonnent au substantif, l'adverbe, à ces derniers; c) la théorie verbocentrique qui prend pour base le rôle constituant du mot dans la phrase et le terme régissant absolu dans le verbe qui a sous sa dépendance le nom et l'adjectif. Chacune de ces théories met au premier plan l'un des traits existant dans la réalité linguistique.

7. Aucune des PdD n'est homogène: on peut y distinguer le noyau et la périphérie. Les mots du noyau possèdent toutes les catégories grammaticales essentielles de la PdD donnée et remplissent les fonctions syntaxiques qui sont les fonctions primaires de cette espèce de mots. Les mots périphériques ne possèdent pas toutes les catégories de sa PdD en remplissant souvent les fonctions qui sont celles d'une autre PdD.

8. L'instabilité des limites entre les PdD se trouve à la base de la transposition fonctionnelle, c'est-à-dire du passage d'un mot à une autre catégorie. On distingue deux varlès ou étapes de la transposition: transposition morphologique (où le mot quitte définitivement sa PdD) et transposition syntaxique (le mot, sans sortir de sa catégorie ne fait que remplir la fonction syntaxique d'une autre PdD). Les moyens de transposition sont la dérivation (transposition morphologique), la conversion (transposition morphologique ou syntaxique), les constructions analytiques (transposition syntaxique). La transposition fonctionnelle peut être accompagnée d'un rétrécissement de sens du terme transposé.

АДАБИЁТЛАР

РУС ТИЛИДА

1. Адмони В.Г. Опыт классификации грамматических теорий. –ВЯ, 1971, №5.
2. Балли Ш. Общая лингвистика. –М., 1974.
3. Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М., 1974.
4. Мартеньянов Ю.С. Конструкция *avoir parlé* со стороны структуры и значения. –ВЯ, 1959, № 2.
5. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА

6. Arrivé M., Chevalier J. - Cl. La grammaire. – P., 1970.
7. Bally Ch. Linguistique générale et linguistique française. – P., 1970.
8. Baylon C., Fabre P. Grammaire systématique de la langue française. – P., 1978.
9. Benveniste E. Problèmes de linguistique générale. –P., v. I, 1966, v. II, 1974.
10. Bonnard H. (1) Articles de grammaire et de linguistique. –GLLF; (2) Les axiomes «temps et mode». – FM, 1974, n° I; (3) De la linguistique à la grammaire. – P., 1974.
11. Brunot F. La pensée et la langue. –P., 1965.
12. Damourette J. et Pichon E. Des mots à la pensée. Essai de grammaire de la langue française –P., 2^e éd., 1968-71.
13. Dubois J. Grammaire structurale du français. Nom et prénom. – P., 1965, v.I.
14. Dubois J. et Dubois-Charlier F. Eléments de linguistique française: Syntaxe. –P., 1970
15. Gak V.G. Essai de grammaire fonctionnelle du français. –М., 1974.
16. Galichet G. Grammaire structurale du français moderne. –P., 1970.
17. Gougenheim G., etc. (1) L'élaboration du français fondamental –P., 1964.
18. Grammaire fonctionnelle du français / Sous la direction de A.Martinet. – P., 1979.

19. *Grammaire Larousse du français contemporain*, – D., 1964.
20. Gross M. *Grammaire transformationnelle du français* –P., 1968.
21. Guillaume G. (1) *Le problème de l'article et sa solution dans la langue française*. –P., 1919; (2) *Temps et verbe*. –P., 1929; (3) *Langage et science du langage*. –P., 1964; (4) *Leçons de linguistique*. –P., 1971 – 1974.
22. Guiraud P. (1) *La grammaire*. –P., 1958; (2) *La syntaxe du français*. –P., 1963.
23. Hagège Cl. *La grammaire générative. Réflexions critiques*. –P., 1967.
24. Imbs P. *L'emploi des temps verbaux en français moderne*. –P., 1960, p.15.
25. Le Bidois G. et R. *Syntaxe du français moderne*. –P., 1968.
26. Le Galliot J. *Description générative et transformationnelle de la langue française*. –P., 1975.
27. Martinet A. *Le français sans fard*. 1969.
28. Pottier B. *Linguistique générale* – P., 1974.
29. Ruwet N., (1) *Le constituant «Auxiliaire» en français moderne*. – *Languages*. 1966, n° 4; (2) *Théorie syntaxique et syntaxe du français*. – P.; 1972.
30. Šabršula J. *Un problème de la périphérie du système morphologique: à propos des formations prémorphologiques*. *Travaux linguistiques de Prague*, 1966.
31. Séchehaye A. *Essai de structure logique de la phrase*. –P., 1950.
32. Tesnière L. *Eléments de syntaxe structurale*. –P., 3 éd. 1976
33. Wagner R. –L. et Pinchon J. *Grammaire du français classique et moderne*. –P., 2^e éd. 1975.
34. Yvon H. *Supposition, subjonctif et conditionnel*. FM, 1958, N3.

СЌЗ ТУРКУМЛАРИ БОБИ УЧУН:

35. Garde P. *Des parties du discours notamment en russe*. –BSLP, 1991, fasc. 1.
36. Sauvageot A (è)
37. Курилович Е. *Очерки по лингвистике*. –М., 1962.

МУНДАРИЖА

Профессор Владимир Григорьевич Гакнинг тилшуносликка
оид айрим қарашлари

Муқаддима	1
Француз тили грамматикасини назарий ўрганишга кириш	1
Тил ва вутқ. Актуализация	1
Грамматик қурилиш бирликлари	2
Тилни грамматик тавсифлаш турлари	2
Грамматикада методлар ва назарий йўналишлар	3
Грамматикада асимметрия. Функционал ёндашиш	4
Грамматик категориялар	5
Грамматик категория мазмун планида	5
Грамматик категория ифода планида	6
Сўз туркумлари	8
Француз тилида сўз туркумлари тизими	9
Сўз туркумларида шакл ва мазмун. Транспозиция	9

ГАК В.Г.
ФРАНЦУЗ ТИЛИ НАЗАРИЙ ГРАММАТИКАСИ
(Морфология)

Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси

Муҳаррир: Ч.Каюмова

Техник муҳаррир: Е.Г.Цой, Э.П.Узоқов.

Қогоз бичими А4. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи 6,8.

Адади 250 нусха. Қелишилган нархда.

Буюртма №29 24/09/2002.

Самарқанд Давлат Чет тиллар институти

Ахборот-полиграфия маркази.

703004, Самарқанд ш., Й.Охунбобоев, 93.



«Селбис» фирмасининг усқуналарида чоп этилди.

703000, Самарқанд ш., Ш.Рашидов кўчаси, 68.

